

60
70913
**ФАРҒОНА
САНЪАТ КОЛЛЕЖИ**



**САНЪАТНИНГ
НУРЛИ ЙЎЛИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

САНЪАТНИНГ НУРЛИ ЙЎЛИ

(Фарғона санъат коллежи – 60 ёшда)

«Фарғона» нашриёти,
2017 йил

УЎК: 377.36:7(575.1)(091)

КБК: 74.56г

85(5Ў)

С 30

Лойиҳа муаллифи: Ю.П.Ғофурбеков

Тўплаб нашрга тайёрловчилар:

Б.Якубов, М.Махмудова, Д.Арипова, И.Юлдашев, Г.Африкантова,
У.Мамаджанов, Х.Дусматов, З.Ғуломов.

Масъул муҳаррир:

С.Маннопов, Ўзбекистон халқ артисти, профессор

Тақризчилар:

Т.Абдуллаев, фалсафа фанлари доктори, профессор;

И.Қирғизов, педагогика фанлари номзоди, доцент.

Суратлар муаллифи: В.Кондратенко

С30 САНЪАТНИНГ НУРЛИ ЙЎЛИ (Фарғона санъат коллежи – 60 ёшда): мақолалар тўплами; публицистик нашр; тўплаб нашрга тайёрловчилар: Б.Якубов ва бошқ. – Фарғона: «Фарғона» нашриёти, 2017. – 160 бет + [45] қўйилган расм.

Бағридан минглаб санъаткорларни етиштириб чиқарган Фарғона санъат коллежи ўзининг 60 ёшини қаршиламоқда. Элимизга машҳур бўлган кўплаб санъаткорлар, шунингдек, хорижда ўз санъати билан довруғ қозонаётган бир талай ижодкорлар ҳам шу коллеж қалдирғочларидир. Мазкур коллеж республикамиз мусикий таълим тизимида ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлиб, ўтган йиллар давомида юзлаб халқаро ва республика танловлари ғолибларини тарбиялаб берди. Бу анъана бугун ҳам давом этмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида таълим тизимида амалга оширилган ислохотлар самараси Фарғона санъат коллежи мисолида ўзининг ёрқин ифодасини топиб келмоқда.

УЎК: 377.36:7(575.1)(091)

КБК: 74.56г

85(5Ў)

ISBN: 978-9943-980-97-6

©Б.Якубов ва бошқ. – 2017

©«Фарғона» нашриёти – 2017



«Инсоннинг руҳий камолоти ҳақида гапирар эканмиз, албатта бу мақсадга мусиқа санъатисиз эришиб бўлмайди. Халқимиз ҳаётида мусиқа азалдан беқиёс ўрин тутиб келади... Энг муҳими, бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда».¹

Ислом КАРИМОВ.

СЎНМАС БУЛОҚЛАР МАСКАНИ **(Сўз боши ўрнида)**

Бағридан зиё таратган нурли маскан аталмиш Фарғона санъат коллежи, мана, олтмиш баҳорни қаршиламоқда. Бу ўтган давр кўҳна тарих учун унчалик узоқ бўлмаса-да, ўзининг салоҳияти, бағридан қанчадан-қанча улуғ санъаткорларни, моҳир педагогларни, дунёга донг таратган мусиқачи-ю, хонандаларни ҳаёт тарозисига қўйганда, бу олтмиш йил қанчалик залворли йиллар бўлганлиги кўз ўнгимизда гавдаланади. Дарҳақиқат, ҳаёт аталмиш фалсафанинг ўз қонуни бор. Инсонлар ана шу фалсафага бўйсунган ҳолда ҳаёт кечирадилар. Шунга кўра, давр тақазоси билан айланадиган чархпалак ҳаёт тарзи мисолида ўз оқими билан янги ҳаётни ўзининг заррин чашмалари билан тўлдириб бораверади. Фарғона санъат коллежининг ўтган даврлардаги фаолиятини юқоридаги мисолга таққослаш мумкин. Чунки бу вақт мобайнида мазкур қутлуғ даргоҳдан таҳсил олган минглаб мутахассислар республикамизда, ҳатто хорижий давлатларда ҳам ўзларининг санъати билан барчани

¹ Ислом Каримов. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Т.: «Маънавият», 2008.

лол қолдириб келмоқдалар. Ҳозир ҳам бу анъана давом этмоқда.

Таваккал Қодиров, Мамасиддиқ Мадалиев, Саиджон Дадажонов, Султонали Маннопов, Рафаэл Бакиров, Зокиржон Шокиров, Абдуҳошим Исмоилов, Абдулаҳад Абдурашидов, Эркинжон Рўзиматов, Юлдуз Абдуллаева, Замира Раҳматуллаева, Авазбек Мансуров, Анвар Эргашев, Абдурахмон Холтожиев, Илҳомжон Иброҳимов, Давлатжон Муллажонов, Гулсанам Мамазоитова, Ёкутхон Қодирова, Вера Савельева, Юсуф Караев, Энвер Измайлов сингари истеъдодлар номларини узоқ давом эттириш мумкин.

Ярим асрдан кўпроқ давр мобайнида юзлаб улуғ устозлар, юқори малакали мураббийлар ўз билимларини шогирдларига ўргатдилар. Бу ҳаракатлар натижасида аҳил ҳамда юқори салоҳиятли жамоа шаклланди. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки ўтган 60 йил мобайнида ушбу зиё масканига фақат икки киши – Ҳакимахон Машариповна Максумова (30 йил) ва Юсуф Пўлатович Ғофурбеков (30 йил) раҳбарлик қилдилар. Бундай ҳолат кам учрайдиган, айниқса, ўрта махсус билим юртлари орасида ноёб ҳодисадир. Умуман олганда, барча муваффақиятлар замирида таълим муассасасида таълим-тарбия ишларининг тўғри йўлга қўйилганлиги, устоздан анъана сифатида шогирдга ўтиб келган раҳбарлик қоидаларига содиқлик ётади. Бугунги кунда ҳам Фарғона санъат коллежи республикамизда фаолият кўрсатаётган ана шундай коллежлар орасида олдинги сафларда бормоқда десак, ҳеч муболаға бўлмайди.

Бу зиё маскани, айниқса, мустақиллик йилларида ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлди. Янги ўқув биносининг қурилиши, эски биноларнинг таъмирланиши, коллеж ҳудудининг ободонлаштирилиши, ўқувчи ва устозлар учун яратилган шарт-шароитлар, янги мусиқа асбоблари олиниши янгидан-янги ёш истеъдодларнинг юзага чиқишига замин яратмоқда. Натижада улар орасидан «Ниҳол», «Зулфия» Давлат мукофотлари, республика ва халқаро танловлар совриндорлари етишиб

чикдики, бунга алоҳида таҳсин айтмасдан иложимиз йўқ. Бу муваффақиятларнинг барчасига коллежда ўқув жараёнлари, маънавий-тарбиявий ишларнинг намунали йўлга қўйилганлиги гаров бўлиб хизмат қилмоқда.

Яна бир нарсага эътиборни қаратишимиз зарур. Истиклол йилларида республикамизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ташаббуси ва қарорлари билан мамлакатимиздаги мусиқа ва санъат мактаблари замонавий андозалар асосида қурилмоқда, борлари таъмирланмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, коллежлар учун тайёрланаётган ўқувчилар билимли, ҳар томонлама кўникмага эга бўлиб, ўз қобилиятлари, ижрочилик маҳоратларини ошириш имкониятларига эга бўлмоқдалар. Мусиқа ва санъат мактаблари билан санъат коллежлари орасидаги боғлиқлик эса юқори малакали мутахассислар етишиб чиқишига замин бўлмоқда. Фарғона санъат коллежининг ютуқ-муваффақиятлари ҳам ана шу жараёнлар билан боғлиқ, деб тушуниш мумкин. Бир сўз билан айтганда, Фарғона санъат коллежининг 60 йил ичида босиб ўтган йўли, халқимиз маънавий ҳаётида ўзининг залворли қадамлари билан маданиятимиз кўзгуси бўлиб келганлиги яна бир қарра барчамизга қувонч бахш этади.

Фарғона санъат коллежидек қутлуғ даргоҳни узоқ йиллардан бери бошқариб келаётган Юсуф Пўлатович Ғофурбеков ҳақида илиқ сўзларни айтиш ўринлидир.

Юсуф Ғофурбеков 1976 йили олийгоҳни битириб, Фарғона мусиқа билим юртига ишга қабул қилинган. Педагогик фаолиятининг дастлабки йилидаёқ у ўзининг ҳаракатчанлиги, ишга бўлган муносабати, муомала маданияти билан жамоа эътиборини қозонди. Ёш мутахассиснинг қобилиятини пайқаган билим юрти директори Ҳакима Максумова уни қасаба

уюшмаси раиси, бўлим бошлиғи лавозимига тавсия этди. Бу ишонч замирида катта масъулият ётарди. Бир неча йил шу лавозимда фаолият кўрсатган Ю.Ғофурбековнинг раҳбарлик қобилияти шаклланиб борди. 1987 йилда Ҳ.Максумова нафақага чиққандан сўнг, Ю.Ғофурбеков билим юрти директори лавозимига тайинланди. Масъулиятли лавозимга ўтар экан, ёш директор жамоа ишончини оқлаш нақадар қийин эканлигини, бунинг учун тинмай меҳнат қилиш, билим юрти мавқеини республика миқёсида ҳар томонлама юксалтириш зарурлигини англаб етди ва шу ният билан иш бошлади. 1990 йилга келиб, педагогик жамоани юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Республикамиз давлат мустақиллигига эришгандан сўнг, маданият ва санъатни ривожлантириш борасида янги-янги уфқлар кулоч ёза бошлади. Таълим тизимида ҳам катта ўзгаришлар бошланди, раҳбарлардан янгича ишлашни тақозо этди. Бу ўзгаришларни тўғри англаган директор билим юрти таълим тизимида ислоҳот қилиш, ўқув жараёнлари сифатини юқори даражага кўтариш, маънавий-тарбиявий ишларни янги босқичга олиб чиқиш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш борасида аниқ режа асосида иш олиб борди. Бу чора-тадбирлар тез орада ўз самарасини берди. Мутахассис ўқитувчилар ва бошқа лавозимдаги ходимларнинг жой-жойига қўйилиши натижасида билим юртида умумий ҳолат фақат ижобий томонга ўзгариб борди. Ўша даврда амалга оширилган асосий ишлардан бири эски ўқув биносини янги режа асосида қайтадан таъмирланишида ўз ифодасини топди. Янги бионинг қурилиш ҳужжатларини расмийлаштириш, муҳандислик коммуникация тадбирларини мутахассислар билан келишган ҳолда амалга ошириш борасида жуда катта меҳнат қилинди.

2004 йилда янги бинолар қуриб битказилиши, концерт залининг қайтадан таъмирланиши, қишки спорт зали қурилиши коллежда қўшимча мутахассисликлар очилишига замин яратди.

Қўшимча анъанавий ижрочилик, театр бўлимларига иқтидорли ўқувчилар қабул қилинди ва малакали ўқитувчи-педагоглар билан мустаҳкамланди. Тўрт йиллик таълимдан уч йиллик ўқитиш тизимига ўтилгандан сўнг, ўқув жараёнларида янги дастурлар асосида ўқитиш борасида янгиланиш ва жонланиш юзага келди. Бу жараёнда ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари, битирув имтиҳонларини топширишдаги муваффақиятларини директорнинг кафедра мудирлари, фан ўқитувчилари, ўринбосарлари билан ҳамкорлик фаолияти натижаси дейиш мумкин.

Яна бир жиҳат, жамоада «Устоз-шогирд» анъанаси ижобий йўлга қўйилганлиги таҳсинга сазовордир. Бу борада мақташга арзигулик ишлар амалга оширилганлиги гувоҳи бўламиз. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Р.М.Қипчоқов, Республика ўрта ва ўрта махсус таълим аълочилари – ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари О.Т.Юнусов, анъанавий ижрочилик кафедраси мудир Қ.Умаров, меҳнат фахрийлари Қ.А.Абдуллаев, А.Мажидов, С.И.Муллажонов, А.И.Куприн, Ю.А.Гогохия, Г.И.Африкантова, Д.С.Ғофурбекова, Ш.Н.Досматова, Р.М.Тожибоев, Э.Н.Латипов, С.А.Халилова, Н.Р.Хасанова, М.Холиқов, Г.Н.Абдулова сингари фахрийлар ўзлари тўплаган билим ва кўникмаларини ўқувчи шогирдларга ўргатиш борасида «Устоз-шогирд» анъаналарини давом эттирмоқдалар.

Ўқитувчилар малакасини ошириш, мутахассисликлар бўйича аттестациядан ўтказиш доимий равишда директорнинг диққат марказида бўлиб келади. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг олий ўқув юртларида, Россия, Арманистон, Германия сингари давлатларда мастер-класс дарсларида иштирок этиш учун юборилиши ўзининг сезиларли натижасини бермоқда. Кафедра ва бўлимлар, ўқитувчилар ва иқтидорли ўқувчилар иштирокида йиллик ҳисобот концертлари юқори савияда ўтказилишига доимий эътибор берилди. Йил сайин бу ҳисобот концертлари савиясининг

ошиб бориши, уларда ижрочилик маҳоратининг ўсиши кафедра ва бўлимлардаги ўқув жараёнларига ижобий таъсир кўрсатди. Ўқувчи ва ўқитувчиларнинг вилоят, шаҳар тадбирларида ўз дастурлари билан муваффақиятли қатнашишлари ижрочилик маҳоратини оширишда ижобий роль ўйнамоқда.

Фарғона санъат коллежида маънавий-маърифий, тарбиявий ишларга алоҳида эътибор берилиши, тарбиявий соатларнинг янги мавзулар асосида ўтказилиши, маънавий тадбирларга республикада, вилоятимизда кўзга кўринган олимлар, санъаткорлар, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг жалб қилиниши бу борадаги ишлар ҳам намунавий йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Ўқувчиларнинг ота-оналари билан доимий равишда мулоқот олиб борилиши тарбиявий ишларнинг бош омили бўлмоқда. Ўтган йиллар мобайнида ўқув юртида юзлаб халқаро ва республика танловлари ғолиблари етишиб чиқдилар. Жумладан ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон халқ артисти Гулсанам Мамазоитова, Фарҳод Қамбаров, Азамат Муҳаммаджонов, Отабек Маҳмудовлар, шунингдек, коллеж ўқитувчиси Дилоромхон Алимова раҳбарлигидаги 12 нафар ўқувчиси ҳам «Ниҳол» Давлат мукофотига сазовор бўлдилар. Аббос Раҳматуллаев, Елена Мадмусаева, Иқбол Раҳматов, Улуғбек Солижонов, Авазбек Холматов, Бекзод Турдимухамедовлар эса халқаро конкурслар лауреатлари бўлдилар.

Юсуф Пўлатович жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб келади. Масалан, 1994 йилдан бошлаб Халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи комиссия раиси сифатида фаолият кўрсатиб келади.

Иш бор жойда хато ва камчиликлар албатта топилади. Иқтидорли раҳбар бундай ҳолатларнинг олдини олиш, йўл қўйилган камчиликларни вақтида бартараф этиш чоратадбирларини излаб, уларни ижобий ҳал қилишга, кейинчалик бундай ҳолатларга йўл қўймасликка ҳаракат қилади.

Ҳалол меҳнатининг натижасини кўриш – ҳар бир инсон учун

катта бахтдир. Юсуф Гофурбековнинг кўплаб фахрий ёрлиқлар, 2006 йилда «Ўзбекистон Мустақиллигига 15 йил», 2016 йилда «Ўзбекистон Мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишонлари билан мукофотланганлиги унинг халқимиз, ўқув юрти олдидаги меҳнатлари бесамар кетмаганлигидан далолат беради. Оддий ишчи оиласидан чиқиб, ўз меҳнати билан халқимиз ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган, Фарғона санъат коллежининг тарих саҳифаларида сезиларли ном қолдираётган, мустаҳкам оила сардори Юсуф Пулатович Гофурбеков бугунги кунда ҳам олдинги сафларда. У ўзининг раҳбарлик ва устозлик иқтидорини амалда исботлаган ҳолда тинимсиз меҳнат қилмоқда. Умуман олганда, Фарғона санъат коллежининг бугунги салоҳиятига назар солсак, устоз мураббийлар билан бир сафда ўнлаб ёш мутахассис ўқитувчиларнинг жипслашиб меҳнат қилаётганини кўриб қувонамиз. Айниқса, ўқувчилар билан ишлаш, дарс жараёнларини ташкил этиш, ўқувчиларнинг дарсларга қатнашишлари, интизоми ва тарбияси борасидаги ютуқлар жамоанинг аҳиллигидан далолатдир.

Ўзининг 60 йиллик юбилейини нишонлаётган Фарғона санъат коллежи жамоасига ёшларга таълим-тарбия беришдек шарафли ишда янгидан-янги муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Султонали МАННОПОВ,

*Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, профессор, Турон
Фанлар академияси академиги.*

КОЛЛЕЖ МАЪМУРИЯТИ ФАОЛИЯТИДАН ЛАВҲАЛАР

Олтмиш йиллик тўйини нишонлаётган Фарғона санъат коллежининг самарали фаолият олиб боришида ўқув юрти раҳбарлари ва маъмурият ходимларининг алоҳида ўрни ва катта ҳиссаси бор.

Жумладан, ўн тўққиз йилдан бери ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган О.Т.Юнусовнинг меҳнат фаолияти алоҳида эътиборга лойиқ. Унинг ўқув жараёнини тўғри ташкил қилиш, сифатли бўлишига эришиш борасидаги уринишлари яхши натижалар бермоқда. Дарслар жадвалининг доим тўғри ва мукаммал тузилиши, ўқитувчиларга дарс ўтиш учун яхши шароитлар яратилганлиги, очиқ ва кўргазмали дарсларнинг ўз вақтида сифатли ўтказилиши, ўқув жараёни билан боғлиқ режалаштирилган барча ишларнинг тўлиқ бажарилишида О.Юнусовнинг хизматлари катта. У коллеж тарихида мазкур лавозимда энг узоқ муддат давомида ишлаб, жуда катта тажриба орттирган мутахассис бўлиши билан бирга, шогирдлари танбур сози бўйича республика кўрик-танловларида юқори ўринларни эгаллаган тажрибали устоз ҳамдир. Самарали меҳнати кадрланиб, О.Т.Юнусов «Ўзбекистон Республикаси Ўрта махсус касб-ҳунар таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Коллежнинг маънавий ва маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари А.Қ.Худайназаров бу соҳада чуқур билимга ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган ходимдир. Маънавият ва маърифат бўлимининг бутун фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 451-сонли қарори асосида ташкил қилиниб, намунали олиб борилмоқда. Гуруҳ раҳбарлари ишини тўғри ташкил қилиш ва назоратини олиб бориш, ўқувчиларни миллий

кадриятларга чуқур ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш билан боғлиқ тадбирларнинг доимий равишда ўтказилиши, одоб-ахлоқ ва маънавий тарбия ишлари ўз вақтида, сифатли бажарилиши натижасида коллеж ўқувчиларининг давомати ва ўзлаштириши ҳамиша талаб даражасида бўлиб турибди. Шунинг учун А.Худайназаровнинг самарали меҳнати алоҳида таҳсинга сазовор.

Коллежда амалиёт ишларини олиб бориш ҳам яхши йўлга қўйилган. Педагогик амалиётни ўташ учун ўқув юрти фаолиятининг дастлабки йилларидаёқ ташкил қилинган амалиёт сектори ҳозирги кунда ҳам самарали ишламоқда. Сектор фаолиятини болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятига қиёслаш мумкин. Коллеж ўқувчилари мактаб ўқувчиларига дарс ўтиб, мусиқий педагогика сирларини ўрганадилар. Бундан ташқари, хореография ва театр мутахассисликлари ўқувчилари концерт ижрочилиқ амалиётини, рассомчилиқ мутахассислиги битирувчилари эса диплом олди амалиётини ўтайдилар. Барча амалиёт ишлари директорнинг касбий таълим бўйича ўринбосари Э.А.Латипов назоратида олиб борилади. Шу билан бирга, унинг зиммасига коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш вазифаси ҳам юклатилган. Унинг саъй-ҳаракатлари билан битирувчиларни тўлиқ ишга жойлаштиришга эришилмоқда.

Фарғона санъат коллежининг жисмоний тарбия раҳбари М.Э.Шерназаров спорт-соғломлаштириш ишлари доим юқори даражада олиб борилишига эришиб келмоқда. Бу борада коллежнинг кўп йиллик жисмоний тарбия раҳбари, ўз касбининг моҳир устаси, фахрий ўқитувчи Қ.А.Абдуллаев ўзининг бой тажрибаси билан унга елкадош. Ўқув юрти спорт анжомлари билан етарли даражада таъминланган. Ўқувчилар ҳамда ўқитувчилар жамоаси жисмоний тарбия ва спортнинг бир неча тури бўйича шуғулланишлари учун барча шароитлар мавжуд. Жамоа аъзолари шаҳар, вилоят ва республика миқёсидаги спорт мусобақаларида қатнашиб, коллеж шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқдалар.

Коллеж ўқитувчилар жамоасининг самарали ишлаши, ўқувчиларнинг яхши билим олишлари учун зарур шароитларни яратиб беришда ўқув юртининг кўп йиллик ходими, хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Ж.Қ.Акрамовнинг хизматларини эътироф этиш лозим. Коллеж моддий техника базасининг муҳим омили бўлган барча инвентарлар, чолғу созлари, асбоб-ускуналар ва бошқа анжомларнинг яхши сақланиши, доимо ишга шай туриши, ўз вақтида янгиланиши, сифатли таъмирланишида унинг саъй-ҳаракатлари катта аҳамиятга эга. Ахборот ресурс маркази, ўқув биноси, концерт ва спорт заллари, коллеж ётоқхонаси биноларини доим озода ва тартибли сақлашда комендант Д.А.Хожиқурбонова бошлиқ техник ходимлар жамоасининг меҳнати талаб даражасида ташкил этилган.

Ўқув юртининг тўлақонли фаолият олиб бориши учун зарур бўлган моддий таъминот, ходимлар маошини ҳисоб-китоб қилиш ишлари ва бошқа барча молиявий масалалар коллеж бош ҳисобчиси С.Т.Ҳакимова ва унинг бошчилигидаги бухгалтерия ходимлари – Н.Сиддиқова, О.Ибрагимовалар томонидан доим ўз вақтида ҳал қилиб келинади.

Ходимлар билан ишлаш бўйича инспектор Х.Қ.Зойитова кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган мутахассис бўлиб, бу соҳанинг ҳақиқий билимдонига айланган. Коллеж раҳбари буйруқларининг ўз вақтида чиқиши, уларнинг бажарилиши ва назорати, барча ходимлар ҳамда ўқувчилар шахсий ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилиши ва юритилиши каби бир қатор муҳим вазифалар унинг зиммасида. Хизмат вазифаларини доим сифатли ва ўз вақтида бажаргани учун Х.Зойитова ўқув юрти жамоаси орасида обрў-эътибор қозонган.

Ахборот кутубхона марказида сўнгги ўн йил мобайнида катта ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, ҳозирги кунда коллеж кутубхонаси 36496 сондаги китоблар фондига эга бўлиши билан бирга, янги ва замонавий электрон дарсликлар, компьютерлар билан таъминланган ҳамда интернет тармоғига уланган.

Компьютерларда турли электрон манбалар (фанлар бўйича маъруза матнлари, дарсликлар ва бошқ.) жамланган. Коллеж кутубхонасидаги китоблар захираси намунали сақланган ҳолда доимий равишда янги адабиётлар ҳам келтирилади. Кутубхона фаолиятини самарали олиб боришда кутубхоначилар Н.Дехқонова ва Д.Қамбароваларнинг хизматлари катта.

Коллеж ҳаётида услубий марказ фаолиятининг ҳам ўз ўрни бор. «Муסיкий-назарий фанлар ўқитувчиси» кафедраси етакчи ўқитувчиси Д.Арипова коллеж услубчиси сифатида очик дарсларни ўтиш, услубий ишлар ва услубий мажмуаларни тўғри юритишда мутахассис ўқитувчиларга яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Коллеж ўқитувчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни рағбатлантириш каби ишлар кўп йиллардан буён коллеж касаба уюшмаси раиси Ш.Досматова зиммасига юклатилган. У ўқитувчи ва ходимларнинг ўз вақтида республика оромгоҳларида дам олишлари, даволанишлари, турли байрамларнинг бекаму-кўст ўтказилиши каби вазифаларни намунали тарзда бажариб келмоқда.

Ўқитувчи Х.Қаҳҳорова коллеж Хотин-қизлар қўмитасига узоқ йиллардан буён бошчилик қилиб келмоқда. Мазкур қўмита вилоят, шаҳар ҳокимлиги, ўрта махсус касб-хунар ва шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар билан доимий ҳамкорликда иш олиб боради. Х.Қаҳҳорова ўз фаолияти давомида коллеждаги педагог-аёллар, ўқувчи-қизлар ўртасида ҳукуматимиз қарор ва фармонларининг ҳаётга татбиқ этилиши, уларни тарғиб қилишда жонбозлик кўрсатади. Сўнгги ўн йил давомида 20 нафардан ортиқ қизлар «Зулфия» Давлат мукофоти танловининг санъат, маданият ва адабиёт йўналишларида иштирок этганликлари бунга ёрқин мисолдир.

Фарғона санъат коллежида «Маънавият ва маърифат» бўлими бошлиғи Иброҳимжон Юлдашев раҳбарлигида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар, маданий тадбирлар ҳам намунали

йўлга қўйилган. Коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари республика, вилоят ва шаҳар миқёсида ўтказилаётган кўплаб сиёсий, маданий-маърифий тадбирларнинг доимий иштирокчисидир. Уларнинг Мустақиллик, «Наврўз», турли касб байрамларида, кўрик-танловларнинг вилоят ва шаҳар босқичларида, шунингдек, коллежда ўтадиган ҳисобот концертларида намунали тарзда иштирок этишида И.Юлдашевнинг меҳнати алоҳида таъкидлаш лозим.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси И.Абдуҳопизов ёш бўлишига қарамай, ўз зиммасига юклатилган барча вазифаларни намунали тарзда бажариб келмоқда. Ўқувчиларни турли тадбирларга жалб қилиш, уларни рағбатлантириш ўз самарасини бермоқда. Ўқувчиларнинг ҳар томонлама пухта билим олиши ташкилий ишларга боғлиқ бўлиб, мутасадди ходимларнинг ўз ишига сидқидилдан ёндашишлари бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.



ФАРҒОНА САНЪАТ КОЛЛЕЖИ КАФЕДРАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

«ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИ ИЖРОЧИСИ» КАФЕДРАСИ

Фарғона давлат мусиқа билим юртида очилган бошқа бўлимлар қатори «Халқ чолғулари ижрочиси» кафедраси ҳам 1957 йилдан буён то бугунги кунга қадар самарали фаолият юритиб келмоқда. Мазкур кафедра ўзининг турли жабҳалардаги кўплаб ютуқ ва муваффақиятлари билан ёш авлод таълим-тарбиясида, қолаверса, миллий мусиқа санъатимизнинг янада ривож топишида жонбозлик кўрсатиб келаётган кафедралардан биридир.

Бўлимнинг ташкил топиши ва унинг кейинги фаолиятида В.М.Антипов (кафедранинг биринчи мудири) ва биринчи устоз ўқитувчилар – Георгий Ильич Непорядкин ва Мамасиддик Мадалиевларнинг номларини алоҳида қайд этиш лозим. Улар ўқувчиларга қашқар рубоби, дўмбира ва чанг чолғуларидан сабоқ берганлар. Бўлимга илк маротаба 10 нафар ўқувчи қабул қилинган бўлиб, улар 1961 йилда ўқишни тамомладилар. Бўлимнинг 7 нафар битирувчиси республикамиздаги санъат йўналиши бўйича олий ўқув юртларига ўқишга қабул қилиндилар.

1959 йили Тошкент давлат консерваториясини тамомлаб, ўз мутахассислиги бўйича етарли билим ва кўникмаларга эришган Раҳмиддин Мамадалиевич Қипчақов шу йили билим юртига ишга қабул қилинди. Мазкур йилларда мутахассис ўқитувчилар камлиги боис, Р.Қипчақов қашқар рубоби, рубоб-прима, чанг, ғижжак ва най чолғулари бўйича ўқувчиларга билим бера бошлади. Ундаги ўз касбига бўлган қизиқиш, юксак педагогик маҳорат ва ўқувчилар билан ишлаш услуби ёшларнинг таълим-

тарбия олишида ва мутахассис сифатида шаклланишларида жуда қўл келди. Р.М.Қипчақов 53 йил давомида (1959-2012 йиллар) намунали педагогик фаолият олиб борди. Шу билан бирга, 25 йил давомида мазкур бўлимга раҳбарлик ҳам қилди.

Шунингдек, «Халқ чолғулари» бўлимига Ҳошим Исмоилович Ёқубов (1972-1978), Кимсанхон Раҳмоновна Аҳмедова (1985-1987), Мухаммадикром Қосимов (1990-1991) каби мутахассислар раҳбарлик қилдилар.

Кимсанхон Аҳмедова билим юртимизнинг дутор мутахассислиги бўйича биринчи битирувчиларидан бўлиб, 1966 йилда Тошкент давлат консерваториясини тамомлаган. Вилоятимиз билим юртларида дутор мутахассислигининг ривожланишида унинг ҳиссаси катта. Ундан сабоқ олган кўплаб ўқувчилар республикамизнинг таниқли ижрочилари бўлиб етишдилар. Булар қаторида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон давлат консерваторияси ўқитувчиси Маликахон Зияева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Наманган санъат коллежи директори Нортोजи Юсупова ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

1993 йилдан Фарғона санъат коллежи маъмурияти томонидан Раҳматжон Машрапович Тожибоев мазкур кафедра раҳбари этиб тайинланди ва шу кунгача кафедра ўқитувчи ва ўқувчилари билан ҳамжиҳатликда фаолият юритиб келмоқда.

«Халқ чолғулари» кафедрасида қуйидаги мутахассис-ўқитувчилар фаолият кўрсатдилар:

1957-1972 йиллар – Владимир Михайлович Антипов;

1957-1962 йиллар – Георгий Ильич Непорядкин;

1957-1968 йиллар – Мамасиддиқ Мадалиев;

1959-2012 йиллар – Раҳмиддин Қипчақов (рубоб-прима);

1961-1966 йиллар – Тўлқин Икромиддинов (чанг);

1964-1996 йиллар – Ҳошимжон Ёқубов (қашқар рубоб);

1966-1998 йиллар – Кимсанхон Аҳмедова (дутор);
1967-1970 йиллар – Қудратжон Ҳақимов (чанг);
1968-2013 йиллар – Мухторжон Каримов (қашқар рубоб);
1969 йилдан – Абдувоҳид Мажилов (қашқар рубоб);
1971-1986 йиллар – Якуб Юнаев (рубоб прима);
1971-1986 йиллар – Эргашали Мирзаев (ғижжак);
1973-1996 йиллар – Ортиқали Турсунов (ғижжак);
1973-1978 йиллар – Турсунали Худойназаров (чанг);
1974-1982 йиллар – Ботирали Турсунов (афғон рубоб);
1976 йилдан – Юсуфжон Ғофурбеков (қашқар рубоб);
1976 йилдан – Муҳаммаджон Холиқов (танбур);
1980-2011 йиллар – Абдурахмон Рўзибоев (доира);
1981-1995 йиллар – Аҳмаджон Абдурахимов (дутор);
1981-1996 йиллар – Дилоромхон Муҳаммедова (чанг);
1982 йилдан – Раҳматжон Тожибоев (афғон рубоб);
1984-2003 йиллар – Қосимжон Самиев (қашқар рубоб);
1991 йилдан – Хуршидахон Қаҳҳорова (дутор);
1992-2012 йиллар – Ҳусанжон Зилиев (қашқар рубоб);
1993 йилдан – Тоҳиржон Қаҳҳоров (най);
1994-1997 йиллар – Умаржон Сотволдиев (ғижжак);
1994 йилдан – Олимжон Юнусов (танбур);
1996 йилдан – Иброҳимжон Юлдашев (қашқар рубоб);
1996-2003 йиллар – Абдумалик Абдуҳамидов (ғижжак);
1999-2003 йиллар – Павел Чекмарёв (аккордеон);
2000-2003 йиллар – Одинахон Умарова (дутор);
2003 йилдан – Қаҳрамонжон Умаров (ғижжак);
2000-2004 йиллар – Улуғбек Исаков (қашқар рубоб);
2002 йилдан – Дилоромхон Алимова (чанг);
2003 йилдан – Акмалжон Обидов (афғон рубоб);
2003 йилдан – Лидия Цхай (аккордеон);
2007 йилдан – Адҳамжон Ўлмасов (рубоб-прима),

2008 йилдан – Давлатжон Холиков (танбур);
2008 йилдан – Алишер Абдурасулов (ғижжак);
2010-2012 йиллар – Муаззамхон Топволдиева (дутор);
2013 йилдан – Рустамжон Орзубоев (ғижжак);
2013 йилдан – Исломжон Абдухопизов (қашқар рубоб);
2013-2014 йиллар – Намунахон Маматкулова (дутор);
2015 йилдан – Дилафруз Усмонова (дутор);
2015 йилдан – Дурдона Муродова (дутор);
2016 йилдан – Гулшаной Раҳмонова (дутор);
2016 йилдан – Зафаржон Зиятов (ғижжак-бас);
2016 йилдан – Шухратжон Турсунов (қашқар рубоб).

Юқорида қайд этилган устозларнинг кўплаб шогирдлари республика кўрик-танловлари ғолиблари бўлиш билан бирга, Ўзбекистон давлат консерваториясини тамомлаб, устозлари қаторида коллежимизда ўзларининг педагогик фаолиятларини олиб бормокдалар. Ўқитувчиларимизнинг машаққатли меҳнати натижаси ўларок, ҳар йили кўплаб ўқувчиларимиз Ўзбекистон давлат консерваторияси, шунингдек, республикамизнинг бошқа олий ўқув юртларига қабул қилинмоқдалар.

Ҳозиргача Ўзбекистон давлат консерваториясига ўқишга кирган ўқувчилар сони – 162 нафарни, бошқа олий ўқув юртларига ўқишга кирганлар сони – 148 нафарни, ҳаммаси бўлиб «Халқ чолғулари ижрочилиги» мутахассислигини тамомлаб, санъат йўналиши бўйича олий ўқув юртларига ўқишга кирган ўқувчилар сони – 310 нафарни ташкил этади.

Кафедранинг бир қанча битирувчилари халқ эътиборига тушиб, Давлат мукофотларига сазовор бўлиб келмоқдалар. Хусусан:

Ўзбекистон халқ артистлари:

Таваккал Қодиров;

Абдухошим Исмоилов;

Султонали Маннопов (профессор, Турон ФА академиги);
Абдулаҳад Абдурашидов.

Ўзбекистон халқ ҳофизлари:

Эркинжон Рўзиматов;
Илҳомжон Иброҳимов.

Қирғизистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби:

Зокиржон Шокиров.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар:

Абдурахмон Холтожиев;
Маликахон Зияева;
Замирахон Раҳматуллаева;
Одилжон Назаров.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари:

Раҳмиддин Қипчақов;
Мамасиддиқ Мадалиев;
Раҳимжон Камолов;

Холдарали Пўлатов;

Хайдарали Қосимов («Шухрат» медали соҳиби, Халқ таълими аълочиси).

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси:

Нортожихон Юсупова.

Шунингдек, «Халқ чолғулари ижрочилиги» кафедрасининг ўқитувчи ва ўқувчилари республика ҳамда халқаро кўрик-танловларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдалар:

2010 йил, Арманистон, «Дельфийские игры» халқаро кўрик-танлови ғолиби:

Солижонов Улуғбек – диплом соҳиби (афғон рубоб, ўқитувчи А.Обидов синфи, жўрनावоз А.Кашифова).

2014 йил, Россия, халқаро кўрик-танлов ғолиблари:

Холматов Авазбек (қашқар рубоб, ўқитувчи А.Мажидов синфи, жўрनावоз А.Кашифова);

Турдимухамедов Бекзод (ғижжак, ўқитувчи А.Абдурасулов синфи, жўрнавоз А.Кашифова).

2016 йил ноябрь, Тошкент, «Она юрт оҳанглари» халқаро кўрик-танлови ғолиби:

Абдурахмонов Ойбек (доира, ўқитувчи Ж.Хатамов, жўрнавоз А.Кашифова) – 3-ўрин.

Республика миқёсида ўтказилган «Халқ чолғулари ижрочилари» кўрик-танлови ғолиблари:

1971 йил, Тошкент, Республика кўрик-танловида Қосимов Икромжон (най) – 3-ўрин, лауреат; Ёкубов Ҳошимжон (қашқар рубоби) – 1-ўрин, лауреат.

1974 йил, Тошкент, Республика кўрик-танловида Қосимов Икромжон (най) – 2-ўрин, лауреат; Яков Юнаев (рубоб прима) – 1-ўрин, лауреат.

1976 йил, Тошкент, Республика мақом ижрочилари кўрик-танловида Абдурахимов Аҳмаджон (дутор) – диплом соҳиби.

1985 йил, Тошкент, Республика мақом ижрочилари кўрик-танловида Абдурахимов Аҳмаджон (дутор) – 2-ўрин, лауреат; Худойназаров Асилжон (танбур, ўқитувчи М.Холиқов синфи) – «Умид» соврини соҳиби.

1986 йилдан ўрта махсус билим юртлари ўртасида Республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танловлари бошланди. «Халқ чолғулари ижрочилиги» кафедраси ўқувчилари мазкур кўрик-танловларда ҳам муносиб иштирок этиб, қуйидаги фахрли ўринларни забт этдилар:

1-даражали лауреатлар:

1990 йил, Бухоро, Маматкулов Баҳодир (афғон рубоб, ўқитувчи Р.М.Тожибоев синфи, жўрнавоз Л.Х.Камилова) – танлов ғолиби, биринчи даражали диплом.

1999 йил, Қарши, Обидов Акмал (афғон рубоб, ўқитувчи Р.М.Тожибоев синфи, жўрнавоз Л.Х.Камилова) – танлов ғолиби,

биринчи даражали диплом.

2011 йил, Самарқанд, Муродова Дурдона (дотор, ўқитувчи М.Топволдиева синфи, жўрनावоз Г.Нурматова) – танлов ғолиби, биринчи даражали диплом; Солижонов Улуғбек (афғон рубоб, ўқитувчи А.Обидов синфи, жўрनावоз А.Кашифова) – танлов ғолиби, биринчи даражали диплом; Усмонов Жавоҳир (най, ўқитувчи Т.Қаҳҳоров синфи, жўрनावоз А.Кашифова) – танлов ғолиби, биринчи даражали диплом.

2-даражали лауреатлар:

1990 йил, Бухоро, Абдурахмонов Хаёт (доира, ўқитувчи А.Рўзибоев синфи, жўрनावоз Г.Нурматова) – 2-ўрин, лауреат.

1992 йил, Тошкент, Юлдашев Иброҳим, консерватория талабаси – 2-ўрин, лауреат.

1993 йил, Андижон, Ҳайдарова Нодира (ўқитувчи А.Мажидов синфи, жўрनावоз О.Богданова) – 2-ўрин, лауреат.

1997 йил, Наманган, Обидов Акмал (афғон рубоб, ўқитувчи Р.М.Тожибоев синфи, жўрनावоз Л.Х.Камилова) – 2-ўрин, лауреат.

1997 йил, Наманган, Ёқубов Умид (қашқар рубоб, ўқитувчи Ҳ.А.Зиляев синфи, жўрनावоз Г.Нурматова) – 2-ўрин, лауреат.

2003 йил, Андижон, Азимов Акмал (танбур, ўқитувчи М.Т.Холиқов синфи, жўрनावоз Г.Нурматова – 2-ўрин, лауреат.

2004 йил, Тошкент, Дехқонов Фаррух (афғон рубоб, Р.М.Тожибоев синфи, жўрनावоз Г.Нурматова – 2-ўрин, лауреат.

2009 йил, Қарши, Тожибоев Авазбек (танбур, ўқитувчи М.Т.Холиқов синфи, жўрनावоз Г.Нурматова) – 2-ўрин, лауреат.

2009 йил, Қарши, Абдухопизов Ислом (қашқар рубоб, ўқитувчи Ҳ.А.Зиляев синфи, жўрनावоз А.Кашифова) – 2-ўрин, лауреат.

2011 йил, Самарқанд, Рўзиматов Музаффар (қашқар рубоб, ўқитувчи М.Каримов синфи, жўрनावоз А.Кашифова) – 2-ўрин, лауреат.

2013 йил, Тошкент, Тожибоев Абдурасул (рубоб прима, ўқитувчи А.М.Ўлмасов синфи, жўрनावоз А.Кашифова) – 2-ўрин, лауреат.

2013 йил, Тошкент, Хайитов Қутлуғ (доира, Ж.Хатамов синфи, жўрनावоз Г.Нурматова) – 2-ўрин, лауреат.

2015 йил, Тошкент, Алишеров Ғиёс (рубоб прима, ўқитувчи А.М.Ўлмасов синфи, жўрनावоз А.Кашифова) – 2-ўрин, лауреат.

2015 йил, Тошкент, Хайдаров Алишер (афғон рубоб, ўқитувчи Р.М.Тожибоев синфи, жўрनावоз А.Кашифова) – 2-ўрин, лауреат.

3-даражали лауреатлар:

1986 йил, Тошкент, Қўчқоров Йўлдашали (афғон рубоб, ўқитувчи Р.М.Тожибоев, жўрनावоз Л.Х.Камилова) – 3-ўрин.

1986 йил, Тошкент, Қаландаров Мурод (най, ўқитувчи И.Қосимов синфи, жўрनावоз Л.Х.Камилова) – 3-ўрин.

1993 йил, Андижон, Маматкулов Муҳаммад (танбур, ўқитувчи М.Т.Холиқов синфи, жўрनावоз О.Богданова) – 3-ўрин.

1993 йил, Андижон, Ғофурова Гулбаҳор (датор, ўқитувчи К.Аҳмедова синфи, жўрनावоз Г.Н.Абдулова) – 3-ўрин.

1995 йил, Самарқанд, Холиқов Давлат (танбур, ўқитувчи М.Т.Холиқов синфи, жўрनावоз О.Богданова) – 3-ўрин.

1995 йил, Хайдарова Нодира (қашқар рубоб, ўқитувчи А.Мажидов синфи, жўрनावоз О.Богданова) – 3-ўрин.

1997 йил, Наманган, Собиров Нодир (танбур, М.Т.Холиқов синфи, жўрनावоз Г.Нурматова) – 3-ўрин.

1997 йил, Наманган, Ғаниев Иброҳим (най, Т.Қаҳҳоров синфи, жўрनावоз А.Кашифова) – 3-ўрин.

1999 йил, Қарши, Исмоилов Қудрат (танбур, М.Т.Холиқов синфи, жўрनावоз Г.Нурматова) – 3-ўрин.

1999 йил, Қарши, Манзаржонов Нодир (ғижжак, А.Абдухамидов синфи, жўрनावоз А.Кашифова) – 3-ўрин.

2001 йил, Тошкент, Олимов Дилмурод (қашқар рубоб,

ўқитувчи А.Мажидов синфи, жўрनावоз Г.Нурматова) – 3-ўрин.

2001 йил, Тошкент, Сулаймонов Юсуфхўжа (ғижжак, ўқитувчи А.Абдухамидов синфи, жўрनावоз А.Кашифова) – 3-ўрин.

2003 йил, Тошкент, Раҳимов Шерзод (афғон рубоб, ўқитувчи Р.М.Тожибоев синфи, жўрनावоз А.Кашифова) – 3-ўрин.

2009 йил, Қарши, Ҳасанов Ихтиёр (чанг, Д.А.Алимова синфи, жўрनावоз Г.Нурматова) – 3-ўрин.

2009 йил, Қарши, Дехқонов Юсуфжон (доира, А.Рўзибоев синфи, жўрनावоз А.Кашифова) – 3-ўрин.

2009 йил, Қарши, Шокиров Нодир (най, Т.Қахҳоров синфи, жўрनावоз А.Кашифова) – 3-ўрин.

2011 йил, Самарқанд, Полвонов Бобомурот (доира, ўқитувчи Ж.Хатамов синфи, жўрनावоз А.Кашифова) – 3-ўрин.

2013 йил, Тошкент, Мамасодиқов Муҳаммадйусуф (қашқар рубоб, М.Каримов синфи, жўрनावоз А.Кашифова) – 3-ўрин.

2015 йил, Тошкент, Мўминов Элёр (қашқар рубоб, А.Мажитов синфи, жўрनावоз А.Кашифова) – 3-ўрин.

Республика «Ёш изғрочилар» кўрик-танловлари диплом соҳиблари:

1990 йил, Бухоро, Юлдашев Иброҳим (қашқар рубоб, ўқитувчи А.Мажидов синфи, жўрनावоз О.Богданова) – диплом соҳиби.

1993 йил, Андижон, Қосимов Иқбол (афғон рубоб, ўқитувчи Р.М.Тожибоев синфи, жўрनावоз Л.Х.Камилова) – диплом соҳиби.

1993 йил, Андижон, Ҳакимова Ҳусниё (чанг, Д.Муҳамедова синфи, жўрनावоз Г.Нурматова) – диплом соҳиби.

1997 йил, Наманган, Кўчқорова Дилдора (датор, ўқитувчи Х.Қахҳорова синфи, жўрनावоз Г.Н.Абдулова) – диплом соҳиби.

1997 йил, Наманган, Холиқова Ёркиной (танбур, ўқитувчи Р.М.Қипчаков синфи, жўрनावоз О.Богданова) – диплом соҳиби.

2005 йил, Бухоро, Хожибоев Фаррух (афғон рубоб, ўқитувчи

Р.М.Тожибоев синфи, жўрнавоз Г.Нурматова) – диплом соҳиби.

2007 йил, Тошкент, Деҳқонов Ифтихор (най, ўқитувчи Т.Қоххоров синфи, жўрнавоз А.Кашифова) – диплом соҳиби.

2009 йил, Қарши, Мамажонов Дилмурод (доира, ўқитувчи А.Н.Рўзиев синфи, жўрнавоз А.Кашифова) – диплом соҳиби.

2009 йил Қарши, Турсунова Раъно (баян, Л.В.Цхай синфи) – диплом соҳиби.

2013 йил, Тошкент, Арабжонов Акбар (баян, Л.В.Цхай синфи) – диплом соҳиби.

«Халқ чолғулари ижрочиси» кафедраси таркибида Дилоромхон Алимова раҳбарлиги остида кўп овозли ансамбль ҳам фаолият юритиб келмоқда ва турли кўрик-танловларда юқори поғоналарни эгалламоқда. Хусусан, мазкур ансамбль 2008 йилдан бошлаб таъсис этилган «Наврўз садолари» Республика кўп овозли чолғу оркестрлари ва ансамбллари кўрик-танловида қатнашиб, кўп мартаба ғолиб бўлди. Албатта, ушбу қувонарли натижаларга эришишда ансамблнинг бадий раҳбари Дилоромхон Алимованинг хизматлари катта. Жумладан, ансамбль куйидаги ютуқларни қўлга киритган:

2011 йил, Тошкент – диплом;

2012 йил, Тошкент – 1-ўрин;

2013 йил, Тошкент – 1-ўрин;

2014 йил, Тошкент – 1-ўрин;

2016 йил, 4 май, Тошкент, халқаро кўрик-танлов – 1-ўрин, кафедранинг кўп овозли ансамбли;

2016 йил, 4 май, Тошкент, халқаро кўрик-танлов – 1-ўрин, кафедранинг дуторчилар ансамбли.

2013 йили «Халқ чолғулари ижрочилиги» кафедрасининг кўп овозли ансамбли Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов томонидан таъсис этилган Республика «Ниҳол» Давлат мукофоти танловида қатнашиб, фахрли 1-ўрин соҳиби бўлди.

Ансамбль иштирокчилари:

1. Маматкулова Намунахон.
2. Эргашева Гулшаной.
3. Қахрамонов Лазиз.
4. Мамасодиқов Муҳаммадюсуф.
5. Сидиқов Абдурахим.
6. Холдоров Муҳиддин.
7. Қосимов Таввакал.
8. Ҳайитов Қутлуғ.
9. Тўраев Шукурулло.
10. Тожибоев Абдурасул.
11. Раҳмиддинов Ойбек.
12. Камолдинов Асрориддин.

Юқорида қайд этилган барча ўқувчилар олий ўқув юртларига имтиёзли тарзда ўқишга кириш грантларига эга бўдилар.



«ФОРТЕПЬЯНО ИЖРОЧИСИ» КАФЕДРАСИ

Фортепьяно кафедрасининг тарихи санъат коллежига асос солинган бошланғич йиллар билан боғлиқдир. Илк даврда ушбу бўлимни ўз касбининг фидойиси, моҳир педагог Мария Исааковна Гольдина бошқарди. Бу етук мутахассис ўқув ишларини сифатли ташкил этиш билан бирга, вилоят ва шаҳар газеталарида мунтазам мақолалар эълон қилиб, маданий-муסיкий ҳаётни ёритиб борган. Бўлим бошлиғи лавозимида 15 йил фаолият олиб борган М.И.Гольдина жамоанинг энг яхши анъаналарига асос солди. Дарҳақиқат, ҳозирда ҳам турли композиторларнинг таваллуд санасига бағишланган муסיкий кечалар, санъат мактабларида ўтказилиб келинаётган синф концертлари ушбу анъаналарнинг муносиб равишда сақланиб келинаётганини кўрсатади. М.Гольдинанинг кўп йиллик самарали меҳнат фаолияти ҳукумат томонидан инобатга олиниб «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Дастлабки тўрт йил давомида бўлимда фақат иккита ўқитувчи: М.Х.Баяджан ва М.И.Гольдина фаолият олиб борганлар. Маня Хачиковна Баяджан Санкт-Петербург консерваториясини тамомлаган малакали мутахассис бўлиб, бўлим ишининг ривожланишига катта ҳисса қўшган.

Кейинги йиллар давомида Р.И.Ритте, И.Г.Вишлова, Г.С.Свешников, Г.И.Иванкина, Р.А.Будовнич, Т.А.Исенбетова, В.А.Высоцкая, С.Е.Денисова, А.А.Берковская, Г.Н.Айриева, Л.В.Толпегова, В.К.Каримова Т.В.Власовалар иш бошладилар ва бўлим фаолияти янада жонланиб кетди. Жумладан, улар симфоник оркестр ҳамда пуфлама ва зарбли чолғулар оркестри билан фортепьяно концертларини ижро этганлари таҳсинга лойиқдир.

1972-1980 йилларда «Махсус фортепьяно» бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган Раиса Исааковна Риттенинг фаолияти

самарали бўлди. Моҳир ташкилотчи ва талабчан ўқитувчи ёш мутахассисларни етиштиришда жонбозлик кўрсатди. Бу йилларда услубий ишлар юқори даражага кўтарилди ҳамда бўлимнинг концерт фаолияти ривожланди. Фаол ўқувчилар республика «Ёш ижрочилар» танловида муваффақиятли қатнашиб, фахрли ўринларни эгалладилар.

1980-1990 йилларда олийгоҳни тамомлаган Л.И.Усманова, И.В.Нажмуддинова, Р.О.Қодирова, Л.М.Лобанова, О.Ф.Сусликова каби ёш мутахассис кадрлар ўз устозлари сафига келиб қўшилдилар.

1990-2000 йилларда бўлимни ўз касбининг устаси ва фидоийиси Любовь Валентиновна Толпегова бошқарди. Улар билан бир қаторда ушбу жамоада С.И.Денисова, Л.И.Мельвапова, Н.М.Карташова, А.Э.Эргашев, В.М.Кудряшов, В.К.Каримова, А.Б.Абубакирова, Г.А.Мажидова, З.Б.Тумашева, И.А.Торчян ва Т.Н.Айриева каби соҳа билимдонлари фаолият олиб бордилар. Бу даврда ҳам бўлим ўқитувчилари ўқув-тарбиявий фаолият билан бир қаторда, услубий ва касбга йўналтириш борасидаги ишларни сифатли олиб бордилар. Шунингдек, улар ижрочилик масалаларига бағишланган семинар, конференцияларда, турли илмий-амалий тадбирларда фаол қатнашдилар.

«Махсус фортепьяно» кафедрасининг тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам эътиборга лойиқ. Кафедра жамоаси бутун тарихий йўли давомида маданият саройлари, йирик корхоналар, мактаблар ва бошқа ўқув юртларида кўплаб концертлар бериб, фортепьяно созида ижро санъатини мунтазам равишда тарғиб этганлар.

2000-2016 йилларда «Фортепьяно ижрочиси» кафедрасини малакали ўқитувчи ва фаол ташкилотчи, ёш мутахассис кадрларни тайёрлашга катта ҳисса қўшган Лилия Исаковна Усманова бошқарди. Кафедранинг юксак анъаналарини сақлаб, ўқув ишларининг сифатли ташкил этилишида фаол қатнашган ушбу педагог 2016 йилда Ўзбекистон Маданият ва спорт

ишлари вазирлиги томонидан «Кўп йиллик самарали меҳнати учун» фахрий ёрлиги билан тақдирланган. У билан бир қаторда Э.К.Шарипова, Г.А.Шодиева, О.А.Стасенко, И.А.Торциян, Э.К.Кашифова, Л.Х.Камилова, Ч.Х.Мухиддинова, Г.М.Холиқова, Н.У.Содиқова, О.Х.Мирзакаримова, Н.Х.Ёкубова, О.С.Мечет, В.Р.Гатаулина, Ш.Р.Абдураззақова, Н.А.Абдурахманова каби ўқитувчилар фаол ишлаб, кафедра нуфузини янада юксалтиришга эришдилар.

Ҳозирги кунда кафедрага ёш, иқтидорли мутахассис Наргиза Умаровна Содиқова раҳбарлик қилмоқда. Жамоа аъзолари ҳамжихатликда қизгин меҳнат фаолияти олиб бориб, йиллар давомида қарор топган ибратли анъаналарни давом эттириб келмоқдалар. Бундан ташқари, кафедрага йил сайин ёш, салоҳиятли кадрлар жалб этилиб, замонавий педагогик технологияларни қўллаш ишлари амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, йиллар давомида ўз самарасини бериб келаётган «Устоз-шогирд» анъаналари ҳам давом эттирилмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида кафедрада таълим олиб, республика ва хориж давлатларида фаолият олиб бораётган мутахассислар:

Ёқутхон Қодирова – Белгород (Словения) консерваторияси профессори.

Анвар Эргашев – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат ар-боби, Ўзбекистон ва Россия давлатлари Бастакорлар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Миллий симфоник оркестри бош дирижёри, Алишер Навоий номидаги Катта Академик опера ва балет театри дирижёри.

Урьянэ Кенжикаева – Украинада хизмат кўрсатган артист.

Р.О.Кадырова – Воркута шахри санъат коллежида ўқитувчи ва жўрनावоз.

Л.В.Толпегова, И.А.Торциян, О.А.Стасенко – фаолиятини Россия Федерацияси таълим соҳасида давом эттиришмоқда.

Л.Э.Латипова – Успенский номидаги ихтисослаштирилган мусиқа мактабида ўқитувчи ва жўрनावоз.

Сергей Скобин – Флорида штати (АҚШ) «Musicschool» университетининг аспирантура босқичида таҳсил олмоқда.

Муҳим саналар:

1970 йил – санъат билим юрти ташаббуси билан фортепьяно ва торли чолғуларда республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танловига асос солинди.

1975 йил – ўқитувчилик амалиёти сектори ташкил этилди (С.В.Тошболтаева узоқ йиллар давомида бошқарган).

2004 ва 2007 йил – Москва шаҳрида (Россия) ташкил этилган маҳорат дарсларида Л.И.Усманова, Г.А.Шодиевалар иштирок этганлар.

2010 йил – коллежда германиялик пианиночи Свач Корк-мейенинг концерти ва маҳорат дарслари бўлиб ўтган.

2014 йил – германиялик пианоничи Анна-Мария Марковинанинг концерти ва маҳорат дарслари бўлиб ўтган.

Кўрик-танловлардаги муваффақиятлар:

1970 йил Фарғона шаҳри, 1-республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танлови: Г.Ильясова – 1-ўрин, Л.Мельвапова – 2-ўрин, Л.Саркисова – 3-ўрин, А.Шадижанова – 3-ўрин, А.Эргашев, Л.Камилова – диплом.

1973 йил Самарқанд шаҳри, 2-республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танлови: А.Мусаилова – 3-ўрин.

1974 йил Наманган шаҳри, 3-республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танлови: Т.Холматова – диплом.

1978 йил Самарқанд шаҳри, 5-республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танлови: Т.Тамбулиди – 3-ўрин.

1980 йил Тошкент шаҳри, 6-республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танлови: Г.Парпибаева, А.Фрейдкина – 3-ўрин.

1982 йил Тошкент шаҳри, 7-республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танлови: А.Фрейдкина – 2-ўрин, Г.Парпибаева – 3-ўрин.

1984 йил Урганч шаҳри, 8-республика «Ёш ижрочилар»

кўрик-танлови: А.Фрейдкина – 2-ўрин, У.Каримова – «Умид» соврини.

1986 йил Фарғона шаҳри, 9-республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танлови: А.Қодиралиева – 2-ўрин.

1988 йил Самарқанд шаҳри, 10-республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танлови: Г.Маджитова – 2-ўрин, О.Ваймер – диплом.

1997 йил Урганч шаҳри, 14-республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танлови: Л.Латипова – 2-ўрин.

2005 йил Тошкент шаҳри, 17-республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танлови: С.Скобин – 3-ўрин.

2007 йил Тошкент шаҳри, 18-республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танлови: М.Бурнашева – 3-ўрин.

2007 йил, «Юрт келажаги» республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танлови: М.Бурнашева – 1-ўрин.

2009 йил, 20-республика «Ёш ижрочилар кўрик-танлови»: С.Ким – диплом.

2014 йил, республика «Ёш ижрочилар» телевизион фестивали – Д.Сулайманова.

2015 йил, «Шодлик наволари» республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танлови:

Вилоят босқичи:

М.Юсуфжанова – 3-даражали диплом (ўқитувчи Н.У.Содиқова); Х.Рустамов – 2-даражали диплом (ўқитувчи Г.А.Шодиева); Олег Шек, Д.Сулейманова – 1-даражали диплом.

Республика босқичи:

Д.Сулейманова – диплом (ўқитувчи Г.А.Шодиева); Олег Шек – 3-даражали диплом (ўқитувчи Л.И.Усманова).

2008 йил Германия, Дармштат шаҳри, республика ёш ижрочилар «Байналминал» кўрик-танлови: Сергей Ким – диплом (ўқитувчи Л.И.Усманова).

Шу кунгача коллежда 57 битирув амалга оширилиб, 1300 нафар мутахассис – фортепьяно ижрочилари тайёрланди. Улардан 100 нафари Ўзбекистон давлат консерваториясида

ўқишни давом эттириб, олий маълумотга эга бўлдилар.

Илмий-услубий ишлар:

1957-1990 йиллар давомида М.И.Гольдина «Фарғона ҳақиқати»-«Ферганская правда» газетасида 80 дан ортиқ илмий мақолалар чоп эттирган.

2016 йилда ўқитувчи Н.У.Содиқова Тошкент Тиббиёт академиясида «Ноанъанавий даволаш турлари» мавзуидаги республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияда «Перспективы развития музыкотерапии как независимой дисциплины в Республике Узбекистан» номли маърузаси билан иштирок этди.

2016 йилда ўқитувчи Ч.Х.Мухиддинова Фарғона давлат университетида ўтказилган «Шарқ маънавий онгининг шаклланишида психология фанининг роли» мавзуидаги республика илмий-амалий конференциясида «Оммавий ахборот воситаларининг ёшлар онги ва маданиятини шакллантиришдаги ўрни» номли маърузаси билан иштирок этди.



«ҲАВАСКОРЛИК ХОР ЖАМОАСИ ДИРИЖЁРИ» КАФЕДРАСИ

Хор дирижёрлиги бўлими Фарғона шаҳар мусиқа билим юртида 1957 йилда очилган. Ўқув юртининг тенгдоши бўлган бўлимга дастлаб 16 нафар ўқувчи қабул қилинган. Турли миллат вакилларидан иборат жамоа бўлиб, куйлашнинг Ўзбекистонга кириб келиши, ўтган асрнинг 50-йилларида оммавий кўшиқ жанрининг ривожланиши, вилоятда бадий ҳаваскорлик жамоалари, хор тўғараклари ва турли ансамблларнинг ташкил этилиши каби омиллар уларга ижрочилар ва бадий раҳбарларни тайёрлаб бериш заруриятини вужудга келтирган эди. Бу муаммоли масалани ҳал этиш йўлида «Хор дирижёрлиги» бўлимнинг ташкил этилиши келажакда яхши натижалар берди.

Лия Рувимовна Коростылёва бўлимнинг асосчиси ва биринчи ўқитувчиси эди. У янги очилган бўлимда ўқитишни ташкил қилиш ва сифатли дарслар олиб бориш учун кўп меҳнат қилди. Бу мураббий биринчи йилданок билим юрти ўқувчиларидан хор жамоасини ташкил қилиб, унга раҳбарлик қилди ва бўлимнинг концерт фаолиятини бошлаб берди. Яна шуни айтиш лозимки, Л.Р.Коростылёва биринчилардан бўлиб ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаган ҳамда ўқув жараёнининг барча ташкилий муаммоларини муваффақиятли ҳал қилган.

Лия Коростылёва билан биргаликда бўлимда Ольга Петровна Пугач, Сергей Сергеевич Валенков, Александр Ковыряловлар иш фаолиятини бошлаганлар. 1958 йилдан Виталий Васильевич Киселёв, Анастас Дмитриевич Прасидис, Антонина Алексеевна Киселёва, Юрий Александрович Кошелев, Р.Ваниев, Саид Мамадалиевич Дадажонов, Антонина Георгиевна Евсеева, Геннадий Ефремович Шаринлар ҳам иш бошладилар. Натижада

хор дирижёрлиги бўлими фаолияти жонланиб кетди ва бу мутахассисликдан дарс ўтиш сифати янада яхшиланди.

1966 йилда бўлимнинг биринчи битирувчилари бўлган С.Х.Максумова, О.М.Мусабоев, И.К.Лиховцева, Л.Морозов, В.Гаврилов, Р.Абдуназаровлар олий таълим даргоҳини тамомлаб, устозлари сафига келиб қўшилдилар. Мана шу дастлабки йилларда бўлимнинг педагоглар жамоаси янги услубий адабиётларни кунт билан ўрганиш, илғор тажрибаларни ўзлаштириш, мавжуд бўлган ўқув дастурларини янада бойитиш, хор репертуарини кенгайтириш борасида тинимсиз меҳнат қилдилар.

1970-1980 йилларда Зухра Расуловна Эргашева, Светлана Викторовна Тошболтаева, Людмила Борисовна Елистратова, Елизавета Васильевна Кирюшова, Рудольф Иванович Беккер, Ойбарчин Маҳмудовна Ғофурова, Саид Мамадалиевич Дадажонов, Анатолий Дмитриевич Гринченко, Валижон Аминович Халиловлар бўлимда самарали меҳнат қилдилар. Ҳар томонлама ривожланган, юқори даражали мутахассисларни етиштиришда бу устозларнинг ҳиссаси катта бўлди. Қолаверса, иш жараёнида юзага келаётган турли долзарб масалаларни ўз услубий маърузаларида ёритиб, уларни ҳал этиш йўлида изландилар.

1994 йилда малакали мутахассислар Холида Каримовна Хусанова, Надежда Васильевна Заврина, 1996 йилда Матлуба Турсуновна Турсуновалар кафедрада астойдил ишга киришдилар. Йиллар давомида хор жамоаси дирижёрлари доимо изланишда бўлдилар. Ўз ишига масъулият билан ёндашиб, сидқидилдан фаолият олиб бордилар. Хор жамоаси савиясини кўтаришга барча ўқитувчилар ўз ҳиссасини қўшган. Айниқса, турли йилларда хорга раҳбарлик қилган В.В.Киселёв, О.М.Мусабоев, А.Д.Гринченко, Р.И.Беккер, Л.Б.Елистратова, Х.К.Хусанова,

Н.В.Заврина, М.Т.Турсунова, З.Х.Алиевалар доимий равишда ўз репертуарларини бойитиш, унга ўзбек композиторларининг сара асарларини киритиш, хор жамоаси учун қайта ишланган ўзбек халқ кўшиқларини кўпроқ ижро этиш устида тер тўкдилар. Шу билан бирга, бўлим ўқитувчилари ҳам хор жамоасида фаол иштирок этишган. Жумладан, Людмила Борисовна Елестратова ажойиб меццо сопрано, Холида Каримовна Хусанова, Надежда Васильевна Завриналиар эса сопрано овози билан яккахон ижрочи сифатида хорда куйлашган. Бу каби анъаналар ҳозирда ҳам давом этиб келмоқда.

«Хор дирижёрлиги» кафедрасида таҳсил олиб, етишиб чикқан мутахассислар орасида фидокорона меҳнати билан халқимизга танилган кишилар талайгина. Фарғона давлат университети доцентлари, педагогика фанлари номзодлари Саид Мамадалиевич Дадажонов ҳамда марҳум Валижон Аминович Халилов, Тошкент санъат ва маданият институти катта ўқитувчиси Татьяна Қурбоновна Саримсоқова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи ва драматург Исфандиёр Маткаримов, Новосибирск консерваторияси профессори Светлана Селантьева, Туркистон ҳарбий округининг ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари лавозимида ишлаган Юрий Смагин, Россия Композиторлар уюшмаси аъзоси, композитор Геннадий Ефремович Шарин, хор ижроси учун ёзилган 100 дан ортиқ диний асарлар муаллифи Анатолий Дмитриевич Гринченко (1999 йили Москва шаҳрида ўтказилган мусиқа фестивалида ўзининг хор жамоаси билан биринчи ўринни эгаллаган), Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Алоҳида намунали-кўргазмали оркестр бошлиғи ўринбосари, дирижёр Муқимжон Мўминович Маҳмудовлар шулар жумласидандир. Бу каби ижодкорларнинг эришган натижаларида албатта ўқув даргоҳимизнинг ўрни каттадир. Фарғона санъат коллежи ҳамда

«Хор дирижёрлиги» кафедраси жамоаси бу инсонлар билан фахрланади.

Хор жамоаси Виталий Васильевич Киселёв, кейинчалик эса Анатолий Дмитриевич Гринченко раҳбарлигида Тошкент шаҳрида ўтказилган хор фестивалларида иштирок этиб, юқори натижаларга эришдилар. Виталий Васильевич Киселёв раҳбарлигида хор ва оркестр жамоаси Сулаймон Юдаковнинг «Менинг Ватаним» кантатасини Тошкент давлат консерваториясида илк бор ижро этиб, олқишларга сазовор бўлган. В.Киселёв хор жамоасига раҳбарлик қилган даврда ижро репертуари турфа хил асарлар билан бойиган. Шу билан бирга, кафедранинг битирувчи ёшлари ҳам мураккаб асарлар устида ишлаб, юқори даражадаги ижро савиясини кўрсатганлар.

Бу жамоа турли кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашиб, ижобий натижаларга эришган. Айтиш жоизки, А.Д.Гринченко раҳбарлиги даврида жамоа савияси бирмунча ортди. Жамоа 1987 йилдан бошлаб ўтказилган республика хор жамоалари фестивалларида мунтазам иштирок этиб, ҳар йили фестиваль дипломлари билан тақдирланганлар. Фестиваль учун махсус тайёрланган концерт дастурига Ўрта Осиё халқлари қўшиқларининг хор учун қайта ишланган асарлари ҳам киритилган бўлиб, уларни профессор Евгений Викторович Нечаев қайта ишлаганди.

1996 йилда Холида Каримовна Хусанова раҳбарлик қилган хор жамоаси Тошкентда ўтказилган «Ўзбекистон – Ватаним маним» кўрик-танловида қатнашиб, фахрий ёрлиқ соҳиби бўлди. Ушбу кўрик-танловда хор жамоаси Дадажон Абдурахмонов шеърига Х.К.Хусанованинг ўзи басталаган «Яша, Она Туроним» номли қўшиғини ижро этди. 1997 йилда эса жамоа Фарғона шаҳрида ўтказилган «Ўзбекистон қўшиқ байрами» танловида биринчи ўринни эгаллади. Ушбу кўрик-танловда хор жамоаси

Х.К.Хусанова яратган «Она юртим» кўшиғи (З.Обидов шеъри) билан иштирок этди. Кафедрада бу каби ижодий изланишлар ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда.

Ўтган йиллар давомида Виталий Киселёв, Антонина Киселёва, Саид Дадажонов, Антонина Евсеева, Олимжон Мусабоев, Рудольф Беккер, Холида Хусанова, Матлуба Турсунова каби бир қатор тажрибали ва фаол ўқитувчилар кафедра мудири лавозимида фаолият олиб бордилар.

2003 йилдан эътиборан «Хор дирижёрлиги» бўлимига кафедра макоми берилди. 2006 йилда фаол ташкилотчи ва мутахассис Зумрад Ҳамидовна Алиева кафедра жамоасига келиб қўшилди ва хорга раҳбарликни ўз зиммасига олди. 2008 йилдан бошлаб З.Х.Алиева кафедра мудири вазифасини бажариб келмоқда. Кафедрадаги ўқитувчиларнинг самарали фаолиятини инобатга олган ҳолда З.Алиевани 2010 йилда бўлиб ўтган республика хор жамоалари ўртасидаги фестивалга ҳайъат аъзоси сифатида таклиф этишди.

2007 йилда В.Мадаминов, 2012 йилда Ф.Каримов, 2013 йилда эса А.Эгамбердиев ва Б.Абдурахмоновалар Ўзбекистон давлат консерваториясини тамомлаб, кафедра ўқитувчилари сафини тўлдирдилар. Ёш мутахассис В.Мадаминов «Вокал ансамбли» фанидан дарс бериб, ижро репертуарини янги асарлар билан тўлдирди ҳамда вилоятимизда ўтказиб келинаётган «Наврўз», «Ватан ҳимоячилари куни», «Хотира ва кадрлаш куни» каби тадбирларда ўз ўқувчилари билан иштирок этмоқда. 2012 йилда З.Х.Алиева хор жамоаси раҳбарлигини Ф.Каримовга топширди. Унинг раҳбарлиги остида хор жамоаси 2014 йилда «Маданият ва маърифат» телеканали мусиқий дастурида иштирок этишди. Шу жумладан, Фарғона шаҳрида янги барпо этилган Театр-концерт саройининг тантанали очилиш маросимида ҳам хор жамоаси ўз чиқишлари билан барчани хушнуд этди. Бугунги кунга қадар

Ф.Каримов раҳбарлигидаги хор жамоаси коллеж, шаҳар, вилоят миқёсидаги барча тадбирларда фаол қатнашиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда кафедрада кўплаб ёш мутахассислар фаолият олиб бормоқдалар. Улар ҳам ўз навбатида, замон талабига кўра, янги педагогик технологияларни ўқув жараёнларида қўллаш, репертуарни турли халқлар кўшиқлари билан бойитиш, шу билан бирга, ўзбек классик мусиқасини тарғиб этиш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Коллежда нишонланиши анъанага айланган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси», «Хотира ва қадрлаш куни» каби тадбирларда кафедра ўқитувчи ва ўқувчилари ватанпарварлик руҳидаги асарлар билан мунтазам иштирок этадилар. Ҳар ўқув йили охирида кафедранинг ҳисобот концерти ўтказилади. Бу концерт дастурлари ҳам йилдан-йилга қизиқарли ва сифатли бўлиб бормоқда. Ўқув даргоҳи ташкил этилганидан ҳозирги давргача ушбу йўналиш бўйича 600 нафардан зиёд ўқувчилар яхши кўрсаткичлар билан тамомладилар ҳамда 100 га яқин ўқувчилар олий ўқув юртларига ўқишга қабул қилиндилар. Бу каби ижобий натижаларга эришишда кафедра ўқитувчиларининг машаққатли меҳнати, интизоми ва ўз соҳасига фидойилиги бош сабабдир.



«АКАДЕМИК ВОКАЛ АРТИСТИ» КАФЕДРАСИ

Халқимизнинг табиатан чиройли ва виқорли овозга эга бўлган ёшларини танлаб, уларни нафақат миллий мусиқага, балки Европа ижрочилик санъатига йўналтириш ҳам ҳар бир даврнинг устувор талабларидан бири бўлиб келган. Бу каби заруриятларни ҳисобга олган ҳолда, Фарғона мусиқа билим юрти ташкил этилган вақтда, биринчи мутахассисликлар қатори, хонандалик мутахассислиги бўлими ҳам ташкил этилди. Бу қувонарли натижага эришишда вокал педагоги Павел Семёнович Нежиннинг меҳнатлари бекиёсдир. У нафақат вокал санъатидан, балки мусиқий-назарий фанлардан ҳам ўқувчиларга сабоқлар берарди. Шу билан бирга, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий ва ташвиқот ишларини олиб бориш борасида П.С.Нежин номини алоҳида таъкидлаш лозим. Шундай жонкуяр педагоглардан яна бири Мая Николаевна Саидовадир.

М.Н.Саидова 1960 йилда Тошкент давлат консерваториясини тамомлаб, шу йилнинг ўзида Фарғона мусиқа билим юртига ишга қабул қилинди. У бутун педагогик фаолияти давомида ёшларга вокал санъатини ўргатиш билан бирга, жўшқин концерт фаолиятини ҳам олиб борди. Унинг ўқувчилари эса мунтазам равишда турли кўрик-танловларда қатнашиб, фахрли ўрин соҳибларига айландилар. Хусусан, унинг ўқувчиларидан С.Отабекова 1978 йилда Қарши шаҳрида ўтказилган «Ёш ижрочилар» республика кўрик-танловида, У.Нураклиева эса 1993 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилган танловда 3-ўринга сазовор бўлдилар.

Йиллар ўтгани сайин мутахассисликка ўқувчилар қабули ортиб борди, шунга монанд ўқитувчилар жамоаси ҳам кенгайиб борди. 1970 йилларда Ю.Н.Кузнецов, А.Ш.Аронов, Т.Г.Лебедева,

И.А.Ильяев, Т.Ғ.Ғаниев, Ю.Я.Абдурахмонов, Е.С.Завулунова, А.Васильев; 1980 йилларда Т.С.Добина, Л.Мирзаматова-Тинчерова, 1990 йиллардан бошлаб эса М.Абдурахмонов, Б.А.Шароповлар самарали фаолият олиб бордилар.

Узоқ йилар давомида бўлим мудир вазифасини бажарган Т.Ғ.Лебедева ва Т.Ғ.Ғаниевлар ўқув-тарбиявий ишларни юқори савияга кўтариш, малакали мутахассислар тайёрлаш, илғор ва тажрибали ўқитувчилар жамоасини шакллантиришда катта хизматларни амалга оширдилар.

Мутахассисликнинг бир қатор ўқитувчилари ўз ўқувчиларини республика кўрик-танловларига тайёрлаб, уларнинг муваффақиятли иштирок этишларини таъминлаб келдилар. Жумладан, мутахассис Тўйчи Ғаниев ўқувчиларидан У.Аҳмаджонов 1984 йил Фарғона шаҳрида ўтказилган «Ёш ижрочилар» республика кўрик-танловида иштирок этиб, фахрли 1-ўринни эгаллади.

Фарғона мусиқа билим юртини П.С.Нежин синфида тамомлаган Юрий Николаевич Кузнецов фаолияти катта эътиборга лойиқдир. Узоқ йиллик педагогик фаолияти давомида унинг бир қатор ўқувчилари республика кўрик-танловларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгалладилар. Жумладан, С.Веленский – 1976 йил Бухоро шаҳри, «Ёш ижрочилар» республика кўрик-танловида 2-ўрин;

М.Ўринбоева – 1980 йил Тошкент шаҳри, «Ёш ижрочилар» республика кўрик-танловида 1-ўрин;

Д.Дадажонова – 1982 йил Нукус шаҳри, «Ёш ижрочилар» республика кўрик-танловида 1-ўрин;

Д.Дадажонова – 1983 йил Тошкент шаҳри, Вокал ижрочилари республика танловида 2-ўрин;

Ю.Абдуллаева – 1986 йил Тошкент шаҳри, «Ёш ижрочилар» республика кўрик-танловида 1-ўрин;

Е.Михайлюк – 1988 йил Жиззах шаҳри, «Ёш ижрочилар» республика кўрик-танловида «Умид» соврини соҳиби ва Г.Назарова – фахрли диплом соҳибаси;

Е.Михайлюк – 1990 йил Термиз шаҳри, «Ёш ижрочилар» республика кўрик-танловида 3-ўрин;

Е.Михайлюк – 1990 йил Тошкент шаҳри, Вокал ижрочилари республика танловида «Умид» соврини соҳиби;

А.Ёкубжонов 1995 йил Нукус шаҳри, «Ёш ижрочилар» республика кўрик-танловида 1-ўринларни эгалладилар.

Ю.Н.Кузнецов педагогик фаолият билан бир қаторда, жўшқин концерт фаолиятини ҳам олиб борди. Бир қатор шогирдлари Москва, Санкт-Петербург, Тошкент консерваторияларига ўқишга кирдилар. Унинг ўқувчиси Юлдуз Абдуллаева «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлди.

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунлардан бошлаб миллий кадриятларимизни тиклаш, анъанавий ижрочилик санъатини янада ривожлантириш, малакали кадрларни тайёрлаш долзарб масалага айланди. Бу борада билим юрти директори Ю.П.Ғофурбеков ташаббуси билан 1991 йилда «Академик хонандалик» мутахассислиги негизида республикада биринчи марта «Анъанавий хонандалик» мутахассислигига ҳам ўқувчилар қабул қилина бошланди. Ҳали бу соҳада мутахассислар етарли бўлмаганлиги боис, анъанавий ижро санъатини яхши билган «Халқ чолғу созлари» бўлими ўқитувчиси А.Мажидов, «Академик хонандалик» бўлими ўқитувчилари М.Абдурахмонов, кейинчалик эса Б.Шаропов, У.Муродов ва Ш.Исмоиловлар ўқувчиларга сабоқ бердилар.

Тошкент давлат консерваториясининг «Академик хонандалик» кафедрасини Ўзбекистон халқ артисти, профессор Г.С.Израэльян синфида тамомлаган Баҳриддин Шаропов 1992 йилда Фарғона шаҳар санъат коллежига ишга келди. Унинг

меҳнат фаолияти бошланиши мураккаб даврга тўғри келган эди. Чунки мутахассисликда узоқ йиллар фаолият олиб борган фахрий устозлар нафақага чиққан, бир қатор ўқитувчилар эса ўз тарихий она юртларига кўчиб кетган, мутахассис кадрлар етишмовчилиги муаммоси пайдо бўлган эди. Ёш мутахассис Б.Шаропов олдида эса мутахассисликни саклаб қолиш билан бирга, чуқур илдиз отган эзгу анъаналарни давом эттириш, ёшларни академик хонандаликка жалб қилиш, мутахассислар жамоасини шакллантириш вазифалари ҳам турар эди.

Б.А.Шаропов 1995 йилдан бошлаб бўлим бошлиғи вазифасига, 2003 йилда эса «Академик хонандалик» мутахассислигига кафедра мақоми берилиши муносабати билан кафедра мудири лавозимларига тайинланди.

Кафедрада ўқув-услугий, ўқув-тарбиявий ишларни яхшилаш, концерт фаолиятини юқори савияга кўтариш бўйича бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Б.А.Шаропов хонанда сифатида республика ва вилоят миқёсида ўтказиб келинаётган байрам тадбирларида кўшиқлари билан иштирок этиб келмоқда. 1997 йилда Мудофаа Вазирлиги томонидан ўтказилган «Ўзбекистон – Ватаним маним» кўшиқлар фестивалида қатнашиб 1-ўрин, 1998 йилда 2-ўрин, 2000 йилда «Водий овози» миллий эстрада кўшиқлари танловида 1-ўринларни эгаллади. У ўз ўқувчиларини республика кўрик-танловларига тайёрлаб, ижобий натижаларни кўлга киритишларида катта хизмат қилмоқда. Жумладан, А.Абдуллаев – 1999 йил Тошкент шаҳри, «Ёш ижрочилар» республика кўрик-танловида 2-ўрин; А.Мухаммаджонов – 2003 йил Тошкент шаҳри, «Ёш ижрочилар» республика кўрик-танловида 2-ўрин; Х.Жўраев – 2005 йил Тошкент шаҳри, «Ёш ижрочилар» республика кўрик-танловида 3-ўрин; О.Махмудов – 2007 йил Тошкент шаҳри, «Ёш ижрочилар» республика кўрик-танловида 1-ўрин; И.Рахматов – 2009 йил Қарши шаҳри, «Ёш

ижрочилар» республика кўрик-танловида 2-ўрин; 3.Алойдinov – 2011 йил Самарқанд шаҳри, «Ёш ижрочилар» республика кўрик-танловида 3-ўрин; Р.Халимов – 2013 йил Тошкент шаҳри, «Ёш ижрочилар» республика кўрик-танловида 2-ўринларни эгаллаганлар.

Б.А.Шаропов синфида тарбияланиб, сўнг Ўзбекистон давлат консерваториясида таҳсилни давом эттирган ўқувчилар жуда кўпчиликлари ташкил этади. Шогирдларидан Ички Ишлар Вазирлиги Ашула ва рақс ансамбли хонандаси Фарҳод Қамбаров (2007 йил), Фарғона вилояти Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Азамат Муҳаммаджонов (2008 йил), «Пойтахт» гуруҳи хонандаси Отабек Маҳмудов (2011 йил) ва хонанда Иқбол Раҳматовлар (2015 йил) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ниҳол» Давлат мукофотиغا сазовор бўлишган. Халқаро ва республика кўрик-танловлари лауреати Аббосхон Раҳматуллаев ҳозирги кунда Москва шаҳри Гнесин номидаги санъат олийгоҳида магистратура босқичида ўқимокда. Шунингдек, Алишер Навоий номидаги Академик Катта опера ва балет театрининг хор артисти, Ўзбекистон давлат консерваторияси академик хонандалик кафедраси ўриндош ўқитувчиси Раҳматилло Ҳасанов, Тошкент маданият коллежи хонандалик кафедраси мудири Иқбол Тўйчиевлар устоздан олган билимларини ёш авлодга улашиб келмоқдалар.

Б.Шаропов синфида анъанавий хонандалик ихтисослигида ўқиган ўқувчиларидан Юнус Ражабий номидаги республика мақомчилар ансамбли хонандаси Озод Тилланазаров, Р.Глиэр номидаги ихтисослаштирилган академик лицей етакчи ўқитувчиси Аслиддин Шаропов, Ички Ишлар Вазирлиги Қоровул қўшинлари Ашула ва рақс ансамбли хонандаси Хуррият Абдуҳамидовалар ҳам халқимизга сидқидилдан хизмат қилиб келмоқдалар.

Кафедрада самарали педагогик фаолият олиб борган ўқитувчилардан яна бири Евгений Иванович Печёркиндр. У Фарғона мусиқа билим юртини М.Н.Саидова синфида тамомлаб, узок йиллар Марғилон педагогика коллежида ишлади. 2003 йилда Б.Шаропов таклифига биноан, Фарғона санъат коллежига ишга келди ва ўзининг юқори малакали мутахассис эканлигини намоён эта олди. Унинг бир неча шогирдлари Ўзбекистон давлат консерваториясига ўқишга кирдилар. Унинг ўқувчиси С.Нортожиева 2011 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Ёш ижрочилар» республика кўрик-танловида 2-ўринни эгаллади.

Ҳозирги кунда кафедрада Дилдора Аҳмедова, Дилдора Ибрагимова, Наталья Вавилова, Ҳусан Жўраев, Расул Соҳибов, Махсуд Усмонов, Бекзод Холмирзаев, ўриндош ўқитувчилар: Замира Мелибоева, Саиджон Мирзаев, Жаҳонгир Мамажонов ва Жасур Хўжаевлар фаолият олиб бормоқдалар.

Кафедранинг интилувчан ва маҳоратли ўқитувчиларидан яна бири Дилдора Аҳмедовадир. У Ўзбекистон давлат консерваториясида Ўзбекистон халқ артисти, профессор Саодат Қобулова ҳамда доцент Г.И.Мухамедовалар синфларида таълим олиб, 2004 йилдан бошлаб Фарғона санъат коллежида ўз педагогик фаолиятини юритиб келмоқда. У нафақат вокал санъати педагоги, балки етук хонанда ҳамдир. Шунингдек, вилоят миқёсида ўтказиладиган байрам тадбирларининг доимий қатнашчисидир. Дилдора Аҳмедова синфида таҳсил олган кўплаб ўқувчилар консерваторияда ўз билимларини ошириб келмоқдалар. Унинг шогирдларидан Барно Қорабоева Россиянинг Қозон давлат университетига ўқишга кирди. Милена Мадмусаева эса 2007 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган «Ёш ижрочилар» республика кўрик-танловида иштирок этиб, 2-ўринни эгаллади. 2016 йилда эса Милена Мадмусаева «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлди. Д.Аҳмедова синфи

битирувчиларидан Жасур Хўжаев 2013 йилда Ўзбекистон давлат консерваториясини тамомлаб, Қувасой шаҳар 11-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида ўз меҳнат фаолиятини бошлади. Педагогик фаолиятида эришган ютуқлари учун у 2016 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлигининг «Фахрий ёрлиғи» билан тақдирланди.

Кафедранинг концерт фаолияти алоҳида диққатга сазовордир. Таълим жараёнидаги академик ва ҳисобот концертларидан ташқари, ўқитувчи ва ўқувчилар турли тематик концертлар ташкил этиб, нафақат коллеж доирасида, балки шаҳар ва вилоят миқёсида ҳам чиқишлар қилиб келмоқдалар. Жумладан, 2000 йилда Наманган санъат коллежида, 2003 йилда Қувасой шаҳар 11-сонли БМСМда ва Фарғона давлат университетида, 2009-2016 йиллар давомида Фарғона шаҳридаги БМСМларда концертлар намоиш этилди. Иккинчи Жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 65 ва 70 йилликларига бағишланган «Оловли йиллар кўшиқлари» адабий-мусикий концерт дастурлари Фарғона ҳарбий гарнизони оркестри билан ҳамкорликда тайёрланди ва шаҳар жамоатчилигига намоиш этилди. 2015 йил декабрь ойида Ўзбекистон халқ артисти, профессор Саодат Қобулованинг 90 йиллиги, 2016 йил апрел-май ойларида Ўзбекистон халқ артистлари, композиторлар Сулаймон Юдаков ва Мутал Бурҳоновларнинг 100 йиллик юбилейлари ҳамда 2016 йил декабрь ойида Ўзбекистон халқ артисти, бастакор Тўхтасин Жалилов таваллудининг 120 йиллигига бағишланган маъруза-концертлар «Мусикий-назарий фанлар ўқитувчиси» кафедраси билан ҳамкорликда намоиш этилди.

Кафедранинг Ўзбекистон давлат консерваторияси «Академик хонандалик ва опера тайёрлови» кафедраси билан ижодий ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Коллежда 2006 йилда консерватория катта ўқитувчиси Г.Ерошинанинг, 2008, 2010

ва 2013 йилларда эса доцент Г.И.Мухамедоваларнинг синф концертлари ва мастер-класслари намунали тарзда ташкил этилди.

Шунингдек, кафедра мудири Б.А.Шаропов ташаббуси билан ҳар йили ўтказиладиган «Вокал мусиқа кечалари» ҳам кафедранинг энг яхши анъаналаридан бирига айланган.

Кафедра мазкур 60 йиллик давр ичида жуда кўплаб эътирофга лойиқ, ижобий натижаларни қўлга киритди. Хусусан, ўз даврида Фарғона санъат коллежи «Академик вокал артисти» кафедрасида таҳсил олган Фарғона вокал мактаби қалдирғочларининг овозлари ушбу кунда жаҳон кезмоқда. Фарҳод Қамбаров Америка, Хитой, Ҳиндистон, Франция, Бельгия; Азамат Муҳаммаджонов Австрия, Россия, Озарбайжон, Милена Мадмусаева, Аббосхон Раҳматуллаев, Отабек Маҳмудов, Иқбол Раҳматовлар Россия, Қозоғистон мамлакатларида турли кўрик-танлов ва фестивалларда иштирок этиб, ўзбек ёшларининг ҳеч кимдан кам эмасликларини намойиш этиб келмоқдалар.

Ўтган давр мобайнида мазкур мутахассисликни 304 нафар ўқувчи тамомлади. Битирувчиларимиз ҳозирги кунда республика ва вилоятимизнинг таниқли ижодий жамоалари, олий ва ўрта таълим масканлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, турли концерт ташкилотлари, маданият ва аҳоли дам олиш муассасалари, «Баркамол авлод» ижодиёт марказларида самарали меҳнат қилиб, санъатимиз ва маданиятимиз равнақига муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Мутахассисликни тамомлаб, етук санъаткор сифатида танилган ўқувчиларимиз:

1. Юлдуз Абдуллаева – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист.

2. Милена Мадмусаева – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист.

3. Фарход Қамбаров – «Ниҳол» Давлат мукофоти соҳиби.
 4. Азамат Муҳаммаджонов – «Ниҳол» Давлат мукофоти соҳиби.
 5. Отабек Маҳмудов – «Ниҳол» Давлат мукофоти соҳиби.
 6. Иқбол Раҳматов – «Ниҳол» Давлат мукофоти соҳиби.
 7. Мавлуда Ўринбоева – республика кўрик-танловлари лауреати, Ўзбекистон давлат консерваторияси катта ўқитувчиси.
 8. Убайдулло Аҳмаджонов – республика кўрик-танловлари лауреати, Ўзбекистон давлат консерваторияси катта ўқитувчиси.
 9. Дилором Дадажонova – республика кўрик-танловлари лауреати, Москва «Ёш томошабинлар» театри хонандаси.
 10. Каримжон Ҳикматов – таникли хонанда, Фарғона санъат коллежи ўқитувчиси.
 11. Баҳодир Мамажонов – таниқли эстрада хонандаси.
 12. Иқбол Тўйчиев – Тошкент маданият коллежи кафедра мудири.
 13. Раҳматилло Ҳасанов – Алишер Навоий номидаги Академик Катта опера ва балет театри хор артисти, Ўзбекистон давлат консерваторияси ўқитувчиси.
 14. Озод Тилланазаров – Юнус Ражабий номидаги республика мақомчилар ансамбли хонандаси.
- «Академик вокал артисти» кафедраси ўқитувчилари бундан кейин ҳам ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни сидқидилдан адо этиб, халқимиз ёшларини янада билимлироқ бўлишига ва шу аснода Ўзбекистон довуғини бутун дунёга танитишда муносиб ҳиссаларини қўшиб бораверадилар.

«МУСИҚИЙ-НАЗАРИЙ ФАНЛАР ЎҚИТУВЧИСИ» КАФЕДРАСИ

1957 йилда ўз фаолиятини бошлаган Фарғона муסיқа билим юртида раҳбарият томонидан муסיқий-назарий фанларни ўтиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. «Фортепьяно», «Ўзбек халқ чолғу созлари», «Хаваскорлик хор дирижёрлиги» мутахассислигига қабул қилинган дастлабки ўқувчиларга муסיқа назарияси ва сольфеджио фанларидан дарс бериш, муסיқий тайёргарлиги бўлмаган «Хонандалик» мутахассислиги ўқувчиларининг муסיқий саводини чиқариш муҳим вазифа эди. Энди иш бошлаган ўқув юртидаги ташкилий қийинчиликларга қарамай, бор имкониятлардан фойдаланиб илк устозлар – Ю.Э.Эргашев «Муסיқа назарияси», Л.В.Тамбовцева ва Л.Р.Коростилёвалар «Сольфеджио», П.С.Нежин эса «Муסיқа адабиёти» фанларидан дарс бера бошладилар ва бу борада самарали меҳнат қилдилар. Аммо бу тадбирлар етарли эмас, замон талабларига жавоб бера оладиган, сифатли мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласини ҳам ижобий тарзда ҳал қилиш зарур эди.

Муסיқий педагогиканинг ўзига хос хусусиятлари бор. Сифатли мутахассисни шакллантириш учун ўтиладиган фанларнинг муҳим кетма-кетлигига алоҳида эътибор берилди. Биринчи ўринда чолғу созида ижрони пухта эгаллаш (мутахассислик фани), иккинчи ўринда муסיқий-назарий фанлар тизимини ўрганиш, учинчи ўринда услубиёт ва амалиёт, тўртинчи ўринда педагогика ва психология, охирида умум маданий тайёргарлик туради. Демак, ҳар бир ўқувчи муסיқий-назарий фанлар комплексини пухта ўзлаштириши шарт. «Муסיқа назарияси», «Гармония», «Полифония», «Муסיқа асарлари таҳлили», «Муסיқа адабиёти» ва бошқа фанлардан олинган билимлар,

биринчидан, мутахассислик фанини сифатли ўзлаштиришга ёрдам берса, иккинчидан, муסיкий савия ва эрудицияни ўстириб, муסיкий дунёқарашни кенгайтиради.

Бу масалаларни жуда яхши тушунган билим юртининг асосчиси ва биринчи директори Х.М.Максумова 1960 йилда «Муסיқа назарияси» бўлимини очиш ва бу мутахассисликка дастлабки ўқувчиларни қабул қилиш ҳақида буйруқ чиқарди. Махсус ўқув режа ва дастурлар асосида ўқувчиларга муסיкий-назарий фанлар чуқурроқ ва кенгроқ тарзда ўргатила бошланди. Тез орада Фарғона вилоятида тобора кўпайиб бораётган Болалар муסיқа мактаблари муסיкий-назарий фанлардан дарс берувчи мутахассислар билан таъминланди.

Ўзининг эллик етти йиллик фаолияти давомида Фарғона санъат коллежининг муסיқа назарияси кафедрасида 40 дан ортиқ мутахассис ўқитувчилар дарс бердилар. Улардан С.П.Бугаева, Т.С.Саакова, В.Д.Никитенко, Д.М.Муллажонов, Б.Р.Якубовлар турли йилларда кафедра мудири вазифасида ишладилар. 2008 йилдан буён кафедрага М.М.Маҳмудова раҳбарлик қилмоқда. Ўқув жараёнини тўғри ташкил этиш, муסיкий-назарий фанлардан дарс бериш сифатини янада яхшилаш масаласида у ўзидан аввал шу лавозимда ишлаган ҳамкасбларининг бой тажрибасига таяниб меҳнат қилмоқда.

Кўп йиллар мобайнида фаолият олиб борган кафедра фахрий ўқитувчилари – С.М.Муллажонова, Г.А.Африкантова, Д.С.Ғофурбекова, Б.Р.Якубов, М.М.Маҳмудовалар номини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу ҳурматли устозлардан назарий билим олган ўқувчилар ичидан халқ артистлари, санъат арбоблари, эл ҳурматига сазовор санъаткорлар етишиб чикди. Кафедра ўқитувчилари коллежнинг барча мутахассислик ўқувчиларига назарий фанлар ва муסיқа адабиёти фанларидан билим бериш билан бир қаторда, ўқув-услубий ишлар ёзиш, уларни ўқув

жараёнига таъбир килиш, янги педагогик тажрибаларни қўл билан ўрганиш ва амалда қўллаш борасидаги ишларни самарали бажармоқдалар. Булардан ташқари, ўқувчилар орасида назарий фанлардан ҳар хил кўрик-танловлар, турли мавзуларда суҳбатлар ўтказиш ишлари доимий равишда олиб борилади. Бу ўринда ҳар йили апрель ойида ўтказиш анъанага айланган «Кафедра ҳафталиги» тадбирини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Кафедра ўқитувчилари вилоятдаги барча Болалар мусика ва санъат мактаблари билан яқиндан алоқа ўрнатганлар. Мактаб ўқитувчиларига доимий равишда услубий ёрдам бериш, ўқувчиларни касбга йўналтириш ишларини самарали олиб бориш яхши йўлга қўйилган. Бу эса битирувчилар бандлигининг ҳар йили юз фоиз бажарилишида катта ёрдам бермоқда. М.М.Махмудова бошчилигида гуруҳ раҳбарлари билан бир қаторда кафедра ўқитувчилари: Г.И.Африкантова, Д.С.Ғофурбекова, М.М.Хайитбоева, Б.Р.Якубов, Д.Н.Арипова, М.Б.Абдуллаева, Н.Ю.Аъзамжонова, Д.С.Исакова, А.В.Авакова, З.Б.Ғуломов, У.В.Мамажонов, Х.Х.Дусматовлар доимий равишда маънавий-маърифий ишлар билан шугullanадилар. Шунинг учун бу мутахассислик ўқувчилари коллежда давомат ва ўзлаштириш бўйича етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда.

Ташкил этилган йилдан бошлаб бутунги қўлгача «Мусикий-назарий фанлар» кафедрасини 445 нафар мутахассис тамомлади. Уларнинг аксарияти вилоятимиз Болалар мусика ва санъат мактабларида самарали меҳнат қилмоқда. 130 дан ортиқ битирувчилар олий ўқув юртларга кириб, ўқашни давом эттирди. Улар орасида элга танилган инсонлар бор. Машҳур композитор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори Аваз Мансуров номи кўпчилиikka яхши таниш. Ҳукумат бонгарув ташкилотларида самарали меҳнат қилган санъатшунослик фанлари номзоди,

мусиқашунос Д.М.Муллажонов, санъатшунослик фанлари номзоди, Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти Г.А.Турсунова, Ўзбекистон давлат консерваторияси катта ўқитувчилари А.Р.Зокиров ва У.Мамаджановлар билан кафедра жамоаси ҳақли равишда фахрланади.

2007 йилда Фарғона санъат коллежи фаолиятига 50 йил тўлди. Шу муносабат билан коллеж раҳбарияти «Мусиқа назарияси» кафедрасига коллеж тарихи ва фаолиятига бағишланган рисола ёзиш вазифасини топширди. Кафедра ўқитувчиларидан Б.Якубов ва Д.Ариповалар бу вазифани муваффақиятли бажардилар. Коллежнинг барча кафедралари тарихи ва бой фаолиятига бағишланган «Ярим асрлик шарафли йўл» номли рисола чоп этилди. Бу рисола ҳозирги кунда ҳам коллеж тарихига кизикувчилар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

«Мусиқа назарияси» кафедраси ўқитувчилари доимий равишда шаҳар, вилоят ва мамлакат миқёсида ташкил этилган семинарлар, илмий-амалий конференцияларда ўз маърузалари билан қатнашиб турадилар. Хусусан, М.Абдуллаева 2009 йил 10 ноябрда Тошкент давлат маданият институтида ўтказилган «Муסיқий ижрочиликда ёшлар фаолиятини ошириш ва ривожлантириш» мавзусидаги илмий-амалий конференцияда «Устоз-шогирд анъанаси ҳозирги замон педагогикаси мисолида ва унинг ижрочиликни ривожлантиришдаги аҳамияти» номли маъруза билан қатнашиб, ижобий баҳоланди. 2013 йилнинг 23-24 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий рақс мактабида Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоева таваллудининг 100 йиллигига бағишланган анжуманда ўқитувчилар Д.Арипова ва Д.Исаковалар буюк раққоса ижодига бағишланган маърузалари билан, 2016 йил 5 май куни Ўзбекистон давлат консерваториясида композитор Мутал Бурҳонов таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий

конференцияда Д.Ғофурбекова ўз маърузаси билан иштирок этдилар. 2016 йилнинг февраль ойида Фарғона вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида «Глобаллашув ва маънавий таҳдидлар шароитида Алишер Навоий ижодини ўрганишнинг аҳамияти» мавзусида ўтказилган семинарда кафедра ўқитувчилари М.Маҳмудова ҳамда Д.Ариповалар «Алишер Навоий ва мусиқа» номли маъруза билан муваффақиятли қатнашдилар.

Шунингдек, Ўрта махсус касб-хунар таълими вазирлигининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси Ахборот ресурс маркази томонидан ҳар йили август ойида ўтказиладиган семинарларда «Мусиқа назарияси» кафедраси ўқитувчилари доимий қатнашиб келмоқдалар.

Кафедра ўқувчилари орасида ҳам устозлари анъаналарини давом эттириб, ижобий ютуқларга эришаётган ўқувчилар кўп. 2015 йили 2-босқич ўқувчиси Моҳидил Қурбонова «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилган «Мунозара» номли республика турнири ғолиби, шунингдек, «Энг яхши нотик» номинацияси ғолиби бўлди. 2016 йил декабрь ойида Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан ўтказилган «Ёш сиёсатчи» республика кўрик-танловида шу ўқувчи иштирок этди ва шаҳар, вилоят босқичларида ғолиб бўлиб, республика босқичида ҳам биринчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, Моҳидил Қурбонова Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзод сифатида «Журналистика» йўналиши бўйича барча босқичлардан муваффақиятли ўтиб, республика босқичида иштирок этди. Ўқувчилардан Дилшода Мамадалиева 2015 йил апрель ойида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан ўтказилган «Энг билимдон талаба» кўрик-танлови, шу йили «Юрт келажаги» республика кўрик-танлови вилоят босқичи, 2015 йил ноябрь ойида «Зулфия» номидаги

Давлат мукофоти танловининг шаҳар босқичи ғолиби бўлди. Кафедра ўқувчиларининг ижобий натижалари рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Фарғона санъат коллежининг маданий-маърифий ҳаётида «Муסיқа назарияси» кафедрасининг ўз ўрни бор. Кафедра иш режасига маъруза-концертлар, викториналар, танловлар ўтказиш мунтазам киритилади. Кафедра ўқитувчилари М.Маҳмудова, Д.Арипова бошчилигида тайёрлаб ўтказилган композиторлар – С.Юдаков ва М.Бурҳоновлар таваллудининг 100 йиллигига бағишланган кечалар барчада катта таассурот қолдирди.

Ўқитувчилар салоҳияти, иш фаолияти давомида эришилган кўплаб ижобий натижалари билан «Муסיқа назарияси» кафедраси коллежнинг энг нуфузли жамоаларидан бирига айланган. Коллежнинг ўқув-услубий, маданий-маърифий ҳаётида бу жамоанинг муносиб ўрни бор. Кўпчилиги ёш, тиришқоқ ва интилувчан ўқитувчилардан иборат мазкур кафедранинг нурли келажагига ишонч катта. Бу жамоанинг ўқув-тарбия ва муסיқий тарғибот борасидаги ишларда, педагогик маҳоратни янада ошириш йўлида юқори натижаларга эришишига шубҳа йўқ.



«ТОРЛИ ЧОЛГУЛАР ИЖРОЧИСИ» КАФЕДРАСИ

Ижрочилик соҳасининг энг мураккаб йўналишларидан бири бу – торли чолгулар ижрочиличигидир. Шу сабабли, ёш ижрочиларни бу созларни ижро этишга ўргатиш ўқитувчи-устозлардан катта меҳнат ва матонат талаб этади.

Фарғона санъат коллежи таркибида фаолият юритаётган «Торли чолгулар ижрочиси» кафедраси ўқитувчилари бу машаққатли йўлда ўз меҳнатлари билан самарали фаолият олиб бормоқдалар. Кафедранинг ҳозирги кундаги мавқеи ва ижобий ютуқлари асосида кўплаб тарихий омиллар, хусусан, ташаббускор ва фидойи устозларнинг сидқидиллик ила олиб борган намунали фаолиятлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шунинг учун кафедра тарихига теранроқ назар ташлаш ва эътиборли жиҳатларга алоҳида урғу бериб ўтиш лозим.

1957 йилда Фарғона мусиқа билим юрти ташкил этилганидан сўнг, орадан бир йил ўтиб, «Торли созлар» бўлимига асос солинди. Дастлабки йилларда биринчи мутахассис ўқитувчи Г.В.Ткачёв контрабас сози бўйича дарс бера бошлади. Сўнг бир йил ўтгач, скрипка синфи очилди. Скрипка синфида ўқитувчилардан А.В.Шишкина, И.Д.Забар, К.Г.Зейдель ва Л.Н.Петровалар фаолият кўрсата бошладилар. Шунингдек, виолончель мутахассислиги бўйича В.И.Гилин ишга қабул қилинганидан сўнг «Торли созлар» бўлимининг иш жараёни анча фаоллашди.

1964 йил Е.М.Гуляев раҳбарлигида симфоник оркестр ташкил этилди. Мазкур симфоник оркестр тез орада ўз репертуарини бойитди ва ижро савиясини юқори даражага олиб чиқди. Бунинг натижаси ўларок, оркестр турли тадбирларда ранг-баранг концерт дастурлари билан иштирок эта бошлади. Симфоник оркестрда кейинчалик раҳбарлик қилган тажрибали, етук мутахассислар – Ю.Э.Эргашев, Ю.И.Котельников, Е.Г.Эрлихлар ҳам фаолият олиб борган. 1968 йилда эса скрипкачилар ансамбли ташкил этилди. Бу ансамбль Н.Г.Гарбер ташаббуси билан тузилган

бўлиб, унинг ўзи кўп йиллар давомида ансамблга раҳбарлик қилди. Мазкур ансамбль кейинчалик М.Цой ва Ю.Гогохиялар раҳбарлиги остида фаолият юритди.

«Торли чолгулар» кафедраси фаолиятини ривожлантириш йўлида ўзларининг катта хиссаларини қўшган бўлим бошлиқларидан Г.В.Ткачёв, В.И.Гилин, А.И.Лапшин, Л.Н.Петрова, Н.Г.Гарбер, Б.Н.Зокиров, Ю.А.Гогохиялар номларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу билан бирга, фаол ва тажрибали ўқитувчилар – Е.Г.Эрлих, Р.Д.Свотина, П.Н.Близнюк, Н.А.Руднева, Р.Р.Бекиров, М.Х.Халитов, Т.Х.Жалолова, В.М.Агишев, М.Д.Цой, Б.Н.Зокиров, А.Н.Мамажонова, О.А.Гётте ва бошқа мутахассисларимиз ўқувчиларга етарли билим ва кўникмалар бериб келдилар.

2005 йилдан бошлаб кафедрага У.У.Шерматов раҳбарлик қила бошлади. Унинг раҳбарлиги остида ўқувчиларни касбга йўналтириш ишларига катта эътибор қаратиб келинди. Шунингдек, ўқув-тарбиявий жараён ва кафедранинг концерт фаолияти ҳам юқори савияга олиб чиқилди.

1989-1990 йилларда коллеж симфоник оркестри ижрочилари сони қисқарганлиги боис, камер оркестрига айлантирилди. 2005 йилга келиб эса коллеж директори Ю.П.Ғофурбеков, кафедра мудири У.Шерматов ва ўқитувчилар А.Рўзибоев ҳамда Э.Абдухалиловлар ташаббуси билан коллеж симфоник оркестри яна қайта тикланди. Ҳозирги кунда оркестрга Э.Абдухалилов раҳбарлик қилиб келмоқда.

Оркестр жамоаси шаҳар ва вилоят миқёсида ўтказиладиган турли маданий ва сиёсий тадбирларнинг доимий ва фаол қатнашчисидир. Жумладан, оркестрнинг 2015 йил декабрь ойида Фарғона вилоят Театр-концерт саройи очилиш маросимида, 2016 йилнинг 7 март куни ўтказилган симфоник оркестрнинг юбилей концерт кечасида, 2016 йил июнь ойида бўлиб ўтган «Универсиада» спорт мусобақаларининг очилиш маросимлари ва бошқа тадбирлардаги чиқишлари барчада катта таассурот қолдирди.

Кафедра таркибида фаолият юритаётган моҳир ва тажрибали

мутахассисларимиздан бири Юлия Акакиевна Гогохиядир. Ю.А.Гогохия скрипка синфи бўйича ўқувчиларга сабоқ бериб, кўплаб етук мутахассисларни етиштиришда катта жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Шу билан бирга, скрипкачилар ансамбли ҳам унинг раҳбарлиги остида фаолият юритмоқда. Ўзбекистон ва жаҳон композиторлик ижодиётига оид жуда кўплаб нодир асарлар ансамбль репертуаридан ўрин олган бўлиб, турли маданий тадбир ва концертларда моҳирона тарзда ижро этилиб келинмоқда. 2013 йил апрель ойида мазкур ансамбль ўзининг 45 йиллик юбилей концертини ўтказди. Концертда И.Кальманнинг «Сильва» номли опереттаси хор, раққосалар, солистлар, кичик оркестр жамоаси ижросида сахналаштирилди.

Скрипка синфида Ю.А.Гогохия, А.Г.Селезнёва, Ш.Б.Шокирова, виолончель синфида Н.О.Қодиров, контрабас синфида У.У.Шерматовлар фаолият кўрсатиб келишмоқда.

Кафедрада таҳсил олган кўплаб ўқувчиларимиз ҳозирда Ўзбекистон ва жаҳон миқёсида мусиқа санъати ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Бу борада Россияда хизмат кўрсатган маданият ходими ва композитор В.Михайлов (скрипка), Австриянинг Вена шаҳри симфоник оркестри созандаси Ю.Караев (скрипка), Франция Давлат симфоник оркестри созандаси Н.Эрлих (скрипка) ҳамда Россиянинг Владивосток шаҳридаги симфоник оркестр созандаси В.Лим (скрипка) ва бошқа қатор етук қалдирғочларимиз номларини фахр билан санаб ўтиш мумкин.

Бу каби иқтидорли ўқувчиларимиз сафи охириги ўн йилликларда янада кенгайиб борди. Жумладан, Россиянинг Оренбург шаҳридаги Давлат филармонияси камер оркестри созандаси Е.Якушева (скрипка), Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли Алоҳида намунали-кўргазмали оркестр созандаси Э.Шерматов (контрабас), Муқимий номидаги мусикали театр оркестри созандаси Б.Хомидов (скрипка), Ўзбекистон давлат консерваторияси қошидаги талабалар опера студияси созандаси Ш.Омонов (контрабас), Фарғона санъат коллежи ўқитувчиси Ш.Шокирова (скрипка), Тошкент шаҳридаги

15-сонли БМСМ ўқитувчиси К.Мирзааҳмедов (скрипка) ва бошқалар ҳозирда намунали тарзда фаолият юритмоқдалар.

1970 йилда ўтказилган I республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танловида:

Э.Бекк – 3-ўрин (виолончель, ўқитувчи В.Гилин).

Т.Джалалова – диплом соҳибаси (скрипка, ўқитувчи Л.Петрова).

Ю.Гогохия – диплом соҳибаси (скрипка, ўқитувчи Л.Петрова).

Л.Близнюк – диплом соҳибаси (скрипка, ўқитувчи Л.Петрова).

Н.Руднева – диплом соҳибаси (виолончель, ўқитувчи В.Гилин).

1973 йилда ўтказилган II республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танловида:

Ю.Караев – 1-ўрин (скрипка, ўқитувчи Н.Гарбер).

Т.Костиненко – 2-ўрин (скрипка, ўқитувчи Н.Гарбер).

1974 йилда ўтказилган III республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танловида:

Ю.Караев – 1-ўрин (скрипка, ўқитувчи Н.Гарбер).

Н.Валетова – диплом соҳибаси (скрипка, ўқитувчи Н.Гарбер).

1976 йилда ўтказилган IV республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танловида:

М.Абдуллаева – 2-ўрин (виолончель, ўқитувчи М.Раҳимова).

И.Сафина – диплом соҳибаси (скрипка, ўқитувчи Н.Гарбер).

1978 йилда ўтказилган V республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танловида:

М.Абдуллаева – 1-ўрин (виолончель, ўқитувчи М.Халитов).

Р.Караева – 1-ўрин (альт, ўқитувчи Е.Эрлих).

А.Тузов – 3-ўрин (скрипка, ўқитувчи Н.Ардаширова).

1980 йилда ўтказилган VI республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танловида:

Г.Елисеева – 3-ўрин (скрипка, ўқитувчи Н.Гарбер).

1982 йилда ўтказилган VII республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танловида:

Н.Эрлих – 1-ўрин (скрипка, ўқитувчи Е.Эрлих).

Н.Жданков – диплом соҳибаси (скрипка, ўқитувчи

Н.Ардаширов).

1984 йилда ўтказилган VIII республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танловиди:

О.Золкина – диплом соҳибаси (альт, ўқитувчи Е.Эрлих).

1986 йилда ўтказилган IX республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танловиди:

Е.Калифатиди – диплом соҳибаси (скрипка, Н.Гарбер).

1988 йилда ўтказилган X республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танловиди:

Т.Зайцева – диплом соҳибаси (скрипка, ўқитувчи Н.Гарбер).

1990 йилда ўтказилган XI республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танловиди:

С.Скляр – диплом соҳибаси (скрипка, ўқитувчи Р.Свотина).

1993 йилда ўтказилган XII республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танловиди:

А.Шерматов – 2-ўрин (контрабас, ўқитувчи Б.Зокиров).

2003 йилда ўтказилган XVII республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танловиди:

М.Ҳайдаров – диплом соҳибаси (контрабас, ўқитувчи У.Шерматов).

Ўқувчиларимиз сўнгги 10 йил ичида ҳам республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танловларида иштирок этиб, яхши натижаларни қўлга киритдилар. Жумладан, Ш.Омонов – 2-ўрин (2009 йил), Б.Маҳмудов – диплом (2011 йил), С.Алиакбаров – 3-ўрин, Т.Хатамов – диплом (2013 йил).

Кафедра ташкил этилган даврдан бошлаб, 321 нафар ма-лакали мутахассислар тайёрланди. Улар бугунги кунда мусиқа санъатини янада ривожлантириш йўлида созанда ва педагог сифатида фаолият олиб бормоқдалар.

«Торли чолғулар ижроچиси» кафедраси бундан кейин ҳам ўз фаолиятини намунали ва самарали тарзда давом эттираверади.

«ПУФЛАМА ВА ЗАРБЛИ ЧОЛГУЛАР ИЖРОЧИСИ» КАФЕДРАСИ

Чолгулар тарихи ҳақида гап кетар экан, инсоният фойдалана бошлаган илк чолгулар – зарбли ва пуфлама чолғу созлари эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур чолгулар инсониятнинг нафақат маданий, балки маиший эҳтиёжларини ҳам қондиришда энг зарур воситалардан бири бўлиб келмоқда. Шунинг учун ижрочиликнинг ушбу соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Сўнгги асрларда бошқа халқлар, хусусан, Европа халқларига оид мис дамли ва зарбли чолгулар ижрочилиги ўзбек мусиқа санъатига кириб келди.

Юқорида таъкидланганидек, мазкур чолгуларга бўлган эҳтиёж доимо ҳаётнинг турли жабҳаларида сезилиб туради. Жумладан, маиший, ижтимоий, маданий, қолаверса, ҳарбий соҳаларда ҳам уларнинг ўрни катта. Ушбу заруриятни ижобий тарзда ҳал этиш, бу борада керакли мутахассисларни етиштириб беришда ўрта махсус таълим тизимида фаолият юритаётган «Пуфлама ва зарбли чолгулар» кафедраларининг ҳам ҳиссалари каттадир. Хусусан, 1957 йилда Фарғона мусиқа билим юрти таркибида «Дамли ва зарбли созлар» мутахассислигининг ташкил этилиши бу борадаги муҳим воқеалардан бири бўлди.

Фарғона мусиқа билим юртида очилган «Дамли ва зарбли созлар» мутахассислиги бугунги кунга қадар тарихий йўлни босиб ўтди. Кафедранинг биринчи асосчиси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, 1945 йилги «Ғалаба» паради қатнашчиси Йўлдош Эргашевич Эргашев бўлади. Й.Эргашев дастлабки йилларда кларнет ва труба мутахассисликлари бўйича сабоқ бериб келган. 1960 йиллар бошида кафедрада Н.Г.Радюк, Е.М.Гуляев, С.С.Гаврилов, Л.Э.Штенгауэр ва Г.Р.Ниязовлар ўз мутахассисликлари бўйича кафедра ривожига ҳисса қўшишган. Кафедра ўқитувчиларининг асосий вазифалари пуфлама ва зарбли чолғу созларида ижрочилик санъатини тарғиб қилиш, халқимиз,

хусусан, ёшларимизни ўзбек, рус ва чет эл композиторлари асарлари билан таништириш ҳамда етарли даражадаги ўрта махсус маълумотга эга бўлган малакали мутахассисларни тайёрлаб беришдан иборат эди.

Бу кафедрада дастлаб фаолият юритган етук мутахассисларимиздан бири Ефим Михайлович Гуляевдир. Е.М.Гуляев билим юртида биринчи «Симфоник оркестр жамоаси»ни ташкил этди ва бир неча йиллар давомида унга раҳбарлик қилди. Мазкур оркестр жамоаси 1974 йилнинг март ойида Тошкент давлат консерваториясида ўз концерт дастурлари билан иштирок этиб, ижро маҳоратларини намоён этиди. Оркестр жамоасига етакчи ўқитувчилардан Й.Э.Эргашев, С.С.Гаврилов, И.Н.Горохов, Ю.И.Котельников ва бошқалар раҳбарлик қилган. Оркестр фаолиятида ўқувчиларнинг пухта билим эгаллаши ва олган билимларини амалиётга татбиқ этиши масаласи билан бирга, турли тадбирларни ўтказиш, хилма-хил кўрик-танловларда иштирок этиб, билим юрти шарафини ҳимоя қилиш каби кўплаб масалалар ҳам кўзда тутилганди. Жумладан, 1989 йилда пуфлама ва зарбли чолғулар оркестри И.Н.Горохов ва Й.Э.Эргашевлар раҳбарлиги остида Тошкент шаҳрида ўтказилган фестивалда иштирок этиб, 2-ўринни эгаллашга сазовор бўлди. 1990 йилда ўтказилган фестивалда эса фахрли 1-ўринни эгаллаб, фестиваль ғолибига айланди.

Юқорида таъкидланганидек, оркестр турли маиший ва сиёсий тадбирларда фаол катнашиб келган. Жумладан, 1990 йил май ойида Россиянинг Москва шаҳрида ўтказилган «Иккинчи Жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалаба»нинг 45 йиллигига бағишланган халқаро оркестр жамоалари фестивалида Ўзбекистон Республикаси номидан иштирок этди. Шунингдек, турли байрам ва тадбирларни ўтказишда ҳам оркестр жамоасининг алоҳида ўрни бор.

Кафедра ўқитувчи-устозларининг машаққатли меҳнатлари натижаси ўларок, бўлимнинг бир қатор ўқувчилари кўплаб

ижобий натижаларни қўлга киритиб келмоқда. Жумладан, 1976 йилда Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танловида Ю.Жилин кларнет чолғу сози бўйича 1-даражали диплом, С.Юнусов эса труба сози мутахассислиги бўйича 2-даражали диплом билан тақдирланиб, кўрик-танлов лауреатларига айландилар. 1978 йилга келиб, Наманганда худди шу кўрик-танловда С.Юнусов (труба) 2-ўрин, Б.Маматов (труба) эса 3-ўринларни эгалладилар.

1980 йил Нукус шаҳрида ўтказилган республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танловида В.Хасьянов (кларнет) 2-даражали диплом, У.Қосимов эса (труба) 3-даражали диплом билан, шунингдек, 1982 йилги танловда Ш.Аҳмедов (кларнет) ҳам 1-даражали диплом билан тақдирланганлар.

Кафедранинг етук мутахассислари С.С.Гаврилов ва Е.М.Гуляевлар «Ансамбль», «Дирижёрлик», «Чолғушунослик» фанларидан ўқувчиларга билим бериш давомида жуда кўп истеъдодли шогирдларни етиштирдилар.

Кларнет чолғу сози мутахассиси Е.М.Гуляев ўқувчиларидан С.Гурбелашивили, Б.Сметанов, А.Мешалов, Ю.Гулзаров, труба чолғу сози мутахассиси Г.Р.Ниязов ўқувчиларидан А.Ксенофонтов, Ю.Копылов ва С.Юнусовлар етук малакали мутахассислар бўлиб етишдилар.

Битирувчилардан С.Гурбелашивили саксофон ижрочиси сифатида халқаро жаз мусиқаси фестиваллари лауреати бўлди. У Фарбий Европа мамлакатлари бўйлаб турли концерт дастурларини намоёйиш этди ва ижроси ёзилган бир нечта грампластинкаларни тингловчиларга тақдим этди.

Шунингдек, коллежимиз қалдирғочларидан Энвер Измаилов ҳам моҳир ижрочи сифатида танилди ва «Украинада хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, саксофон ижрочиси Юнус Гулзаров номи ҳам республикаимиз халқига яхши таниш.

Юқорида номлари кўрсатилган битирувчилар Фарғона санъат

коллежининг фахри ҳисобланадилар.

Кейинчалик билим юртида Ю.Кортунов, Е.Юнаев ва А.Мешаловлар кларнет, В.Чумаков ва В.Муллагалиевлар валторна, Ю.Копилов труба, А.Ким фагот ва Ю.Жилин кларнет чолғу созлари бўйича ўз устозлари ишларини давом эттирдилар. И.Н.Горохов тромбон чолғу сози, А.Н.Рузибоев эса зарбли чолғулар мутахассислиги бўйича дарс бердилар. А.Д.Ғаниев флейта чолғу сози, И.Н.Горохов ва А.Н.Рузибоевлар эса кўп йиллар оркестр жамоаси раҳбари ва бўлим бошлиғи лавозимларида ишладилар.

А.Д.Ғаниев услубиёт фани бўйича фаолият кўрсатди ва 1989 йилдан то 2006 йилга қадар бўлим бошлиғи лавозимида ишлади. Унинг раҳбарлигида оркестр жамоаси 2000 йили Наманган шаҳрида бўлиб ўтган пуфлама ва зарбли чолғулар оркестри концерт дастурларида ўз чиқишлари ва ўзига хос услубдаги асарлари билан иштирок этдилар, 2001 йилда эса Андижон шаҳрида бўлиб ўтган оркестр жамоалари концерт дастурларида улкан ютуқларга эришдилар.

Кафедрада фаол иш олиб борган яна бир мутахассислардан бири Равшан Набижонович Сайдалиевдир. Р.Н.Сайдалиев 2003-2013 йиллар оралиғида валторна чолғу сози бўйича ўқувчиларга сабоқ бериб келди.

2006 йилдан О.Ў.Эшонов «Пуфлама ва зарбли чолғулар» кафедраси мудири этиб тайинланди.

Ҳозирги кунда кафедрада жами 9 нафар ўқитувчи фаолият олиб бормоқда. Хусусан, М.А.Каримов (труба, тромбон, баритон, валторна, оркестр синфи), О.Ў.Эшонов (кларнет, гобой, саксофон), Э.А.Абдухалилов (труба, баритон, тенор), И.Ю.Назаров (туба, тенор), Х.Қ.Абдуллаев ва С.А.Мирзажоновлар (зарбли чолғулар), А.С.Тошматов, А.И.Воҳобов ва Э.Ахмаджоновлар (флейта) ҳамда Д.Р.Сайдалиевлар (гобой) фаолият юритмоқдалар.

О.Ў.Эшонов, М.А.Каримов, И.Ю.Назаров ва Э.А.Абдухалиловлар ўз мутахассисликлари бўйича ижрочилик сирларини

ўқувчиларга ўргатиш билан бирга, «Дирижёрлик», «Ансамбль», «Чолғушунослик», «Ўқитувчилик амалиёти» ва бошқа фанлардан ҳам дарслар бериб келмоқдалар.

Кларнет чолғу сози мутахассиси О.Й.Эшонов ўқувчиси А.Юлдашев 2009 йил Россия Федерацияси Москва шаҳрида бўлиб ўтган Б.Р.Огонесовичнинг «Новые имена» номли мастер-класс дарсида қатнашиб, диплом соҳиби бўлди. Шу йили Қарши шаҳрида ўтказилган республика «Ёш ижрочилар» кўриктанловида Ш.Эркинов (саксофон-тенор) 1-даражали диплом билан, А.Юлдашев (кларнет) эса 3-даражали диплом билан лауреат бўлдилар ва Ўзбекистон давлат консерваториясига имтиёзли тарзда ўқишга қабул қилиндилар.

2016 йил 10-14 май кунлари Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтган «Санъат гунчалари» халқаро кўриктанловида «Пуфлама ва зарбли чолғулар ижроچиси» кафедраси ўқувчилари Ж.Х.Олимов (флейта), Б.Х.Омонбоев (саксофон) ва Ш.Ш.Хикматовлар (кларнет) иштирок этишиб, сертификат олишга муаяссар бўлишди. Шу йили дамли чолғулар оркестрларининг III «Дўстлик» фестивалида Э.Абдухалилов раҳбарлигидаги оркестр жамоаси иштирок этиб, диплом билан тақдирланди.

2017 йил февраль ойидан бошлаб фаолиятидаги ташаббускорлик ва самарали меҳнатларини ҳисобга олган ҳолда Эркин Абдухалилов кафедра мудири этиб тайинланди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан кафедранинг ўқув-илмий, маънавий-маърифий ва ташкилий масалалари ижобий ҳал этилиб келинмоқда. Шунингдек, Э.Абдухалилов оркестр жамоасига намунали тарзда раҳбарлик қилиш билан бирга, ўқувчиларнинг ижрочилик амалиётларини юқори савияга олиб чиқиш, турли сиёсий, маданий ва маърифий тадбирларни муносиб тарзда ўтказиш шу каби масалаларни ҳал этишда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Кафедрада ҳозирги кунга қадар 430 нафар мутахассислар

етишиб чикди. Уларнинг кўпчилиги республикамиз ва бошқа хорижий мамлакатларнинг жаз, эстрада симфоник ва дамли чолғулар оркестрларида фаолият юритмоқдалар. Мазкур кафедранинг тамомлаб, ўз соҳаси бўйича кўплаб ютуқларни қўлга киритиб келаётган қалдирғочларимиз орасида труба мутахассислиги фанидан М.А.Каримов синфида таҳсил олган Тимур Вячеславович Мирзаев номини алоҳида таъкидлаш лозим. У ўз устида тинимсиз изланиб, муסיкий таълим соҳасида кўплаб ютуқларга эришиб келмоқда. Хусусан, 1999 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Ёш ижрочилар» кўрик-танловида диплом соҳиби, «Дирижёрлик. Ўрта махсус муסיкий таълим муассасалари учун дамли ва зарбли чолғулар мутахассислиги бўйича ўқув дастури» номли услубий қўлланма ва бир қатор назарий ишлар муаллифи бўлди. 2013 йилда у Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта ўқитувчисига айланди. Шунингдек, Т.В.Мирзаев ўрта махсус ва олий ўқув юртинининг пуфлама оркестрлари ўртасида ўтказиб келинаётган республика миқёсидаги «Дўстлик» фестивали ҳамда дамли ва зарбли чолғуларнинг энг моҳир ижрочиларидан ташкил топган оркестр жамоасининг ташкилотчиси ва раҳбари ҳамдир. Шу каби кўплаб меҳнатлари самараси ўларок, Т.В.Мирзаев 2013 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Халқ таълими аълочиси» мукофотига сазовор бўлди.

Ўйлаймизки, Фарғона санъат коллежида фаолият юритаётган «Пуфлама ва зарбли чолғулар ижроچиси» кафедраси қалдирғочлари ўзларининг меҳнатлари ва саъй-ҳаракатлари билан юртимиздаги муסיкий таълимни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб бораверадилар.

«АНЪАНАВИЙ ИЖРОЧИЛИК»

КАФЕДРАСИ

Маълумки, анъанавий мусика миллий муסיкий меро-симизнинг асосини ташкил этиб, барча даврларда халқимиз томонидан эъзозланган. Айниқса, ушбу соҳани ҳар томонлама ривожлантириш ва ўқув тизимининг ўрта махсус бўғинига жорий этиш ишлари мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида амалга оширилди.

Фарғона шаҳар санъат коллежида «Анъанавий ижрочилик» бўлими Маданият ишлари вазирлигининг махсус буйруғига асосан 1997 йилда расман ташкил этилган. Даставвал 1990 йилда «Академик хонандалик» бўлими таркибида ва 1994 йилда «Ўзбек халқ чолғу созлари» бўлими қошида очилган «Анъанавий созандалик» секциялари шаклида тажриба сифатида фаолият олиб борган эди. Шу ўринда айтиш лозимки, ушбу секцияларда ҳофизлик санъати билимдонлари Абдувоҳид Мажидов, Маҳмуд Абдурахмонов, Дилором Муҳаммедова, Ўрмонжон Муродов, Баҳриддин Шаропов, мумтоз чолғу куйларининг нозик сирасорларидан хабардор созандалар Аҳмаджон Абдурахимов, Тохиржон Қаҳҳоров, Хуршидахон Қаҳҳорова, Муҳаммаджон Холиқов, Раҳматжон Тожибоев ва Абдурахмон Рўзиев кабӣ ўқитувчилар мутахассислик фанларидан дарс бериб, соҳа ривожланишига катта ҳисса қўшдилар.

Янги ташкил этилган бўлим бошлиғи этиб, шу соҳанинг билимдони бўлган мутахассис Қосимжон Мирзаев тайинланган. Унинг 1996-2006 йиллар давомидаги раҳбарлик даврида кафедра ўқитувчилари билан биргаликда ўқув жараёни ривожӣ йўлида самарали ишлар амалга оширилган (мутахассислик фанларидан ўқув дастурлари, ўқув-услубий ишлар яратилиши, касбга йўналтириш ишлари каби).

Кафедра ташкил этилгандан сўнг иш бошлаган ўқитувчи созандалар: Т.Қаҳҳоров, Х.Қаҳҳорова, О.Юнусов, Қ.Умаров,

А.Рахимов, Ў.Худойназаров, жўрнавoз Р.Усмонов, ўкитувчи хонандалар: Ш.Исмоилов, К.Хикматов, И.Ботиров, Х.Ҳасанова, Ўзбекистон халқ артисти, профессор Султонали Маннопов, ЎзбекистондаваҚозоғистондахизматкўрсатганартистУбайдулла Алиевлар кизғин фаолият олиб бoриб, кафедра нуфузини оширишга эришдилар. Кейинги йиллар мобайнида кафедрага олий ўқув юртларини ўз ихтисосликлари бўйича тамомлаган ёш мутахассислар ҳам жалб этилди. Таҷрибали устозлар билан бир қаторда ёш ўкитувчилардан Ж.Ҳатамов, О.Қодиров, М.Азамов, Ш.Ботиров, А.Абдурасуловлар ҳам самарали меҳнат қилиб, кафедра ютуқларига катта ҳисса қўшдилар.

2006 йилдан буён «Анъанавий ижрочилик» кафедрасини таҷрибали устоз «Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус касб-ҳунар таълими аълочиси» кўкрак нишони соҳибии Қаҳрамонжон Умаров бошқармоқда. Мана, ўн йилдирки, устоз раҳбарлиги остида кафедра улкан ютуқларга эришиб келмоқда. Жумладан, ҳар икки йилда ўтказиладиган «Ёш ижрочилар» республика кўрик-танловидаги ютуқлар, олий ўқув юртларига кафедра битирувчиларининг қабул қилиниши фoизининг юқoрилиги, кафедра ўкитувчи ва ўқувчиларининг вилоят, республика миқёсида ўтказиб келинаётган турли хил маънавий-маърифий тадбирлар ва кўрик-танловлардаги иштироклари, ўқув-услубий ва тарбиявий соҳаларда янги изланишлар олиб бoрилиши бунга яққол мисол бўла олади.

Кейинги ўн йиллик давомида айнан «Анъанавий ижрочилик» кафедрасида таҳсил олган собиқ ўқувчилар олий ўқув юртини тамомлаб, ёш мутахассис сифатида ўкитувчи ва жўрнавoз лавозимларида ишга жалб этилаётгани эътиборлидир. Зеро, ёш кадрларнинг ҳозирги кунда ўқув тизимига татбиқ этилаётган замонавий педагогик технологияларни ўзлаштириб, ўз фаолиятида қўллай олиш имконияти бирмунча кенгдир. Бугунги кунда Х.Абдуназарова, Г.Чаварова, Н.Мансурова, А.Мадалиев, Н.Ваҳобов, А.Дехқонов, Ф.Қодиров, С.Ҳамидова, Д.Тошалиев,

А.Мўйдинов, Х.Абдувоҳидов сингари ёш мутахассис кадрлар самарали меҳнат қилиб, «Устоз-шогирд» анъаналарини муносиб тарзда давом эттириб келмоқдалар.

Айтиш жоизки, 2006-2016 йиллар мобайнида кафедрада ташкилий, ўқув-услубий, маънавий-маърифий ишлар жадал ривожланди. Ўқув-услубий ишлар бўйича ҳам бир қанча ижобий натижаларга эришилди. Жумладан, 2008 йилда ўқитувчи Т.А.Қаҳҳоровнинг мусиқа йўналиши бўйича республика маданият ва санъат коллежлари ҳамда лицейлари учун ёзилган «Най навоси» номли ўқув қўлланмаси чоп этилди. 2011 йилда кафедра мудири Қ.Ш.Умаров ва Ўзбекистон халқ артисти, профессор С.Маннопов ҳамкорлигида ёзилган «Концерт ижрочилик амалиёти» фани учун ўқув-услубий қўлланмаси нашрдан чиқди. 2014 йилда кафедра мудири Қ.Умаров томонидан республика маданият ва санъат коллежлари ҳамда лицейлари учун ёзилган «Анъанавий ғижжак ижрочилиги», ўқитувчи Т.А.Қаҳҳоровнинг «Торлар садоси» номли ўқув қўлланмалари чоп этилиб, республиканинг барча ўқув юртларига тақдим этилди.

Дарҳақиқат, ушбу кафедранинг иш режасида ўқувчиларни ижрочилик кўрик-танловларига тайёрлаш ишлари анъанага айланиб, бу масалага катта эътибор бериб келинади. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида ўқувчилар вилоят ва республика миқёсида ўтказиб келинаётган турли фестивал ҳамда кўрик-танловларда иштирок этиб, юксак натижаларни қўлга киритмоқдалар. Бу ўринда ўқувчилардан ташкил топган Т.Қаҳҳоров раҳбарлигидаги мақомчилар ансамблининг ютуқлари алоҳида эътиборга лойиқдир. Ушбу созандалар ансамбли Юнус Ражабий номидаги республика «Мақом ижрочилари» кўрик-танловида мунтазам қатнашиб келадилар. Улар 1995 йилда 3-ўринни, 1999 йилда 2-ўринни ва 2003 йилда 1-ўринни, 2015 йилда ўтказилган «Ёш мақом ижрочилари» республика кўрик-танловида 2-ўринни қўлга киритиб, Фарғона мақом ижрочилик

мактабининг «Устоз-шогирд» анъаналари муносиб тарзда давом этаётганлигини намоён этдилар. 2005 йилда кафедра ўқувчиси Дилором Абдуазимова «Келажак овози» мегатанловида санъат номинацияси ғолибига, 2006 йилда ўқувчи Гулруҳ Отакулова «Ниҳол» Давлат мукофоти соҳибига айландилар. Ўз даврида кафедрада таҳсил олган Гулсанам Мамазоитовага 2006 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», 2013 йилда «Ўзбекистон халқ артисти» унвони берилди.

Шу билан бир қаторда, кафедра ўқитувчилари ҳам ўз фаолиятларига ижодий ёндашиб, бир қатор кўрик-танловларда совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқдалар. Жумладан, 1998 йилда Бухоро шаҳрида ўтказилган «Асрлар навоси» республика кўрик-танловида Т.Қаҳҳоров (най сози) 1-ўринни, Ҳ.Қаҳҳорова (дудор сози) 2-ўринни эгаллаганлар. 2015 йилда ёш ўқитувчи Абдулатиф Дехқонов «Умрбоқий наволар» республика кўрик-танловида 3-даражали диплом соҳиби бўлди. «Созлар навоси» республика кўрик-танловида эса сертификат ва фахрий ёрлик билан тақдирланди. Кафедранинг яна бир ёш ўқитувчиси Асатилло Мадалиев «Созлар навоси» кўрик-танловининг республика босқичида 3-даражали дипломга сазовор бўлди. Кафедрадаги иш фаолиятларини эндиgina бошлаган ёш мутахассис ўқитувчилар Аҳрор Мўйдинов ва Дилшод Тошалиевлар республика кўрик-танловларида муваффақиятли иштирок этдилар. Дилшод Тошалиев Ўзбекистон халқ ҳофизи Орифхон Ҳотамов ижодига бағишланган кўрик-танловда диплом билан тақдирланди. Аҳрор Мўйдинов эса халқ ҳофизи Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов ижодига бағишланган республика кўрик-танловида 2-даражали дипломи қўлга киритди.

Кафедранинг концерт фаолияти ҳам диққатга сазовордир. Синф концертлари, ҳисобот концертларидан ташқари, кафедра ўқитувчи ва ўқувчилари коллеж, шаҳар ва вилоят миқёсида ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этиб келадилар. Бунга мисол қилиб «Мустақиллик» ва «Наврўз»

байрамлари, «Навоийхонлик», «Бобурхонлик» каби адабий-му-
сикий кечалар ва яна кўплаб тадбирларни айтишимиз мумкин.

Ўз навбатида кафедра ўқитувчиларининг меҳнати муносиб
тарзда тақдирланмоқда. Қ.Мирзаев, О.Юнусов, Қ.Умаров,
Т.Қаҳҳоров, Х.Қаҳҳорова, А.Раҳимов, Ў.Худойназаров,
М.Азамов, О.Қодировлар 1994-2016 йиллар давомида Ўзбекис-
тон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг
фахрий ёрликлари билан мунтазам равишда тақдирланиб
келмоқдалар. Ўқитувчилардан О.Юнусов ва Қ.Умаров самарали
меҳнатлари учун «Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус касб-
хунар таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Ҳозирги кунда «Анъанавий ижрочилик» кафедраси Фарғона
санъат коллежининг энг катта жамоаси ҳисобланиб, унда
106 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Уларга кўп йиллардан
буён меҳнат қилиб келаётган тажрибали ва турли малака
тоифасига эга бўлган мутахассис ўқитувчилар – Қ.Умаров,
Т.Қаҳҳоров, Х.Қаҳҳорова, А.Раҳимов, О.Юнусов, К.Ҳикматов,
Ў.Худойназаров, Х.Ҳасанова, И.Ботиров, Қ.Саидов, М.Азамов,
О.Қодиров, Ж.Ҳотамов, А.Абдурасулов, Ш.Ботировлар билан
бир қаторда, Н.Мансурова, Х.Абдуназарова, К.Мамасидиқов,
Г.Чаварова, Ш.Ёкубов, Ф.Қодиров З.Ҳакимов, А.Дехқонов,
Д.Тошалиев, С.Хамидова, А.Мўйдинов каби ёш, интилувчан ва
изланувчан мутахассис ўқитувчилар ўз билим ва тажрибаларини
улашиб, устозлик қилиб келмоқдалар.

Бундан ташқари, кафедрада жўрнавозлар секцияси ҳам фаоли-
ят кўрсатиб келади. Жўрнавозлар секцияси раҳбари Маъруфжон
Ортиқов бошчилигида Қ.Усмонов, З.Абдусатторов, Э.Акбаров,
М.Убайдуллаев, Н.Ваҳобов, И.Мамаев, Қ.Машарипов,
Ф.Ҳасанов, М.Эргашев, А.Мадалиев, О.Эгамбердиев, А.Охун-
жонов, Х.Абдувоҳидов каби жўрнавозлар самарали меҳнат
қилмоқдалар. Кафедра ютуқларида уларнинг ўрни ҳам катта
аҳамиятга эгадир.

Йигирма йиллик қисқа давр мобайнида «Анъанавий

ижрочилик» кафедраси ўқув-тарбиявий ишларда юқори натижаларга эришди. Бунинг сабаби, албатта, жамоанинг аҳил ва ҳамжиҳатлиги, изланувчан ва тиришқоклигидир. Ўйлаймизки, тажрибали устозлар ҳамда ёш ўқитувчилар бу бебаҳо анъанани муносиб тарзда давом эттирадилар.

«Анъанавий ижрочилик» кафедраси ўқувчиларининг 1995-2016 йиллардаги республика кўрик-танлов ва фестивалларидаги эришган натижалари

«Мақом ижрочилари» республика кўрик-танлови:

1. 1995 йил – 3-ўрин, кафедра созандалар ансамбли.
2. 1995 йил – 3-ўрин, С.Усмонов (чанг).
3. 1999 йил – 2-ўрин, кафедра созандалар ансамбли.
4. 1999 йил – 1-ўрин, М.Азамов (чанг).
5. 1999 йил – 2-ўрин, Г.Мамазоитова (хонанда)

«Ёш ижрочилар» республика кўрик-танлови:

1. 2003 йил – 1-ўрин, кафедра созандалар ансамбли.
2. 2003 йил – 1-ўрин, Д.Ҳакимов (танбур).
3. 2003 йил – 1-ўрин, Д. Мелибоев (рубоб).
4. 2003 йил – 2-ўрин, Ж.Йўлдошев (ғижжак).
5. 2003 йил – 2-ўрин, О.Орипов (доира).
6. 2003 йил – 2-ўрин, Д.Исақова (датор).
7. 2003 йил – 2-ўрин, Х.Каримов (чанг).
8. 2003 йил – 3-ўрин, О.Қодиров (танбур).
9. 2003 йил – 1-ўрин, Д.Махсумов (хонанда).
10. 2003 йил – 2-ўрин, И.Собирова (хонанда).
11. 2003 йил – 2-ўрин, М.Эргашев (хонанда).

«Ёш ижрочилар» республика кўрик-танлови:

1. 2005 йил – 2-ўрин, Н.Солиева (хонанда).
2. 2005 йил – 2-ўрин, Г.Ҳасанова (хонанда).
3. 2005 йил – 3-ўрин, Ш.Ёкубов (хонанда).
4. 2005 йил – «Келажак овози» республика мегатанлови
ғолиби, Д.Абдуазимова (хонанда).
5. 2005 йил – 1-ўрин, А.Мирзааҳмедов (ғижжак).

6. 2005 йил – 1-ўрин, А.Мадалиев (най).
7. 2005 йил – 1-ўрин, Қ.Хақимов (рубоб).
8. 2005 йил – 2-ўрин, У.Тўхтасинов (доира).
9. 2005 йил – 3-ўрин, А.Отабоев (уд).
10. 2005 йил – 3-ўрин, Н.Отабоева (чанг).
11. 2005 йил – 3-ўрин, Ж.Қосимов (рубоб).

«Ниҳол» Давлат мукофоти:

2006 йил «Ниҳол» мукофоти совриндори Г.Отақулова (хонанда).

«Ёш ижрочилар» республика кўрик-танлови:

1. 2007 йил – 1-ўрин, З.Абдураззоқов (ғижжак).
2. 2007 йил – 1-ўрин, Ш.Маматқулов (қонун).
3. 2007 йил – 1-ўрин, Н.Музаффаров (доира).
4. 2007 йил – 2-ўрин, А.Умаров (най).
5. 2007 йил – 2-ўрин, Н.Мирзараҳимов (танбур).
6. 2007 йил – 3-ўрин, А.Баходиров (кўшна).
7. 2007 йил – 3-ўрин, Н.Солиев (рубоб).
8. 2007 йил – диплом, Б.Эшонов (хонанда).
9. 2007 йил – диплом, М.Акбарова (хонанда).

«Келажак овози» республика мегатанлови:

2008 йил – ғолиб, Ш.Давлатова (хонанда).

«Ёш ижрочилар» республика кўрик-танлови:

2. 2009 йил – 1-ўрин, Н.Нематжонова (чанг).
3. 2009 йил – 1-ўрин, М.Жалолов (най).
4. 2009 йил – 2-ўрин, Ш.Рўзибоев (танбур).
5. 2009 йил – 3-ўрин, И.Раҳимжонов (ғижжак).

«Зулфия» номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти:

2010 йил – мукофот соҳиби, Ш.Давлатова (хонанда).

«Ёш ижрочилар» республика кўрик-танлови:

1. 2011 йил – 1-ўрин, С.Хомидова (хонанда).
2. 2011 йил – 1-ўрин, Б.Қаҳҳоров (датор).
3. 2011 йил – 1-ўрин, Н.Музаффаров (доира).

4. 2011 йил – 2-ўрин, Н.Муҳаммадалиев (қўшнай).
5. 2011 йил – 2-ўрин, А.Хожимаматов (чанг).
6. 2011 йил – 2-ўрин, М.Турсунов (ғижжак).
7. 2011 йил – 2-ўрин, Ф.Мўйдинов (най).
8. 2011 йил – 3-ўрин, О.Мамадалиев (танбур).
9. 2011 йил – 3-ўрин, М.Раҳимов (рубоб).
10. 2011 йил – 3-ўрин, С.Нурмаматов (хонанада).
11. 2011 йил (Самарқанд шаҳри), «Барҳаёт анъаналар» – «Энг яхши кўшиқчи» номинацияси, «Кўзмунчок» фольклор ансамбли.

«Ёш ижрочилар» республика кўрик-танлови:

1. 2013 йил – 1-ўрин, О.Маҳкамов (най).
2. 2013 йил – 2-ўрин, Д.Мадалиев (ғижжак).
3. 2013 йил – 2-ўрин, С.Музаффаров (доира).
4. 2013 йил – 2-ўрин, У.Хошимов (танбур).
5. 2013 йил – 2-ўрин, Ҳ.Миркомилов (хонанда).

Турли танловлар:

2014 йил «Ягонасан, муқаддас Ватан» танлови республика босқичи – 2-ўрин, М.Машрабов (хонанда).

2014 йил (Оҳангарон шаҳри), «Барҳаёт анъаналар» – «Энг яхши иштирокчи» номинацияси, «Кўзмунчок» фольклор ансамбли.

3. 2015 йил «Созлар навоси» республика босқичи – 1-ўрин, А.Абдурахимов (танбур).

«Ёш ижрочилар» республика кўрик-танлови:

1. 2015 йил – 1-ўрин, А.Абдукаримов (ғижжак).
2. 2015 йил – 1-ўрин, Ҳ.Мирзахўжаев (най).
3. 2015 йил – 2-ўрин, Ф.Дехқонов (рубоб).
4. 2015 йил – 2-ўрин, А.Абдурахимов (танбур).
5. 2015 йил – 3-ўрин, М.Арабжонова (датор).
6. 2015 йил – 3-ўрин, Ф.Зайлобиддинова (чанг).

«Ёш мақом ижрочилари» республика кўрик-танлови:

2015 йил – 2-ўрин, кафедра созандалар ансамбли.

«ХАЛҚ РАҚСИ ИЖРОЧИСИ» КАФЕДРАСИ

Инсон қалби ҳамиша гўзалликка интилиб яшайди. Бу интилиш асосида юзага келган санъат турларидан бири ҳам айнан рақс санъатидир. Бежирим либослар, нозик ҳаракат ва андишали ним табассумлар рақс санъатида ўзига хос тарзда уйғунлашиб, рақс асосларини ташкил этади. Кўп халқлар қаторида ўзбек рақс санъати ҳам ўзининг гўзаллиги, нозик табиати ва сержилолиги билан ажралиб туради.

Ўзбек миллий рақс санъати ҳақида гап кетар экан, Фарғона рақс ижрочилик мактабини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу мактаб узоқ йиллик ривожланиш тарихига эга.

Маълумки, халқимиз орасида рақс санъатига бўлган қизиқиш ва эҳтиёжлар кенг кўламлилиги билан ажралиб туради. Чунки барча байрам ва сайллар, турли соҳага оид хилма-хил тадбир ва кечалар рақсиз ўтмайди. Шунинг учун ҳукумат томонидан бошқа соҳалар сингари, рақс санъатига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб келинган. Хусусан, республикамизнинг турли шаҳар ва туманларида бадий ҳаваскорлик жамоалари ҳамда миллий рақс тўғараклари фаолиятини янада кенгайтириш борасида кўплаб ишлар амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, 1972 йилда Фарғона мусиқа билим юрти таркибида «Халқ рақси» бўлимининг очилиши ҳар томонлама муҳим ва қувонарли воқеалардан бири бўлди.

«Халқ рақси» бўлими ўз фаолиятини бошлаган илк йилларданок кўплаб ўқувчиларни қабул қилди. Дастлаб, ушбу бўлим 1972-1996 йиллар давомида Малина Зулуновна Тошматова раҳбарлиги остида фаолият юритган. М.Тошматова 1935 йил 18 октябрда Фарғона шаҳрида туғилган, 1962-1966 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган «Баҳор» давлат рақс ансамблида раққоса, 1966-1972 йилларда Фарғона вилоят мусикали драма ва комедия театрида раққоса. «Мехнат фахрийси» медали билан тақдирланган. У ўз меҳнат фаолияти давомида ўқувчиларга «Муножот», «Тановор», «Фарғона қизи»,

«Гулбахор», «Табассум» каби рақсларни ўргатган.

1970-1980 йилларда билим юртига ишга келган ўқитувчилар Ҳ.Маҳкамова, Г.И.Мухарева, И.Камилова, М.Рустамова, В.Палитовалар, кейинчалик эса Е.А.Хажимуҳаммедова, Ф.Р.Тожибоева, С.Т.Каримова, Н.Атабекова ва М.У.Худойбердиевалар ҳам бўлим фаолиятининг самарали ривожланишига ҳисса қўшганлар.

Ҳозирги кунда мазкур кафедра мудири вазифасини Набижон Комилович Раҳимов бажариб келмоқда. Набижон Раҳимов 1996 йилдан буён республикамизда ўтказилган бир қатор давлат тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш ишларида иштирок этиб, балетмейстер сифатида фаолият юритиб келмоқда. Жумладан, 1996 йили Самарқанд шаҳрида Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 666 йиллигига бағишланган, 1999 йили Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди таваллуд топган кунга бағишланган, 2012-2013 йилларда Тошкент шаҳридаги Республика бош майдонида ўтказилган «Мустақиллик» ва «Наврўз» байрами тадбирларида балетмейстерлик қилган. Н.Раҳимовнинг кўп йиллик самарали меҳнати ҳукуматимиз томонидан томонидан инобатга олиниб, 2016 йил «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 25 йил» юбилей кўкрак нишони билан тақдирланди.

Бўлим ўқувчиларига билим беришда ўқитувчилар Н.К.Раҳимов, А.А.Абдихамидов, О.Ж.Маҳмудова, Ф.К.Лутфуллаева, ўриндош ўқитувчилар Т.Б.Шаропова, С.К.Мирзаматова, Д.Р.Қорабоевалар, жўрнавозлар И.А.Хомидов, У.Т.Худойназаров, А.Тўхтасинов, А.Мамашарипов, Е.Г.Салаҳиди, А.Р.Милушевалар самарали ижод қилиб келмоқдалар. 2009 йил бўлим ўқитувчиси Акмалжон Абдихамидов Тошкент Давлат Миллий рақс ва хореография олий мактаби профессор-ўқитувчиларининг Тошкент шаҳрида республика миқёсида ўтказилган «Хореография санъатининг муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий конференциясида ўзининг «Жамият ривожланишида рақс санъатининг ўрни ва аҳамияти» мавзусидаги иши билан қатнашиб, фахрли 3-ўринни эгаллади.

1991 йилдан буён бўлимни тамомлаган ўқувчиларнинг 35 нафардан зиёди санъат ва маданият олийгоҳларига ўқишга қабул қилиндилар.² Аксарият битирувчилар эса республикамизнинг кўзга кўринган театр-концерт ташкилотларида, маданият ва аҳоли дам олиш марказларида тўгарак раҳбари, муסיқа ва санъат мактабларида ўқитувчи сифатида меҳнат қилиб келмоқдалар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги «Ўзбекракс» бирлашмаси «Ўзбек ракс ансамбли», «Сабо» миллий ракс, «Тумор», «Лазги» ансамбллари, Мудофаа ишлари вазирлигининг ашула ва ракс ансамблида самарали ижод қилиб келишмоқда.

Халқ ракси бўлими мунтазам равишда таълим муассасаси, шаҳар, вилоят ҳамда республика миқёсида ўтказилаётган кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ва концертларнинг доимий иштирокчисидир. Жумладан, «Наврўз» умумхалқ байрами ва «Мустақиллик» байрамларини нишонлашда республика бош майдони саҳнасида асосий саҳна ижрочилари қаторида қатнашиб келмоқда.

Шунингдек, бўлим ўқувчи ва ўқитувчилари Ўзбекистон Республикасида уч босқичда ўтказиб келинаётган спорт ўйинлари очилиш маросимларига бағишланган концерт дастурларида, 2014 йил декабрь ойида Фарғона вилоят Театр-концерт саройининг очилиш маросими, икки йилда бир марта ўтказиладиган (Самарқанд) халқаро «Шарқ тароналари» муסיқа фестивалининг байрам тантаналарида ҳам муваффақиятли тарзда қатнашиб келмоқда.

² Абдуллаева Нигора, Комилова Нилуфар, Тошматова Нигора, Лутфуллаева Фарангиз, Мухарева Наталья, Махмудова Озода, Паёзова Севара, Каримова Севара, Аскарова Саодат, Қамбарова Мафтуна, Қодирова Мафтуна, Артикова Дилноза, Умарова Сарвиноз, Умарова Феруза, Низамова Ҳаётхон, Бобобекова Зухра, Акрамова Мукаррам, Меҳмонова Нодира, Аҳмаджонова Гулсанам, Абидинова Ҳушноза, Неъматова Шохиста, Муҳаммаджонова Насиба, Ҳошимова Дилдора, Алимжанова Ситора, Дадажоновна Хуршида, Умрзакова Шайдо, Акрамова Чарос ва бошқалар.

Бўлим ўқувчилари бу тадбирларда ўзларининг одоби, билими, интизоми, ташкилий кўмитанинг барча топшириқларини ўз вақтида бажариб келаётганлиги боис, 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг ташаккурномаси, 2013 йилда Бухоро вилояти ҳокимининг раҳматномасига сазовор бўлганлар.

Бўлим ўқитувчиларининг сермашаққат фаолиятлари натижаси ўлароқ, ҳар йили кўплаб ўқувчиларимиз турли кўрик-танловларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Шунингдек, ўқувчиларимиз «Ниҳол» ва «Зулфия» номидаги Давлат мукофоти танловининг вилоят босқичларига ҳам чиқдилар.

Мукаррама Турғунбоева номидаги республика ёш раққос ва рақоссалар кўрик-танлови:

1998 йил – Хусанова Дилноза, 3-ўрин.

«Ёш ижрочилар» республика кўрик-танлови:

2007 йил (Тошкент) – Маҳмудова Озода, 2-ўрин.

2009 йил (Қарши) – Ваҳхобова Дилдора, 3-ўрин.

2011 йил (Самарқанд) – Қосимова Мафтуна, 2-ўрин.

2013 йил (Тошкент) – Низомова Ҳаётхон, 2-ўрин.

2015 йил (Тошкент) – Маҳмудова Иродахон, 3-ўрин.

Ҳозирги кунда бўлимда 41 нафар ўқувчига 7 нафар ўқитувчилар рақс санъатининг мумтоз, халқ, фольклор жанрлари билан бирга, жаҳон рақсларини ҳам ўргатиб келишмоқда. Бўлим ўқитувчилари мусиқа ва санъат мактабларида ташкил этилган хореография (рақс) синфлари, театр-концерт жамоалари, шунингдек, фаолият юритаётган турли тўғарақлар учун рақс санъати мутахассисларини етиштиришда муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.

«ДАСТГОҲЛИ РАНГ-ТАСВИР РАССОМИ»

КАФЕДРАСИ

Маълумки, ҳаёт ва ундаги мавжуд нарсa ва буюмлар тасвири-ни ранглар воситасида акс эттириш – инсониятнинг азалий ва севимли машгулотларидан биридир. Бу борада инсонлар орасидан табиат ва унга боғлиқ турли жабҳаларни ранг-тасвир ила моҳирона акс эттира олувчи етук иқтидор соҳиблари – рассомлар етишиб чиққанлар. Уларнинг ижод маҳсули ўзига хос тарих, ҳаётнинг ўзига хос ифодасидир. Шунинг учун ҳамиша мазкур соҳага катта эҳтиёж ва талаб мавжуд бўлиб келган.

Ўзбек халқининг ҳам йиллар давомида сайқалланиб, ривож топиб келаётган ажойиб ва серқирра тасвирий санъати бор. Айниқса, сўнгги даврларда Ўзбекистон тасвирий санъати ва унга боғлиқ нодир асарлар дунё халқларининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Албатта, бу ижобий натижага эришиш йўлида махсус таълим муассасаларининг ўрни катта. Хусусан, Фарғона мусиқа билим юрти таркибида «Бадий безатиш» мутахассислигининг очилиши ҳам Ўзбекистондаги ранг-тасвир санъати ривожини учун муҳим бўлган омиллардан биридир.

1970 йиллар Фарғона вилояти бадий фонди тизими, шунингдек, шаҳарлардаги кўплаб корхона-ташкilotларда рассомчилик ҳамда бадий безатиш бўйича малакали мутахассисларга бўлган талаб ва эҳтиёж кучайган бир давр эди. Ушбу зарурият ва фаол ташаббускорларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли 1976 йил Фарғона мусиқа билим юрти таркибида «Бадий безатиш» мутахассислигига асос солинди.

Мутахассислик фаолиятининг илк йилиданок ўқишга 10 нафар ўқувчи қабул қилинди. Дастлабки йиллардаги ўқув жараёнини йўлга қўйиш ва ривожлантиришда Фарғона вилояти бадий фонди тизимида фаолият юритиб келаётган юқори малакали мутахассис рассомлар ҳиссаси катта бўлди. Жумладан, Ю.Абоимов, М.Фаткулин, В.П.Крылов, С.А.Алибеков, «Қалам

тасвир», «Рангтасвир», «Шрифт», «Тасвирий санъат тарихи», «Пленер», «Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти», айниқса, «Махсус композиция» фанларининг ўқув жараёнига жорий қилинганлиги, уларни сифатли даражада олиб боришнинг йўлга қўйилганлиги бадий безатиш бўйича етук кадрлар тайёрлашда катта аҳамият касб этди. Шу билан бирга, бу борада бир қатор ўқитувчи-рассомларнинг ҳам хизматлари катта бўлди. Хусусан, ўқитувчи-рассом С.А.Алибеков бир неча йиллар давомида «Махсус композиция» фани бўйича ўқувчиларга пухта билим ва кўникмалар бериб келди. Ундан сўнг мазкур фанни А.Г.Капцан олиб борди. У ўз фаолияти давомида «Махсус композиция» фанининг янги ўқув дастурини тузиб чиқди, мазкур дастур Маданият вазирлиги томонидан тасдиқланди. Кейинчалик бўлимга оид фанларни В.П.Крылов, А.И.Куприн, Х.Э.Кан, Л.А.Капцан, М.Ю.Чурлу, С.Е.Изетов, В.С.Щебатков, С.А.Сулеманов каби малакали ўқитувчилар давом эттирдилар. Хусусан, М.М.Фаткулин, Л.А.Капцан, Х.И.Кан ва М.Жўрабоевлар «Қалам тасвир» ва «Ранг тасвир» фанларидан дарс бериб, сифатли мутахассислар тайёрлашга ўзларининг катта ҳиссаларини қўшдилар. Бадий безатиш бўлимида узоқ йиллар ишлаган А.И.Куприн ва Е.Г.Ладик эса ўқувчиларга «Тасвирий санъат тарихи» фанидан сабоқ берганлар.

Ўзбекистон Мустақилликка эришгач, ўқув-тарбия ишларида ҳам кўплаб ўзгариш ва ислохотлар амалга оширилди. Ўқув юрти директори Ю.П.Ғофурбеков ўқув-тарбия ишларини сифатли олиб бориш, «Бадий безатиш» бўлимини малакали кадрлар билан таъминлаш, ўқув-моддий базани мустаҳкамлаш ва ўқитишни давлат тилида олиб бориш масалаларини муваффақиятли тарзда ҳал қилди. Унинг ташаббуси билан диплом ишларининг бир қисми ўқув юртининг интерьерлари ва экстерьерларини безатишга йўналтирилди.

1991 йилдан бошлаб ўқувчиларнинг пленер амалиётини табиатда, тоғларда ўтказиш имконияти яратилди. Ҳозирги кунгача бу анъана давом этмоқда.

2002-2004 йилларда билим юрти майдонининг кенгайтирилиши ва янги бино қурилиб ишга туширилганлиги яна бир муҳим қадам бўлди. Шундан сўнг бошқа бўлимлар каби «Дизайн» кафедраси ҳам кенг, қулай ҳамда етарли ўқув жиҳозлари билан таъминланган асосий ва қўшимча ўқув хоналарига эга бўлди.

«Дизайн» кафедрасида ишлаган барча ўқитувчилар педагогик фаолият билан бир қаторда, ўзларининг ижодий ишларини ҳам давом эттирдилар. Уларнинг кўпчилиги Ўзбекистон Бадий академиясининг рассомлар уюшмаси аъзолари бўлдилар. Улар ижод этган асарлар шаҳар, республика ва халқаро кўргазмаларда намоиш қилинди.

Ҳозир Голландияда яшаб ижод қилаётган Григорий Капцан машҳур рассом бўлиб етишди. Унинг ижодига мансуб кўплаб суратлар, «Марк Шагал ва XX аср рассомлари» номли нуфузли кўргазмада намоиш қилинди.

Мақсуд Фаткулин ўзига хос услубга эга рассом бўлиш билан бирга, истеъдодли ташкилотчи сифатида ҳам танилди. У ҳозир Москвадаги Халқаро рассомлар конфедерацияси Президенти.

Сергей Алибековнинг суратлари Тошкентдаги Ўзбекистон давлат Санъат музейи, шунингдек, Европа ва Осиёдаги бир қатор музейларда ҳам доимий равишда намоиш қилинмоқда. У мультипликатор рассом³ сифатида ҳам ижод қилиб келган. Хусусан, унинг «Мулойим ёмғир ёғади» номли фильми Германиянинг Лейпциг шаҳрида ўтказилган фестивалда «Олтин кабутар» ва 1980 йилдаги Испания фестивалида «Қумуш аждаҳо» совринларига сазовор бўлди. «Турк гамбити» фильмига ишланган компьютер графикаси унинг янги ютуқларидан биридир.

Кафедра кўп йиллик фаолияти давомида бир қатор етук мутахассислар етиштириб чиқарди. Жумладан:

М.Ю.Чурлу – Украинада хизмат кўрсатган рассом, Қрим-татар халқ маданияти ривожига қўшган ҳиссаси учун Гасприн

³ Мультипликация – бирин-кетин содир бўладиган ҳаракатлар тасвирини суратга олиш йўли билан кинофильм ишлаш.

номидаги Давлат мукофоти совриндори;

Э.Изетов – МДХ Бадий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ижодкор rassom;

В.А.Хайдуков ва унинг умр йўлдоши В.М.Коржова – Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси ва «Дўстлик» ордени соҳиблари;

И.Батова – Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ижодкор rassom;

А.Акбаров – Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ижодкор rassom;

А.Маъмуров – Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси, Фарғона политехника институти ўқитувчиси;

Н.Абдуллаев – Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси, Фарғона санъат коллежи «Дастгоҳли ранг-тасвир rassomi» кафедраси мудири;

Х.Қосимов – Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ҳозирги кунда Камолиддин Бехзод номидаги Миллий rassomлик ва дизайн институтида «Дизайн» факультети декани, доцент, 2016 йил «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» номинацияси ғолиби;

Р.Аҳмедов – Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси, Тошкент тўқимачилик институтида тасвирий санъат мутахассислиги бўйича етакчи ўқитувчи;

Р.Аҳмадалиев – Тошлоқ тумани «Баркамол авлод» ёшлар маркази директори;

А.Шералиев – Риштон туманидаги 24-БМСМ директори.

Ҳозирги кунда кафедрамизда Н.Қ.Абдуллаев (кафедра мудири), Б.А.Юсупов, А.А.Аъзамжонов ва Г.Т.Аҳмадалиева каби малакали ўқитувчилар фаолият юритмоқдалар.

Ушбу кафедрада таҳсил олган М.Қурбонова коллежнинг 60 йиллиги арафасида «Зулфия» номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

«АКТЁРЛИК САНЪАТИ» КАФЕДРАСИ

Маънавий ҳаётимизнинг бир бўлагига айланиб қолган театр – инсониятнинг орзу-истаклари, турли ҳаётӣ воқеа-ҳодисалар, қолаверса, унинг тарихини ҳам ўзига ҳос бадиӣ тарзда талқин этувчи минбар бўлиб келган.

Театр санъатига оид асарларда доимо ҳаётӣ воқелик, халқ турмуши, унинг миллий-маданий қадриятлари ҳамда тарихи бадиӣ образлар воситасида акс эттиралади. Айнан шунинг учун ҳам театр санъатига тегишли асарлар инсониятнинг бебаҳо маънавий мулкига айланган ва айланиб келмоқда. Зеро, сахнада инсоннинг руҳий олами актёр маҳорати ила томошабинга ҳавола этилади.

Мазкур санъат тури асрлар оша ривожланиб, синтетик санъат сифатида шаклланган бўлиб, у ўзида адабиёт, мусиқа, тасвирий санъат, рақс ва архитектура соҳаларини ҳам мужассамлаштирган.

Бизнинг юртимизда театр санъати ўтган XX асрнинг бошларига келиб шаклланди. Шунингдек, мамлакатимизнинг жуда кўп жойларида театрлар барпо этилди. Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришгандан сўнг театр санъатига эътибор янада кучайди. Театрлардаги мутахассис кадрлар етишмовчилигини бартараф этиш мақсадида изланишлар олиб борилди. Бу саъй-ҳаракатлар қаторида Фарғона давлат санъат билим юрти таркибида ҳам театр санъати мутахассислигининг очилиши бу борадаги улкан қадамлардан бири бўлди.

Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, давлат мукофоти лауреати, «Эътироф-2013» совриндори Муҳаммадсоли Юсупов ва Фарғона давлат мусиқа билим юрти директори Юсуф Пўлатович Ғофурбеков ташаббуслари билан билим юрти таркибида республикада биринчи бор 1996 йили «Театр санъати» мутахассислиги ташкил этилди. Мазкур мутахассисликда дастлабки ўқув йилларида 7 нафар ўқувчи таҳсил олган бўлса, ҳозирги кунда 45 нафар йигит-қизлар таълим олмоқдалар. Бу ўқувчи ёшларга мутахассислик фанлари бўйича Муҳаммад-

соли Юсупов, Солижон Ҳакимов, Маҳмуд Ғуломов, Набижон Раҳимов, Шарофатхон Дўсматова, Баҳриддин Шаропов, Тўйчи Ғаниев, Саломатхон Тожибоева, Анвар Исоқов каби малакали устозлар таълим бердилар. Ўқув жараёнида кафедра ўқитувчилари миллий ва жаҳон драматургиясига асосланган турли жанрлардаги пьеса ва сахна асарлари устида тинмай изланиб, ижод қилиб келмоқдалар.

1996-2000 йилларда «Драма театри актёри» ихтисослиги бўйича бир қанча ўқувчилар қабул қилинди ва диплом спектакли учун Шароф Бошбековнинг «Тикансиз типратиканлар» асари сахналаштирилди. Спектакль тўлалигича Юсуфжон қизик Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят театри репертуаридан жой олди. 2001 йилда «Драма театри актёри» ихтисослигига қабул қилинган ўқувчилар билан диплом спектакли сифатида Абдулла Авлоний ва Комил Яшиннинг «Дуэт» фольклор томоша асари сахналаштирилди.

2000 йил бўлимда янги – «Муסיқали драма театри актёри» йўналиши очилди. Диплом спектакли учун Жуманиёз Жабборов ва И.Ақбаровларнинг «Ўжарлар» муסיқали комедияси олинди.

2002 йилда бўлимда яна бир янги йўналишга – «Қўғирчоқ театри актёри» йўналишига асос солинди. Диплом спектакли учун эса Л.Устинов асари, Муҳаммадсоли Юсупов таржимаси билан «Довжурак бақача» эртак спектакли сахналаштирилди.

2003 йилда «Муסיқали драма театр актёри» ихтисослигига ва вилоят рус драма театри учун «Драма театри актёри» ихтисослигига ўқувчилар қабул қилинди. Диплом иши учун Урду Боду ва Узеир Гаджибековларнинг «Беш сўмлик келин» муסיқали комедияси, рус гуруҳи учун эса А.Островскийнинг «Безприданница» («Сепсиз қиз») асари асосидаги спектакллар сахналаштирилди.

Шу тариқа битирувчи ўқувчиларнинг диплом ишлари сифатида кўплаб асарлар юксак савия ила сахнага олиб чиқилмоқда. Жумладан, Мустай Карим асари, Зулфия таржимаси билан «Ой тутилган тунда» фожеаси, Бобораҳим Омоновнинг «Қуёновой-

нинг туғилган куни» эртак спектакли, Охунжон Ҳакимов ва Фарход Алимовларнинг «Жонимнинг малҳами» мусиқали комедияси, машҳур рус драматурги ва ёзувчиси Н.В.Гоголнинг «Уйланиш» комедияси, Строжилованинг «Соҳибжамол Маржон» пьесаси, Ҳ.Ҳ.Ниёзий ва С.Юдаковларнинг «Майсаранинг иши» мусиқали комедияси, Б.Шерназаровнинг «Севги ёш танламас» комедияси, Холмурод Сатторовнинг «Созлар можароси» мусиқий шоуси, Ҳамид Ғулом ва Манас Левиевларнинг «Тошболта ошиқ» мусиқали комедияси, Исфандиёр ва Тўра Мирзонинг «Чин дўст излайман» асари ва шу каби кўплаб асарлар муваффақиятли тарзда ижро этилиб келинмоқда. Уларнинг аксарияти вилоятимиздаги турли театрлар репертуаридан жой олган.

1996-2016 йиллар давомида актёрлик санъати йўналиши бўйича 219 нафар йигит-қизлар ўқишни тамомлаб, республикамиз театрлари ва маданият муассасаларида фаолият юритмоқдалар. Шу йиллар давомида 35 нафар ўқувчиларимиз олий маълумотга эга бўлдилар. Шунингдек, 3 нафар ўқувчимиз «Ёш ижрочилар» республика кўрик-танловида иштирок этиб, грант асосида олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Режиссёрлик йўналишини тамомлаган Муроджон Йўлдашев Германияда бўлиб ўтган «Хужжатли фильмлар фестивали» кўрик-танловида фахрли биринчи ўрин соҳиби бўлди.

2008-2013 ўқув йилларида «Ёш ижрочилар» республика кўрик-танловида Азизбек Исроилов, Гулнур Болтабоева, Азизбек Темиров, Фаррух Собиров, Файзулло Қурбонов, Нодир Аъзамов, Дилафруз Абдуллаева, Отабек Мадаминов, Дилафруз Зокирова, Мехринисо Раҳимова каби ўқувчиларимиз иштирок этиб, 3 та биринчи ўрин, 3 та иккинчи ўрин ва 4 та учинчи ўрин соҳибига айландилар. Улардан 1-даражали диплом билан тақдирланган уч нафар ўқувчиларимиз: Азизбек Темиров, Нодир Аъзамов ва Отабек Мадаминовлар Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига грант асосида ўқишга қабул қилиндилар.

Республика ва вилоятларимиз театрларида фаолият кўр-

сатаётган ўқувчиларимиз ўз ижодий ишлари, яратаётган образлари билан миллий театр хазинасини бойитиб келмоқдалар. Жумладан, ўтган йиллар давомида 16 та ранг-баранг драматик, мусикали ва қўғирчоқ спектакллари сахналаштирилди, 15 та ҳисобот томоша концертлари намоиш этилди.

Бўлим ташкил топгандан бошлаб шу кунга қадар фаолият юритган ва юритаётган ўқитувчилар: Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, давлат мукофоти лауреати Муҳаммадсоли Юсупов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Солижон Ҳакимов, Маҳмуд Ғуломов, Набижон Раҳимов, Шарофатхон Дўстматова, Баҳриддин Шаропов, Тўйчи Ғаниев, Саломатхон Тожибоева, Анвар Исоқов, Муҳиддин Абдуллаев, Клавдия Новак, Воҳиджон Исманов, Ҳабибулла Ҳакимов, Фурқатжон Қўчқаров, Музаффар Раҳимов, Аюбжон Ҳомиджонов, Адҳам Қирғизбоев, Саид Мирзаев, Раҳматилло Тўхтабоев, Мамлакат Жумаева, Азизбек Исроилов, Икром Абдуллаев, Ниёзбек Номонов, Улуғбек Тожиматов, Файзулло Қурбонов, жўрнавотлар: Умиджон Ёқубов, Муродил Аҳмедов, Нафиса Абдуллаева, Наталия Куприна, Шарофат Алимжорова, Мавлуда Ҳожирахматова, Динара Тўхтасинова каби мутахассисларимиз ва бошқа ўқитувчилар номларини фахр билан тилга олишимиз жоиз.

Бугун «Актёрлик санъати» кафедраси уч йўналиш бўйича вилоятимиз ва водий театрлари, маданият муассасалари учун актёрлар ва тўғарак раҳбарларини етиштириб бермоқда.

Ушбу бўлим йилдан-йилга жадал ривожланиб келаётган театр ва кино санъатига маҳоратли кадрлар тайёрлашда замонавий, янгича усуллардан фойдаланиб, ўқувчиларнинг касбга нисбатан қизиқиш ва изланишларини кучайтиришга қаратилган чоратадбирлар асосида иш олиб бормоқда. Келажакда замонавий ўзбек театр мактабида шаклланган, маҳоратли ижодкорлар нафақат ўзбек, балки жаҳон театр ва кино санъатида ўз ўринларига эга бўладилар, деб умид қилиб қоламиз. Театр деб аталмиш мураккаб ижод йўлида фидокорона хизмат қилаётган барча ижодкорларга ғайрат ва шижоат доимо ҳамроҳ бўлишини тилаймиз.

«УМУМИЙ ФОРТЕПЬЯНО» КАФЕДРАСИ

Фортепьяно ижрочилигидан бохабар бўлиш – ҳар бир му-
сиқачининг етук мутахассис бўлиб шаклланишида муҳим аҳа-
мият касб этувчи омиллардан биридир. Муסיқий таълимнинг
куйи, ўрта ва юқори боскичларида ушбу чолғу бўйича ўқув
машғулотларининг жорий қилинганлиги ва кўплаб назарий
ҳамда амалий дарсларда бу чолғудан кенг кўламда фойдаланишга
бўлган зарурият юқоридаги фикримиз далилидир.

Ўзбекистон муסיқа санъати тарихида фортепьяно чолғу
ижрочилиги нисбатан кейинроқ юзага келган ижрочилик
йўналишларидан биридир. Шунга қарамай, ҳозирги кунда
юртимиздан мазкур чолғу бўйича етук ва моҳир ижрочилар
етишиб чиқиб, юртимиз доврўғини дунёга таратмоқдалар. Бу
ижобий натижаларни қўлга киритишда таълим муассасаларида
фаолият юритаётган мутахассис ўқитувчиларимизнинг ҳиссаси
катта. Хусусан, 1957 йилда Фарғона муסיқа билим юрти ташкил
топиши билан бирга, унинг таркибида «Умумий фортепьяно»
бўлимининг ҳам таъсис этилиши билим юртида сабоқ олаётган
ўқувчилар билим савияси ва салоҳиятига ўзининг катта
ижобий ҳиссасини қўшди. Бўлимнинг илк ташкилотчиларидан
М.Х.Бояджан, М.И.Гольдина, А.Е.Попенченко ва А.В.Осадчук-
лар номларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Анна Васильевна
Осадчук бўлимнинг биринчи раҳбари бўлиб, бўлим фаолиятини
йўлга қўйишда жуда кўп меҳнат қилган. Дастлабки йилларда
«Умумий фортепьяно» бўлимида Е.М.Гуляев, М.Н.Саидова,
Н.Г.Радюк каби бошқа ўқитувчилар ҳам самарали меҳнат
фаолияти олиб бордилар. Кейинги йилларда билим юртини
тамомлаган бир қатор битирувчилар, жумладан, Х.М.Максумова
(1961 йил), С.И.Щербина (1963 йил), В.И.Савопуло (1963 йил) ва
Л.Осипова (1963 йил)лар, кейинчалик Я.К.Озолинь, К.Е.Эрлих,

А.С.Самойлович ва В.К.Каримовалар ҳам бўлим ўқитувчилари сафига қўшилдилар.

1973 йилда Светлана Ивановна Щербина бўлимга раҳбар этиб тайинланган. 1975 йилда шу лавозимда ишлаган Лариса Михайловна Кузьмина бўлим фаолиятига кўп ижодий янгиликлар киритди. Хусусан, бўлим ўқувчилари ўртасида доимий равишда ижрочилик танловлари ўтказилиши, ўқитувчиларнинг услубий маърузалар тайёрлаши каби тадбирлар йўлга қўйилди.

1989 йилда бўлим раҳбари этиб тайинлаган Мавлуда Каримовна Бекназарова катта ташкилотчилик қобилиятини намоён этди. Шу йилларда бўлим ўқитувчилари томонидан тарбиявий соатларда ўқувчилар репертуарининг намунали тарзда ижро этилиши муҳим анъана сифатида шаклланди.

Бўлимнинг Л.Х.Камилова, Э.К.Шарипова, О.П.Богданова, Г.Н.Абдулова каби ўқитувчилари доимий равишда республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танловларида жўрнавот сифатида қатнашиб, диплом ва фахрий ёрликларга сазовор бўлиб келмоқдалар.

М.К.Бекназарова ташаббуси билан коллеж маъмурияти томонидан бўлимга алоҳида услубий хона ажратилди ва бу бўлимнинг янада унумли, самаралироқ фаолият юритиши учун муҳим омил бўлди.

1996 йилда Владимир Михайлович Кудряшов бўлим бошлиғи этиб тайинланди. Унинг ташаббуси билан услубий хона кенгайтирилди, сахна барпо этилди. Шунинг натижаси ўлароқ, ушбу хона бўлим ўқувчилари учун мухташам концерт залига айланди. Бўлим ўқитувчиси, билим юрти асосчиси ва биринчи директори Х.М.Максумова зални тантанали равишда очиб берди. Сахнага рояль қўйилди ва бу нарсa ўқувчилар ижроси учун ҳақиқий концерт муҳитини яратди. Бўлим тарихида биринчи марта ўқитувчи В.М.Кудряшов синф ўқувчилари концертини

ўтказди. 1994 йилда билим юртининг катта залида дастлабки бўлим ҳисобот концерти намойиш этилди.

1999 йилдан бошлаб кафедрани Нигора Рустамовна Ҳасанова бошқара бошлади. Бу йилларда раҳбарлик кўникмаларини эгаллаш ва тажриба тўплаш иши бир томондан қулай муҳит ва аввал эришилган ижобий натижалардан фойдаланиш шароитида кечди. Иккинчи томондан эса, айнан шу йилларда Ўзбекистонда олиб борилган таълим тизими ислоҳоти доирасида тўрт йиллик таълимга асосланган Фарғона санъат билим юртини уч йиллик таълимга асосланган Фарғона санъат коллежига айлантириш жараёни амалга оширилди. Бу нарса ўқувчилар билан таълим-тарбия ишларини, ўқитувчилар билан эса ташкилий ҳамда услубий ишларни олиб бориш масалаларини бутунлай қайта кўриб чиқиш ва ташкил қилишни талаб қиларди.

2000-2010 йилларда бўлимда фахрий ўқитувчилар – С.И.Пенькова, М.К.Бекназарова, Г.Н.Абдулова, А.И.Куприн, Н.Р.Ҳасановалардан ташқари, А.Ю.Чепель, С.Қ.Тошпулатова, Н.Н.Шокиров, Ж.Е.Тен каби янги кадрлар самарали фаолият олиб бордилар.

Ўқитувчиларга иш юкламаларининг тўғри тақсимланиши, ўқув-тарбиявий ишлар режасига тўлиқ амал қилиш, турли хил ўқув-услубий ишларнинг кафедра фаолиятига жорий қилиниши натижасида кафедрада ўтказилаётган концертлар, кўрик-танловларнинг сони ва сифатини яхшилаш борасида катта муваффақиятларга эришилди.

2016 йилда кафедра мудири этиб С.Қ.Тошпўлатова тайинланди. С.Қ.Тошпўлатованинг бир неча йиллик педагогик тажрибаси, устоз ўқитувчиларнинг кўрсатма ва маслаҳатлари ҳамда ўз масъулиятини тўлиқ англаб етиши каби омиллар унинг мудирлик фаолиятида ўз аксини топиб келмоқда. Унинг ташаббуси билан 2011 йилдан бошлаб ҳар йили ўқувчилар

ўртасида «Этюдлар кўрик-танлови» ва «Пьесалар кўрик-танлови» ўтказиб келинмоқда. Шу билан бирга, коллежимизда анъанага айланган кафедралар ҳисобот концертлари қаторида, «Умумий фортепьяно» кафедрасининг ҳисобот концерти ҳам алоҳида кўтаринки руҳ ва юксак савияда ташкил этилмоқда.

Ҳозирги кунда кафедра таркибида А.И.Куприн, Г.Н.Абдулова, Н.Р.Ҳасанова, С.К.Тошпўлатова, Н.Н.Шокиров, Н.Б.Шаропова, З.Д.Назарова, Д.Джумабоева, М.В.Усманова ва О.Абдуллаева каби мутахассислар фаолият юритмоқдалар. Улар аввалги анъаналарни сақлаган ҳолда, янги замонавий таълим технологияларини ўқув жараёнга татбиқ этиб, ўқувчиларга сидқидилдан сабоқ бермоқдалар. Шунингдек, кафедра ўқитувчилари коллежимиз миқёсида ўтказиладиган кўплаб тадбирларда ўз чиқишлари билан фаол иштирок этиб келадилар.

Охирги ўн йилликларда давр тақозоси билан ўқитувчиларнинг дарс ўтиш фаолиятига янги замонавий педтехнологияларни жорий қилиш вазифаси ҳам юклатилди. Бу вазифани бажариш ўқитувчилардан тинимсиз изланиш ва катта меҳнат талаб қилади. Бу масала бўйича ёзилган услубий маъруза ва ишланмалар, очик дарслар, ўқитувчиларнинг ўзаро дарслар таҳлилини ифода этувчи ҳужжатлар замонавий педагогик технологияларнинг ўқув жараёнига тобора кўпроқ жорий этилаётганлигини кўрсатиб турибди.



ЖЎРНАВОЗЛАР УЮШМАСИ

Маънавият ривожини санъат ва маданият арбобларининг изчил ҳамда самарали меҳнатисиз тасаввур этиш қийин. Санъат инсон учун эстетик завқ-шавқ манбаи, у ҳаётга гўзаллик бахш этади. Мусиқа санъати ёшлар руҳига озуқа беради, қалбидаги энг нозик туйғуларни камолга етказди. Куй ва қўшиқ миллат танламайди, қалбларга бесўроқ кириб боради. Демак, ҳар бир халқнинг мусикий мероси, чолғу-сози, куй-қўшиқ ва рақси шу халқ маданиятини акс эттиради.

Фарғона вилоятида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим даргоҳларининг хизматлари бугунги кунда талаб даражасида эканлигини қайд этиш жоиздир. Мана шундай таълим даргоҳларидан бири Фарғона шаҳар санъат коллежи ҳисобланади. Бундан олтмиш йил аввал, Ўзбекистон Министрлар Советининг 1957 йил 30 июндаги №1113-р фармойишига биноан, Фарғона ижроия қўмитаси ўша йилнинг 15 августида Фарғона мусиқа билим юртини очиш ҳақидаги қарорини қабул қилди. Билим юрти директори этиб Ҳакима Машариповна Максумова тайинланди. Билим юртининг ҳаёти «Фортепьяно», «Халқ чолғу созлари», «Хонандалик» ва «Хор дирижёрлиги» мутахассисликлари бўйича ўқишни ташкил қилишдан бошланди.

Билим юрти ташкил топганида ўқитувчи ва жўрनावозларни топиш ва ишга жалб қилиш асосий масалалардан бири бўлган. Фаолият олиб бораётган бўлимларда жўрनावознинг ўрни яққол кўзга ташланар эди. Якка дарслар, имтиҳон ва конкурсларда жўрनावоз ижроси жуда муҳим эди. Жўрनावознинг ўрни ёрқин ва кенг аҳамиятга эга. Чуқур билим, ноталарни ўқий олиш бўйича юксак тажриба, аъло даражадаги эшитиш қобилияти каби хислатлар жўрनावоз сиймосида ўз ифодасини топган бўлиши лозим. Шунинг учун жўрनावозларнинг ўз устида иш-

лашлари муҳим талаблардан бири бўлган. Жўрнавозларни таъминлаш билим юртининг долзарб муаммоларига айланди. Бу муаммоларни ҳал этишда бўлимнинг асосий қисмига фортепьяно ва умумий фортепьяно бўлими ўқитувчилари жалб қилинди, мусиқа мактабларидаги қобилиятли ўқитувчилар жўрнавозлик соатларида фаолият олиб боришди. Ҳатто дастлабки даврларда жўрнавоз ўқитувчилар камлиги сабабли билим юртининг юқори синф ўқувчилари ҳам жалб қилинди. Асосий ишлар эса олий тоифали жўрнавозларга юклатилди.

Ўқув йиллари давомида жўрнавозларга бўлган талаб янада ошиб борди. ўқувчиларнинг ижодий ўсишида, ўзларини кўрсата олишларида, мусикий таълим жараёнида, келажакдаги фаолиятларида узвий боғлиқлик бор эди. Бу эса яқка тартибдаги дарслар, имтиҳонлар ва конкурсларда ўз ифодасини топарди.

Фарғона билим юртини битирган кўплаб ўқувчи ва ўқитувчилар ўзларини жўрнавоз сифатида ёрқин намоён эта олганлар. Булар қаторида Т.И.Лейбович-Копельева номини алоҳида таъкидлаш жоиз. У Россиянинг Новосибирск опера ва балет театрида етакчи жўрнавоз бўлиб, «Россия Федерациясида хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонига сазовор бўлган. Бундан ташқари, кўп йиллар давомида билим юртида ўз ишининг устаси бўлган талабчан ўқитувчи-жўрнавозлар етишиб чиқди. Шунингдек, «Махсус фортепьяно» ва «Умумий фортепьяно» бўлимларининг ўқитувчилари ҳам турли даврларда жўрнавоз сифатида фаолият юритганлар. Жумладан, М.Х.Бояджан, М.И.Гольдина, С.Е.Денисова, И.Г.Вышлова, Л.В.Толпегова (Машанова), В.А.Высоцкая (Внукова), К.Л.Эрлих, Н.Г.Радюк, Л.Савапуло, Л.Х.Камилова, А.С.Самайлович, Г.И.Иванкина, А.Б.Тумашева, Э.К.Шарипова, Р.О.Кадилова, Г.Э.Ардаширова, А.А.Берковская, Л.А.Мельвапова, Г.Н.Клинкина, Ф.Х.Курмакаева, Л.И.Усманова, А.В.Осадчук, Л.М.Кузьмина, М.Н.Бекназарова, Л.И.Нечи-

поренко, И.А.Торчиян, Г.Н.Абдулова, О.Богданова, С.И.Пенкова (Щербина), Е.В.Ротаренко, Л.И.Блинова, Т.В.Семёнова, Е.В.Кузнецова, Н.И.Куприна, Ф.А.Шарипова ва бошқаларни эътироф этиш мумкин.

Ҳозирги кунда санъат коллежимиз ўқитувчи ва жўрнавотлари устозларимизни ёрқин хотиралар билан тилга оладилар. Уларнинг ўлмас сиймолари ҳамон қалбимиздадир. Уларнинг ўзбек миллий санъатимизни ривожлантиришга қўшган ҳиссалари, чет эл мусиқасини ёш авлодлар қалбига сингдиришдаги машаққатли меҳнатлари олдида таъзим қиламиз.

Барча кўрик-танловларда ғолиб бўлган ўқувчилар билан биргаликда, коллежимиз жўрнавотлари ҳам фахрий ёрлиқлар билан тақдирланиб келмоқдалар. Умумий фортепьяно бўлими ўқитувчиси Светлана Ивановна Пенькова (Щербина) 1959 йилда фортепьяно бўлимига ўқишга қабул қилинди. Ўқиш давомида ўзини яхши кўрсатганлиги учун 3-курслигида билим юртининг жўрнавот ўқитувчиси этиб тайинланди. У «Академик вокал артисти» бўлимида 52 йил мобайнида меҳнат фаолиятини олиб борган.

Ёш авлодни тарбиялашда ва мусиқий маданиятини оширишда тинмай меҳнат қилаётган ўқитувчи ва жўрнавот Галина Николаевна Абдулова «Умумий фортепьяно» бўлимида 45 йилдан буён ишлаб келмоқда. Ўзининг меҳнат фаолияти давомида «Халқ чолғу созлари», «Анъанавий созанда» ва бошқа бир қатор бўлимлар билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда.

Коллежимизнинг ижрочилик жамоаларида намунали иш фаолиятини олиб борган жўрнавотлардан яна бири Л.И.Усмановадир. У кўп йиллар давомида скрипка ансамблида ишлаб келмоқда.

Айтиш керакки, «Умумий фортепьяно» бўлимида иш бошлаган ўқитувчи ва жўрнавотлар алоҳида кафедраларга

ажратилди. Ҳозирги кунда жўрнавотлар уюшмаси кафедрасида бўлим бошлиғи А.М.Кашифова бошчилигида бир гуруҳ жўрнавотлар фаолият олиб бормокдалар. Г.В.Нурматова, З.М.Мадаминаова, Н.Х.Абдуллаева, А.Р.Милушева, Е.Г.Солохиди, У.М.Насирдинова, М.Н.Каримова, Ш.Юнусова, Ш.Алимджанова, Н.Акбарова, Ли Марина, О.Мирзакаримова ва бошқалар шулар жумласидан.

Мустақиллик йилларида мерос бўлиб келган музика санъатини ривожлантиришга янгича муносабат шаклланмокда. Шунинг учун ҳам юртимизда мунтазам равишда музика ривожини учун кўрик-танловлар, музикаий анжуманлар, қолаверса, халқаро танловлар ҳам ўтказилиб келинмокда. Коллежимиз ўқитувчи ва жўрнавотлари юртимизда ўтказилаётган барча кўрик-танловларда иштирок этиб, Марказий Осиё гавҳари бўлган гўзал Фарғонамизни, биз учун кадрли бўлган санъат коллежимиз номини муносиб ҳимоя қилиб келмокдалар.



«УМУМТАЪЛИМ ВА ИЖТИМОЙИ ФАНЛАР» КАФЕДРАСИ

Фарғона шаҳар санъат коллежи ҳаётида алоҳида ўрин тутган «Умумтаълим ва ижтимоий фанлар» бўлими 1957 йилда ташкил этилган. Ушбу йил Фарғона мусиқа билим юртига ўқувчилар қабул қилиш бошланганда мусиқа соҳаси мутахассислари билан бирга, умумтаълим фанлари ўқитувчилари С.И.Бублейникова (рус тили ва адабиёти) ва З.К.Ботиров (тарих)лар ҳам қабул жараёнида қатнашдилар. Шунингдек, Й.Г.Попенченко (рус тили ва адабиёти), С.М.Завулунов (физика, математика), М.С.Богданова (кимё), Л.В.Лисенко (инглиз тили), Й.Е.Плетухин (жисмоний тарбия), В.И.Чернишов (ҳарбий таълим)лар бўлимнинг биринчи ўқитувчилари эди. 1959 йилда ўзбек гуруҳларида дарс ўтиш учун янги ўқитувчилар М.Х.Ҳодиева (она тили ва адабиёти) ва С.Мавлонкулов (физика, математика) ишга қабул қилинди.

1958-1973 йилларда бўлим ишини ташкил қилиш, йўлга қўйиш ва ривожлантириш борасида бўлим бошлиғи лавозимида фаолият юритган Елена Георгиевна Попенченко самарали меҳнат қилди. Унинг ташаббуси ва бевосита иштирокида Навоий, А.Чехов, М.Горкий ва бошқа буюк ёзувчи-шоирлар ижодига бағишланган маънавий-маърифий ва илмий-амалий кечалар ўтказилган. Бу каби мазмундор тадбирларни ўтказиш келажакда анъана тусини олган. Умумтаълим фанлардан дарс бериш сифатининг яхшиланиши ҳамда ўқув даргоҳида ушбу бўлим нуфузининг ортишида Е.Г.Попенченконинг хизматлари каттадир.

1973-1988 йилларда бўлим бошлиғи лавозимида М.А.Скляр (физика, математика) фаолият олиб борди. Бўлимда умумтаълим фанларидан ўқувчиларга таълим беришда М.Скляр билан бир қаторда юқори малакали мутахассислар жумладан, И.М.Эргашев (тарих, жамиятшунослик), Қ.А.Абдуллаев (жисмоний тарбия), В.И.Толпегов (бошланғич ҳарбий тайёргарлик), А.И.Куприн

(психология ва педагогика асослари), П.А.Чилингир (тарих, жамиятшунослик), А.А.Тепцова (рус тили ва адабиёти), П.А.Багирова (кимё, биология), И.Н.Назаров (она тили ва адабиёти), Х.К.Қодирова (физика, математика), М.Ахророва (кимё, биология) Ю.Ф.Хакимова (немис тили), Е.А.Асриянс (инглиз тили), Ф.Бўтаева (она тили ва адабиёти), С.П.Алиев (кимё, биология), В.В.Фен (жисмоний тарбия) самарали меҳнат қилдилар. Шу даврда бўлимни дарс ўтиш учун зарур бўлган кўргазмали куруллар, техник воситалар ва турли асбоб-ускуналар билан бойитиш борасида катта ишлар қилинди. Тарих ва ижтимоий фанлар, она тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти фанлари учун махсус ўқув хоналари намунали тарзда жиҳозланди. Бўлимнинг «Рус тили» ҳамда «Фан ва турмуш» номли деворий газеталари муваффақиятли фаолият олиб борди.

«Умумтаълим фанлари» бўлими ўқитувчилари таълим соҳасида муҳим бўлган тарбиявий ишларни ўқув жараёнидан ажратмаган ҳолда олиб бордилар. Улар доимий равишда тарбиявий соатларда ўқувчилар билан турли қизиқарли мавзуларда суҳбатлар, баҳс ва мунозаралар ўтказдилар. Бу борада ўқитувчилардан А.И.Куприн, Р.А.Чилингир, М.А.Скляр, И.М.Эргашев, В.И.Толпегов, А.И.Куприн, Н.Назаровлар қизғин фаолият олиб бордилар. Айниқса, ўз касбининг фидойиси, ҳассос шоир, фалсафа, адабиёт, тарих ва бошқа фанларнинг чуқур билимдони Иқбол Назаров фаолияти катта аҳамиятга эга бўлди. У барча ўқувчиларда ўзбек халқининг миллий қадриятларига нисбатан ҳурмат туйғусини уйғота олди. Бутун куч ва билимини ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш ишига сарфлади.

Шу йилларда бўлим ўқитувчилари тайёрлаган услубий маърузалар кўпчиликнинг эътиборига сазовор бўлди. Мисол сифатида Э.Г.Попенченконинг «Адабиёт дарсларида эстетик тарбия» ва «Ўқитувчининг ўз касбий маҳоратини ошириш устида ишлаши», М.И.Склярнинг «Дарсларда ўқувчилар билан яқка тартибда ишлаш», «Ўқитувчилик этикаси

ҳақида», А.А.Тепцованинг «Рус тили ва адабиёти дарсларида ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини фаоллаштириш» каби услубий маърузаларини келтириш мумкин.

1991 йилдан бошлаб бўлим бошлиғи лавозимида С.А.Халилова (рус тили ва адабиёти) ишлаб келмоқда. Ўтган давр мобайнида маънавий-маърифий мавзудаги тадбирлар, фанлар бўйича очиқ дарслар, намунавий услубий маърузалар, турли кўрик-танловлар ва спорт мусобақалари бевосита С.А.Халилова бошчилигида ўтказилди. 2000 йилда бўлимга «Умумтаълим ва ижтимоий фанлар» кафедраси мақоми берилди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бошланган таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида Фарғона санъат коллежида ҳам катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бунинг натижасида «Умумтаълим ва ижтимоий фанлар» кафедрасининг моддий-техник базаси тубдан янгиланди. Бугунги кунда кафедра битта компьютер хонаси, иккита лингафон хонаси, катта спорт зали, замон талаблари даражасидаги янги техника воситалари, ўқув қуроллари билан жиҳозланган физика ва кимё лабораторияларига эга. Коллеж кутубхонасида барча умумтаълим фанларидан 4699 та дарслик ва ўқув қўлланмалари мавжуд. Барча машғулотлар керакли ўқув жиҳозлари билан таъминланган ўқув хоналарида олиб борилмоқда. Бу ижобий ўзгаришлар дарс ўтиш сифатининг янада яхшиланиши ва ўқувчиларнинг фанларни чуқурроқ ўзлаштиришлари учун имкониятлар яратди.

«Умумтаълим ва ижтимоий фанлар» кафедраси кейинги ўн йилликда 22 нафар ўқитувчи билан ўз иш фаолиятини давом эттирди. Бу давр мобайнида маънавий-маърифий, тарбиявий ва ўқув ишлари биргаликда олиб борилди. 22 йил давомида тарих фанидан ўқувчиларга билим берган Т.Каримова, М.Икромова (она тили ва адабиёти)лар тантанали равишда нафақага кузатилди, жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Қ.Абдуллаевнинг 70 ёшлик юбилеи нишонланди.

Фан олимпиадаларида ҳам бир қатор ўқитувчилар яхши

натижаларга эришдилар. 2013-2014 ўқув йилларида рус тили (С.А.Халилова), давлат тили (Ш.Н.Досматова), математика (Д.А.Исломов), тарих (Г.О.Мадмарова) фанларидан; 2014-2015 ўқув йилларида рус тили (С.А.Халилова), давлат тили (Ш.Н.Досматова), она тили (Е.К.Ўринбоева), тарих (Г.О.Мадмарова), математика (Д.А.Исломов) фанларидан коллеж ўқувчилари фан олимпиадаси шаҳар босқичида фахрли ўринларни эгаллаб, вилоят босқичида қатнашиш имкониятини қўлга киритдилар. 2015-2016 ўқув йилида рус тили фанидан С.А.Халилова ўқувчиси А.Кузнецов фан олимпиадаси шаҳар ва вилоят босқичида фахрли биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичига етиб борди. Бу нафақат кафедра, балки коллеж учун ҳам катта ютуқ ҳисобланади.

Ҳар йили кафедра ўқитувчилари томонидан маънавий-маърифий тадбирлар, бадиий кечалар, турли мавзудаги иншолар танлови ва фан ойликлари ўтказиб келинмоқда. Булар қаторига нишонланиши доимий анъанага айланган «Тил байрами», «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови, «Шунқорлар» беллашуви, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд айёмлари, китобхонлик кечалари, шоир ва ижодкорларнинг юбилей саналарига бағишланган мушоира тадбирларини киритиш мумкин. Ушбу тадбирлар ўқувчилар дунёқарашини кенгайтириш, билим савиясини юксалтириш, ватанпарварлик, ўзаро меҳр-муҳаббат туйғуларини ривожлантириш, ҳуқуқий билимларини оширишда катта аҳамиятга эга бўлди.

2014 йилда кафедра ўқитувчилари Ф.Юсуповнинг «Пул ва унинг вазифалари», Э.Ўринбоевнинг «Абдулла Орипов шеърияти» мавзусида намунавий очик дарслари ўтказилди. Очик дарсларда «Фортепьяно», «Торли созлар», «Пуфлама ва зарбли чолғулар», «Академик хонандалик», «Халқ рақси ижроچиси» мутахассислиги ўқувчилари фаол қатнашдилар. Бундан ташқари, коллежнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, таэквандонинг ITF йўналиши бўйича қора белбоғ сохиби Ж.Юсупов 2016

йилнинг «Энг яхши жонкуяр мураббийи» номинацияси ғолиби бўлди. Спортнинг ушбу йўналиши бўйича Жаҳон чемпионати совриндори, халқаро мусобақалар ғолиби, бир неча бор Ўзбекистон чемпиони Ж.Юсупов тўғарак раҳбари сифатида ҳам фаолият олиб бориб, ёшларга ўз билим ва тажрибаларини улашиб келмоқда.

2016 йил август ойидан эътиборан «Умумтаълим фанлари» кафедраси фанлар таркибига кўра «Аниқ фанлар ва тиллар» ҳамда «Ижтимоий-иқтисодий ва табиий фанлар» деб номланувчи алоҳида иккита кафедрага ажратилди. Бугунги кунда «Аниқ фанлар ва тиллар» кафедрасида кафедра мудири С.А.Халилова бошчилигида ўқитувчилардан коллеж фахрийси Қ.А.Абдуллаев (жисмоний тарбия), Ш.Н.Досматова (рус тили), Д.Исломова (математика), Л.Розиев (инглиз тили), М.Шерназаров (жисмоний тарбия), Э.Ўринбоева (она тили ва адабиёти), Н.Усманова (инглиз тили), Х.Хамдамов (инглиз тили), С.Жўраев (жисмоний тарбия), Э.Баратов (ҳарбий таълим), Ж.Юсупов (жисмоний тарбия), Э.Каримов (информатика), А.Баҳромов (математика, информатика) ва А.Қодировлар (физика); «Ижтимоий-иқтисодий ва табиий фанлар» кафедрасида эса кафедра мудири З.Исмоилов раҳбарлигида Г.Мадмарова (тарих), К.Фармонова (хукуқшунослик), М.Аҳмедова (кимё, биология), М.Назарова (кимё, биология), Ф.Юсупова (иқтисодиёт), Х.Мамақовалар (амалий география) самарали меҳнат қилмоқдалар. Ёш авлодни тарбиялаш ва малакали мутахассислар тайёрлашда ҳар иккала кафедра ўқитувчиларининг ўрнини эътироф этиш жоиз.





*Билим юртининг биринчи директори – Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими Ҳакима Машариповна Максумова*



Юсуф Пулатович Гофурбеков (1987 йилдан коллеж директори)



*Ўзбекистон халқ артисти, профессор Таваккал Қодировнинг
Фаргона санъат коллежига қўйилган бюсти*



Коллежнинг олд томондан кўриниши



Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Олимжон Юнусов



*Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Асилбек
Худойназаров*



*Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари Эркин
Латипов*



Коллеж директори ўринбосарлари билан



Коллеж фахрийлари билан суҳбат



Маъмурият ходимларининг йиғилиши




Ҳисобхона ходимлари ва ўқув бўлими котибалари



Хўжалик бўлими ходимлари



«Халқ чолгулари» кафедраси ўқитувчилари



«Халқ чолғулари» оркестри



«Фортепьяно иъроҷиси» кафедраси ўқитувчилари



Амалий машғулот пайти



«Ҳаваскорлик хор жамоаси дирижёри» кафедраси ўқитувчилари




Хор жамоаси



«Академик вокал артисти» кафедраси ўқитувчи ва ўқувчилари



Дарс жараёни



«Муסיқий-назарий фанлар ўқитувчиси» кафедраси йиғилиши



«Музыкальный-теоретический факультет» кафедры преподаватели и ассистенты



«Торли чолгулар ижроچиси» кафедраси ўқитувчилари



Скрипкачилар ансамбли



Симфоник оркестр



Пуфлама ва зарбли чолгулар оркестри жамоаси



«Анъанавий ижрочилик» кафедраси ўқитувчилари



«Пуфлама ва зарбли чолгулар ижроچиси» кафедраси ўқитувчилари



«Анъанавий ижрочилик» кафедраси жўрнавонлари



Дуторчилар ансамбли



Анʼанавий чолгулар ансамбли



Раққосаларнинг машгулот жараёни



Рақс ансамбли




«Халқ рақси ижроچиси» кафедраси ўқитувчи ва журналистлари



«Дастгоҳли ранг-тасвир рассоми» кафедраси ўқитувчи ва ўқувчилари



Дарс жараёни



«Актёрлик санъати» кафедраси ўқитувчи ва ўқувчилари



«Актёрлик маҳорати» дарси



«Кўғирчоқ тайёрлаш технологияси» дарси



«Умумий фортепьяно» кафедраси ўқитувчилари




«Жўрнавозлар уюшмаси» аъзолари



«Умумтаълим ва ижтимоий фанлар» кафедраси ўқитувчилари



«Жисмоний тарбия» фани ўқитувчиси, таэквонднинг ITF йўналиши бўйича Жаҳон чемпионати совриндори, Халқаро мусобақалар голиби, бир неча бор Ўзбекистон чемпиони Жамиид Юсупов



Спорт залида машгулот



Барча ишлар бамаслаҳат амалга оширилади

ДИЛ ЭЪТИРОФЛАРИ

УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАРИМ МАСКАНИ

Тўхтасин Ботирович ҒОҒУРБЕКОВ,

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби,
санъатишунослик фанлари доктори, профессор, «Эл-юрт
хурмати» ордени соҳиби.*

Фароғатли она диёрим Фарғонада илк муסיкий таълим ўчоғи бундан қарийб бир аср аввал – Туркистон халқ консерваторияси бўлинмаси сифатида очилган. Юқори мавқедаги ҳақиқий профессионал муסיқа мактаби эса 1939 (қарангки, камина туғилган) йили ўз фаолиятини бошлаган. Кейинчалик бу мактаб беназир созандамиз Уста Олим Комилов номига сазовор бўлади.

Айнан шу мактабда ажойиб устозларим – Б.Е.Минин (махсус труба синфи), Ҳ.М.Махсумова (фортепьяно), Й.Э.Эргашев (муסיқа адабиётлари), Л.Т.Томбовцева (муסיкий-назарий фанлар) фидойиликларида мактабни 1957 йили битирдим. Лекин ўша кезлари Фарғонада муסיқа билим юрти бўлмагани боис, Тошкентга йўл олдим ва Ҳамза номидаги муסיқа билим юртида, сўнгра Тошкент давлат консерваториясида муסיқашуносликдек мураккаб касбни ўзлаштирдим.

Консерваториямизнинг доно ректорларидан Ҳамид Раҳимов менга (армия сафидан қайтганимда) мутахассислик синфини ишониб топширди. Бу жараёнда шогирдларим: Н.Иргашева («Из истории музыкального искусства и образования Ферганы», 1977), Б.Ёкубов («Ҳамид Олимжон ва муסיқа», 1984), М.Махмудова («Фарғона муסיқа таълими», 1992), Д.Орипова («Фаттоххон Мамадалиев», 1994), У.Мамажонов («Абдуҳошим Исмоилов», 2001) кабилар етишиб чикди. Мазкур шогирдларим ҳозирги кунда Фарғона санъат коллежида ўқитувчилик фаолиятларини юритмоқдалар.

Консерваторияда магистратура жорий этилганида Равшаной

Турсуновага Г.Генделнинг «Tamerlano (Амир Темура)» операси мавзусида (2007) илмий иш ёздирдим. 2007 йил эса Гулшаной Турсунова менинг рахбарлигимда «Карим Зокиров ва унинг сулоласи XX аср Ўзбекистон мусиқа маданияти кесимида» мавзусидаги илмий иши билан санъатшунослик фанлари номзоди илмий даражасига сазовор бўлди.

Ҳозирги кунда 60 йиллигини нишонлаётган, бу давр мобайнида атиги икки директор – Ҳ.М.Максумова (1957-1987) ва Ю.П.Ғофурбеков (1987 йилдан эътиборан) рахбарлигида, нафақат шаҳарда, балки бутун водийда кенг кўламли фаолият кўрсатаётган Фарғона санъат коллежи яқин келажакда (водийдаги) Ўзбекистон давлат консерваториясининг обрўли филиалига айланишини тилаб қоламан.

ҚУТЛУҒ САНЪАТ ДАРГОҲИ

Рустамбек АБДУЛЛАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори.

Мен ушбу санъат даргоҳида таълим олиб, битирувчи бўлмаган бўлсам ҳам, ўзимнинг илмий, амалий ва педагогик фаолиятим жараёнида XX асрнинг 70-йилларидан Фарғона санъат коллежи билан боғлиқ ҳолда илмий ишларни олиб борганман. Бу катта ашула, аския, мақомчилик санъати ёки умуман Фарғона водийси бўйича ўтказилган илмий ва фольклор экспедициялари, халқ ижоди йўналишлари бўйича кўрик-танловлар, илмий анжуманлар бўладими, ҳаминша коллеж рахбарияти ва ўқитувчилари билан учрашувлар, уларнинг ёрдами ва маслаҳатлари туфайли ишларимиз самарасини амалда кузатиш мумкин эди.

Ҳар гал коллеж битирувчиларининг давлат имтиҳонларини қабул қилиш учун Фарғонага келганимда Юсуфжон Ғофурбеков рахбарлигидаги аҳил жамоанинг ғамхўрлигини сезаман. Имтиҳонлар юқори даражада ва савияда бўлиб ўтиши коллеж

Ўқитувчиларининг юқори малакали мутахассис эканлиги, ўз ишларига пухта, талабчанлик ва меҳр-муҳаббат билан қарашлари, ҳар бир ўқувчига эътиборли, ўзига хослик имкониятларини очиб беришга интилишларини кўриб, мусиқа таълими ишлари ушбу масканда анча юксак даражага қўтарилганлиги гувоҳи бўламиз. Ҳавас қилиб айтиш мумкинки, ҳар бир кафедра ўқитувчилари ўз ихтисосликларига эътиборли, янгиликлардан хабардор, ўқувчиларга ғамхўр, истеъдодли шогирдларни кўриктанловларга тайёрлашда ўз вақт ва меҳнатларини аямайдиган инсонлардир. Бундай ҳамкорлик кўп йиллар мобайнида давом этиб келмоқда.

Мана, бир неча йиллар давомида Фарғона санъат коллежининг «Мусиқа назарияси» кафедраси битирувчилари менинг раҳбарлигимда мусиқашунослик ихтисослиги бўйича Ўзбекистон давлат консерваторияси бакалаврият ва магистратура босқичларида таълим олиб келмоқдалар. Улар Якубов Зоҳиджон (1-курс магистри), Мамазияев Хуршид ва Талабжонов Мақсуд (4-курс талабалари)лардир. Улар ҳозирда ўзларининг магистрлик ва малакавий илмий ишларини олиб бормоқдалар. Демак, Фарғона санъат коллежи билан боғлиқлик келгусида ҳам давом этади деган умиддаман.

Агар Ўзбекистон мусиқа маданияти тарихига мурожаат қилсак, XX аср бошида республикамызда касбий таълимга фаол қизиқиш, айниқса, мусиқага ўқиш-ўқитиш тартиб-усулларини ўзгартириш зарурати пайдо бўлди. Шу боис анъанавий ижрочилик маҳорати «Устоз-шогирд» мактаблари ўрнига ёзма анъаналарга таянган, омманинг академик билимларини шакллантириш борасида вужудга келган мусиқа ўқув юртлари ташкил этила бошланди. Дарвоқе, XX асрнинг 20-йиллари Тошкент ва бошқа йирик шаҳарларда жамоатчилик асосида «халқ консерваториялари» санъатга қизиқувчиларга мусикадан сабоқ бериш мақсадида ташкил этилган. Манбаларга кўра, Фарғона шаҳрида ҳам шундай ўқув муассасаси фаолият олиб борган ва кейинчалик Фарғона халқ консерваторияси негизида давлат мусиқа техникуми сифатида ташкил этилган.

Ҳозирги кунда ўзининг 60 йиллигини нишонлаётган Таваккал Қодиров номидаги Фарғона санъат коллежи Фарғона водийсида илк бор мусиқа таълими ўқув муассасаси – XX асрнинг 50-йиллари иккинчи ярмида мусиқа билим юрти бўлиб фаолият кўрсатиб келган. 90-йиллардан бошлаб билим юрти ўқув жараёнига бадий санъатнинг актёрлик ва тасвирий-амалий йўналишлари киритилиши муносабати билан унга санъат билим юрти (кейинчалик, коллеж) мақоми берилди.

Ушбу ўқув маскани ўтган давр мобайнида санъат ва маданият соҳаларига оид кўпгина юқори малакали мутахассисларни тайёрлаб берди. Улар орасида мусиқа таълимига ва ижрочилик санъати, театр ва бадий санъатга ўзининг салмоқли улушини қўшган етук анъанавий ва академик йўналишларидаги созанда-ю хонандалар, мусиқашунос-у композиторлар, дирижёрлар, рассомлар, актёрлар, ўқитувчилар – умуман, юқори малакали мутахассислар республикамизнинг маданият ва санъат муассасалари, олий ўқув юртларида, жумладан, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессор-ўқитувчилари таркибида кўп йиллар давомида самарали педагогик ва илмий фаолиятларини олиб бормоқдалар. Консерватория талабалари орасида ҳам коллеж битирувчилари салмоқли ўринни эгаллаб келмоқдалар. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси санъат арбоблари, халқ артистлари, халқ ҳофизлари, хизмат кўрсатган артист ва маданият ходимлари фахрий унвонларига, «Ниҳол» ва Зулфия номидаги давлат мукофотлари, фан докторлари ва номзодлари илмий даражаларига, профессор илмий унвонларига эга бўлган санъаткорлар, мусиқашунослар ва композиторлар етишиб чиққан.

Фарғона санъат коллежи ёш санъаткор кадрларни, санъат ва маданият соҳасига дахлдор педагог ва ижрочи касб-ҳунар эгалаларини тайёрлаш йўлида олиб бораётган фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда. Шуни қайд қилиш лозимки, миллий ва умуминсоний ўлмас анъаналарни, асрлар давомида бой миллий-маданий меросни асраб-авайлаш, бойитиш, уни келгуси авлодга етказиш коллеж раҳбарияти ва ўқитувчилар

жамоасининг устивор йўналишларидан бирига айланган. Санъат коллежининг асосий вазифаси ҳам ўқувчиларни юксак маънавиятли этиб тарбиялаш, уларга миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғуларини сингдира билиш, ўз касбининг моҳир устаси бўлган санъаткорларни, ижрочи ва мусиқашунос кадрларни етиштиришдан иборат. Бунинг далили, Фарғона водийсига хос лапар, ашула ва чолғу йўллари, катта ашула ва мақомчилик анъаналарига эътибор бериш, ўқувчиларни ушбу анъана ва ижро услублари ҳамда ўзига хос жиҳатларини эътиборга олган ҳолда, таълимни амалиёт билан узвий боғлиқ ҳолда олиб боришга эришаётганлиги ижобий самаралар бермоқда. Ўқув жараёнларининг ижтимоий фанлар, мусиқий-назарий ва мусиқий-тарихий билимларни, мутахассислик маҳоратини ошириш мақсадида амалиёт, концерт-ижрочилик, театр репертуарлари ва тасвирий санъат кўргазмалари билан мувофиқлаштирилган ҳолда олиб борилаётгани юксак натижаларга эришишга, коллеж битирувчиларининг олий ўқув юр்தларига қабул қилинишлари ҳамда таълим олишларига замин яратмоқда. Бинобарин, Фарғона шаҳрида концерт-ижрочилик фаоллиги бевосита санъат коллежи жамоаси хизмати билан ҳам боғлиқдир.

Ушбу кунларда Фарғона санъат коллежи олтмиш йиллик тўйини нишонламоқда. Бу даргоҳда таълим-тарбия кўрган ҳар бир санъаткорни, ўқув масканининг ўқувчи ва ўқитувчиларини ҳамда бутун жамоани шахсан ўз номимдан муборакбод этаман, янгидан-янги зафарлар тилайман.

ФАРҒОНА САНЪАТИНИНГ ИЛМ БУЛОҒИ

Каримжон АЗИМОВ,

Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори.

Аввало, ўзим номимдан Фарғона санъат коллежи раҳбариятига, қолаверса, ўқитувчи ва барча ходимларига коллежнинг 60 йиллик юбилейи муносабати билан чин кўнгилдан табрик

изхор этаман. Қирк йилдан буён Фарғона санъат коллежи билан таълим жараёни кесимида яқиндан ҳамкорлик қилиб келаман. Коллежнинг фахрий устозлари, шунингдек, ҳозирда иш олиб бораётган ўқитувчи ходимлар билан мулоқотда бўлиш менга хузур бағишлайди. Уларнинг айримлари билан бевосита ўқиш жараёнида бирга ўқидик ёки устоз-шогирдлик амалларини ўтадик. Сизнинг ўқув юртингизни тамомлаб, ҳозирда Ўзбекистон санъатини кўкларга кўтариб келаётган санъаткорларнинг саноғи йўқ. Биргалашиб хизмат қилган йилларимизда билим юртингизда ташкил этилган барча тадбирлар ўзининг юқори савияда эканлиги билан менда катта таассурот қолдирган.

Жамоангиздаги яна бир ижобий жиҳат шуки, сизлар барча соҳаларда аҳилдирсиз. Ҳакима опа Машариповна (Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин) 30 йил раҳбарлик қилган бўлсалар, мана, ҳозирда раҳбарлик қилаётган Юсуфжон Пўлатович ҳам шунча йил раҳбарлик қилиб келаётирлар. Бу эса жамоанинг аҳиллиги, раҳбарнинг одиллиги ва мутасаддилигининг ёрқин далилидир. Бундай кўрсаткич бошқа бирор ўқув юртида йўқ.

Сизнинг таълим масканингизда илм сирларини ўзлаштирган бастакорлар, хонанда-созандалар, рассомлар-у раққосалар ва барча санъат аҳли халқимиз хизматида бўлиб, албатта, азиз устозларга доим таъзимда бўладилар деган умиддаман. Мен ҳам уларга қўшилган ҳолда, сиз – азиз ҳамкасбларимга соғлиқ-омонлик, тинчлик-тотувлик ва ишларингизда катта муваффақиятлар тилаб қоламан. Яна бир бор байрамингиз муборак бўлсин!

ЗИЁ МАСКАНИ

Соибжон БЕГМАТОВ,
Ўзбекистон давлат консерваторияси «Муסיқий шарқшунослик» кафедраси мудири, профессор.

Санъаткорлик ўзи, аслида, касб эмас. Дунёдаги ҳар бир инсон санъаткор бўлишга ҳақли. Ҳар бир инсоннинг ўз характери, оҳанги, усули, образи, ўрни, услуби мавжуд – шунинг ўзи

санъатдир. Лекин санъаткорнинг санъат даражасига эришиши учун албатта устозлар сабоғи, илм, ижрочилар маҳорати ва билимдонларнинг раҳнамолиги зарур бўлиши бегумондир. Жонажон юртимизнинг ҳар бир вилоят марказларида мусиқа санъати бўйича профессионал мутахассислар тарбиялайдиган санъат масканлари мавжуд. Улар номи тилга олинганида, энг аввало, билим даргоҳи кўз ўнгимизга келади, сўнгра устозлари, дўстлар ва улар билар билан бўлган онлар ёдга тушади. Ушбу даргоҳга ташрифларингиз ҳаёлингизга терилади. Энг муҳими, сизда эслаш учун арзигулик онларнинг мавжудлигидир.

Республикамиздаги мавжуд мусиқа санъати масканларининг ҳар бири гарчанд локал зоналарда қарор топган бўлса-да, ўз миллий мусиқа санъати билан бир қаторда, профессионал мусиқа санъатининг барча йўналишларини қамраб олганлиги билан қадрлидир. Ўқув даргоҳлари ўз фаолияти ва устозларининг нуфузи, маҳсулотининг самарадорлигини намоён этиб келганлар. Бу борада Фарғона санъат коллежи жамоасининг фаолияти, республикамиз санъатига, маънавияти ривожига қўшаётган ҳиссаси тарих зарварақларига битилган ҳамда барчага маълумдир.

Зиё масканлари азалдан инсон камолоти учун, миллат келажаги учун хизмат қилиб келган. Фарғона санъат коллежи ҳам йиллар давомида республикамизда ўзининг мутахассислари билан, тарбияланган етук санъаткорлари билан, педагог кадрларининг нуфузи билан донг таратиб келаётган ўзига хос зиё масканларидан биридир. Унинг кўплаб ўзига хослик жиҳатларининг бир жабҳаси бошқарувга тааллуқлидир. Шунча йил давомида фақат иккита раҳбар раҳнамолик қилиб келаётганлигидир. Бунинг ҳам ҳикмати ўзи билан.

Ҳакима Машариповна Максумова ва Юсуф Пўлатович Ғофурбековларнинг жамоани бошқарган даврларида ушбу даргоҳга бориш, ижодий ҳамкорлик қилиш менга ҳам кўп маротаба насиб этганлигини ҳамиша ғурур билан эсга оламан. Ҳар бир ташриф, шубҳасиз, ўзининг самарасини берганлигини эътироф этишим лозим. Чунки ҳар бир ташриф гўзал, ширин

дийдордан бошланиб, ҳайратли учрашувлар, жозибали локал ижролар, самарали лойиҳалар ҳамда уларнинг хайрли бўлиши ва ижобий яқунлари билан поёнига етганлигини мамнуният билан айта оламан. Уларнинг барчасини эслаш иложсиз, лекин айримларини эслаб ўтиш ўринли бўлса керак.

Ўзбекистон давлат консерваторияси бир қатор лойиҳаларда коллежлар ва академик лицейлар билан ҳамкорлик қилиб келади. Бу борада «Муסיкий шарқшунослик» кафедрасининг ҳам кўп сонли ишларидан бири – талабаларни мустақил фаолиятга тайёрлашдан иборатдир. Кафедра хусусиятидан келиб чиқиб, халқ муסיқа ижодиётини ўрганиш бобида фольклор экспедициялари ташкил этиб келинади. Бу эса талабаларга бевосита халқ билан мулоқот, улар ижодини ўрганиш, муסיкий намуналарни ёзиб олиб ноталаштириш ва жойларнинг муסיкий муҳитини ўрганиш билан боғлиқдир. Фарғона водийсини ўрганиш лозим бўлган туманлари, фольклор намуналари ва албатта халқ ижодиёти намуналари талайгина. Ана шундай мақсад билан консерватория устозлари ва талабалари Фарғона санъат коллежига бир неча бор мурожаат этган. Шахсан коллеж раҳбари Юсуф ака Ғофурбеков ҳамда ўқитувчи Абдурахмон ака Рўзибоевлар билан биргаликда Фарғонанинг Аввал, Лоғон, Қува, Қувасой, Арсиф, Водил, Риштон, Сўх туманларида фольклор-этнографик экспедициялар ўтказишга муяссар бўлинган. Ижодий ҳамкорлик натижаларида Арсиф ва Авваллик катта ашулачилар, Қува ва Қувасой, Лоғон ва Водиллик яллачилар, Сўх ва бошқа туманлар маросим муסיқа меросларини ўрганиб, ёзиб олишга эришилди. Халқ намояндалари орасидан бетакрор овоз соҳиблари, табиий халқ муסיқа намуналари, удумлар билан боғлиқ маросим қўшиқлари топилди. Таассуротларнинг чеки йўқ, олинган экспедиция материаллари талабаларнинг илмий ишларида ўз аксини топди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг таълим бошқармаси томонидан ўқитувчиларга «методик ёрдам бериш» рукнида йилда бир неча бор жойларда тадбирлар ташкил этиб келинган. Шулардан бири 1996 йили Фарғона санъат коллежида бўлиб ўтди. Тадбир ўз режаси доирасида кўзланган ишларини ўтказгандан

сўнг, коллеж ижодий жамоаси водийга хос бўлган мусикий намуналардан бири «Танавор»ларнинг ижодий кечасини ташкил этди. Очиғини айтсам, «танавор»лар хусусида кўп ишлаганман, кўп хонандалар услубларидаги ижроларини эшитиб, нотага ҳам олганман. Лекин коллеж ижодий жамоасининг туркум сифатида бадиийлашган ҳолатдаги тайёрлаган композициясида (ўша даврда) ўзгача оригиналлик бор эди. Коллеж ўқитувчи-ижрочиларининг анъанани яхши идрок этгани, Фарғона локал хусусиятида аниқ ижро этгани ва уни замон руҳида янгича муносабатлар билан талқин этишга эришганида ўзгача маъно бор эди. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги ижросида ҳақиқий танаворлар жонлангандек эди. Мусикий меросга янгича муносабат асарларнинг ўрганилмаган қирраларини очишга ёрдам беради. Шундан сўнг амалиётда ҳам «Танавор»ларга бўлган қизиқиш ортди, бир қатор рисоалар битилди. Коллежда ўтган «Танаворлар кечаси» бунга бир сабаб бўлиб қолди.

Дарҳақиқат, Фарғона мусиқа даргоҳининг фидойи ўқитувчилари катта салоҳиятга эга эканлигига шубҳа йўқ. Аксинча, жамоада фаолият олиб бораётган етакчи ўқитувчилар ўз касбининг устаси, ҳар томонлама илмий ва амалий билим соҳиблари эканликлари ушбу даргоҳ нуфузида яққол намоён бўлади. Республикамизда Фарғона санъат коллежида сабоқ олиб, маданият ва санъат соҳасида самарали фаолият олиб бораётганлар сонини аниқлаб бўлмайди. Лекин бир нарсани мусиқашунослик нуқтаи назаридан аниқ айтиш мумкин. Бу ҳам бўлса – санъатда илғор, ибрат ва намуна даражасига эришиш.

Санъатимиз буюк, унинг буюклигини кўрсатадиган санъаткордир. Буюклик – ана шу ижро маҳорат билан, ижронинг илм билан суғорилганлиги, ижронинг билимлилиги ҳамда анъана ва замоннинг уйғунлиги билан изоҳланади. Буни фақат кўриб, тинглаб, англаб аниқлаш тўғри қарор бўлиши муқаррар. Коллежни ҳозирги давримизда ана шундай фаолиятга муяссар бўла олган забардаст созанда ва хонандаларни тарбиялаган даргоҳ сифатида ҳам эътироф этиш, менимча, тўғри бўлади. Чунки Абдуҳошим Исмоилов ижоди ва ижро услуби, Абдулаҳад

Абдурашидовнинг талқини, Абдурахмон Холтожиевнинг чолғу ва унинг ижрочилиги камолидаги ўрни айтган фикрларимиз далили бўла олиши бегумондир. Уларни замонамизнинг ибратли санъаткорлари дейишга ҳақлимиз.

Коллеж бундай мутахассислардан беҳисоб даражада тарбиялаган, улар халқимиз маънавий дунёсини бойитиш ва ривожлантириш йўлида хизмат қилиб келмоқдалар. Бу жараёндаги энг муҳим мезон ижодий жамоа ва уларнинг фаолиятидир. Шогирд – талаба, созанда ёки хонанда амалиётни ўзлаштира ва бу билим назарий жиҳатдан мустаҳкамланса, шунга мос натижа учун асос бўлади, иштиёқ уйғонади, куч топилади ва мақсадга эришилади. Мазкур коллеж жамоасидаги бу хислатлар уйғунлиги, ниҳоятда гўзал эканлиги жамоа фаолиятидан ва тарбияланувчиларнинг санъатидан намоёндр.

Фарғона санъат коллежида тарбия олиб консерваторияга келган ҳар бир талабанинг муқобил билимга эга эканлиги уларнинг ижросида ва билимида мужассамдир. Айниқса, назарий фанларга эътибор ҳурматли Саломат Икрамовна Муллажанова, Бахтиёр Раҳимович Ёкубов бошлиқ барча мусиқашунос-назариячиларнинг хизматиандир ва уларни алоҳида эътироф этиш лозимдир. Улар етиштирган ёш мусиқашунослар келажак мусиқа илмида ўзларини намоён этишлари муқаррар.

Фарғона санъат коллежини, бир сўз билан айтганда, ҳақиқий зиё маскани десам адашмаган бўламан. Ушбу маскан ютуқлари том-том рисолаларга жо бўлиши бегумон. Жонли жараёнда эса бундан халқимиз баҳраманддир. Фарғона санъат коллежининг ижодий жамоаси, педагог-ўқитувчиларининг меҳнатини қадрлаб эътироф этган ҳолда, муборак 60 йиллик фаолият муборак бўлсин дейман. Сизларга энг эзгу ниятларни билдириб қоламан.

ҲАМИША ТАЪЗИМДАМАН

Абдуҳошим ИСМОИЛОВ,

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари халқ артисти, «Буюк хизматлари учун» ордени нишондори.

Инсоннинг энг унутилмас дамлари ёшлиқда ўтказган умр лаҳзалари билан ўлчанар экан. Мен ҳам ўша Фарғона санъат билим юртида таҳсил олган йилларимни, устозларга бўлган хурматим, эҳтиромимни юракдан ҳис қилган ҳолда мамнуният билан эслайман. Агар дастлабки мусиқа сабоқларини ўша улуғ масканда олмаганимда, бунчалик халқ эътирофига сазовор санъаткор бўлишим амри маҳол эди, деб ўйлайман.

Санъаткорлар макони бўлмиш кўҳна ва қадимий Кува туманининг Чаман қишлоғида таваллуд топганман. Уста Жума бобом водийда таниқли ғижжакчи бўлганлар. 105 ёшида вафот этган. Исмоил отам эса боғлар яратган деҳқон эди. Оиламиздагилар ҳамиша қўшиқ ҳиргойи қилиб юрардилар. Фаҳринисо онам қўшиқ айтишни яхши кўрар, ота касбини улуғлаб, маҳалла аёллари йиғинларида чилдирма чалиб, қўшиқ айтарди. Онам 90 ёшдан ўтиб вафот этган. Омонжон тоғам, Шаробиддин акамлар ҳам етук санъаткор эдилар. Уйимизга Таваккал Қодиров, Исроилжон Усмонов, Ёқубжон Ҳошимов, Абдусалом Умаров, Ўринбой Ортиқов сингари устоз санъаткорлар тез-тез келишиб, бобом билан узоқ суҳбат қуришар, созлар чалиб ашулалар айтишарди.

Болалигимдан бобом чалган ғижжак созига маҳлиё бўлиб ўтирардим. Бу чолғу созига бўлган ҳавас кейинчалик юрагим тўридан жой олди ва бу соз билан жиддий шуғуллана бошладим.

Шаробиддин акам Фарғона санъат билим юртида ўқиб юрган пайтларида унга эргашиб шу даргоҳга тез-тез келиб, бу ердаги устозларнинг дарс ўтишларини, бир-бирларига бўлган хурматларини болалик нигоҳи билан кузатар эдим. Натижада, шу ерда ўқиш ниятимни амалга оширган ҳолда 1967 йилда бу қутлуғ даргоҳга ўқишга кириш бахтига муяссар бўлдим. Билим

юртида устозим Омонжон Абдулҳакимовдан ғижжак синфида таҳсил олдим. Бастакор ва созанда Муҳаммадсидиқ Мадалиевдан халқ анъанавий мусикий ижроларини ва бастакорлик сирларини ўргандим. Директоримиз Ҳакимаҳон Машариповна Максумованинг меҳр нуридан барчамиз баҳраманд бўлганмиз. Раҳмиддин Қипчоқов, Саиджон Дадажонов, Мухторжон Каримов, Саломатхон Муллажонова, Абдувоҳид Мажидовларнинг берган сабоқларини унутиш мумкинми?!

Билим юртини битириб, Тошкент шаҳридаги Ички ишлар қўшинлари ҳарбий гарнизони қошида тузилган Икромжон Бўронов раҳбарлигидаги ансамблда хизмат қилганимда ҳам бу сабоқлар менга жуда қўл келди. Айниқса, ҳарбий хизматдан сўнг, 1975 йили Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси «Шарқ мусиқаси» кафедрасида ўқиган давримда ҳам Фарғона санъат билим юртида олган билимларим асосий манба бўлиб хизмат қилди. Бу даргоҳда Фаҳриддин Содиков, Маҳмуджон Муҳаммедов, Ориф Алимахсумов, Турғун Алиматов каби улуғ устозлардан олган билимларимга омукта бўлиб, мени катта санъат йўлига олиб чиқди деб ишонч билан айта оламан.

Ғижжак сози ноёб бўлиб, тарихий жараёнларда улуғ санъаткорлар бу соз таърифида шуҳрат қозонганлар. Замонамизнинг Комилжон Жабборов, Ғанижон Тошматов, Гуломжон Ҳожиқулов сигари улуғ устозлари ғижжакда ўзларининг алоҳида ижрочилик мактабларини яратганлар. Биз ҳам ана шу устозларга эргашиб, баҳоли қудрат ижод қилиб келмоқдамиз.

Санъатда, ижодда қанчалик муваффақиятларга эришган бўлсам, бунинг замирида, ўша дастлабки Фарғона санъат билим юртида олган сабоқларимнинг мевалари деб биламан. Шунинг учун бу кутлуғ даргоҳга, менга таълим берган пири устозларимга ҳамиша таъзимдаман.

ҚАЛБИМ ТЎРИДАГИ МАСКАН

*Абдулаҳад АБДУРАШИДОВ,
Ўзбекистон халқ артисти.*

1956 йилнинг 11 июнида Марғилон шаҳрида таваллуд топганман. Отам – Абдулҳамид Абдурашидов китоб савдо дўконида иш юритган. Санъатга иштиёқи кучли, мусиқа шинавандаси бўлганлари боис, гоҳида ашула ҳиргойи қилиб, доира чертиб, дутор чалиб турардилар. Онам – Саломатхон Умурзақова уй бекаси эдилар. Онам ҳам санъатга бефарқ эмасди. Шу туфайлими, менда санъатга бўлган қизиқиш 5 ёшдан уйғонган.

1963 йили Марғилон шаҳридаги 14-ўрта мактабга ўқишга кирдим. 8-синфни тамомлагач, Фарғона санъат билим юртига қабул қилиндим. Ўқишга киришдан аввал, Марғилон шаҳар Ипакчилар клуби қошидаги «Дўстлик» болалар ансамблида доира сирларини ўзлаштиргандим. Шу соҳа бўйича ўқишга кирдим, аммо у ерда доира чолғу сози бўйича устоз йўқлиги туфайли, най сози бўйича ўқиш таклифини олдим. Икки ойдан сўнг отамнинг рухсати ва дуоларини олиб, най соҳаси бўйича ўқишга қарор қилдим. Сўнггра най созига бўлган ҳурматим ва қизиқишим янада ошди, мазкур чолғу сир-асрорларини янада тез ўзлаштира бошладим. Тўрт ойдан сўнг шу билим юрти ансамблида асосий найчи сифатида танила бошладим. Устозим Муҳаммаджон Қосимов бу юксалишимни кўриб фахрлана бошлади, мен эса бундан илҳомланиб янада олға кадам босгим келди.

Бунинг яна бир сабаби бор. Ёшлик чоғларимда ҳунар ўзлаштириш истагида темирчилик соҳасини ўргангандим. Ўша пайтлар бувим яхши темирчи бўлиш учун Худодан сўраган ҳолда, сандонни ўпиб қўйиш керак, деб уқтирардилар. Сандоннинг қизиб турганини ёддан чиқариб, уни ўпдим ва шу заҳотиёқ лабларим шишиб кетди. Шу ҳодиса туфайли Оллоҳ най чалиш учун менга йўл очиб бериб, шу қобилиятни юқтирган деб ўйладим.

1975 йил Ўзбекистон давлат консерваториясининг най синфида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган профессор Мирза Тоиров қўл остида таълим олдим. 1981 йил консерваторияни битиргач, ҳарбий хизматни ўтадим. 1983 йилдан бошлаб бу кунга қадар мақом ансамблида фаолият олиб бормоқдаман. 1995 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», 2000 йилда «Ўзбекистон халқ артисти» унвонларига, 2013 йилда эса «Фидокорона хизматлари учун» орденига сазовор бўлдим. 30 дан ортиқ хорижий давлатларда бўлиб, бир неча танловлар лауреати бўлдим.

Биз таълим олган пайтда Фарғона санъат билим юрти Ўзбекистондаги энг пешқадам билим юртларидан ҳисобланарди. Аввало, билим юртининг раҳбари Ҳакима Машариповна Максумова ўз ишининг устаси ва талабчан раҳбар бўлганлиги туфайли ўқув даргоҳи шу мавқега эга бўлган. Билим юртида барча ўқитувчи ва устозлар ҳам шу йўсинда иш олиб борганлиги боис, нафақат Ўзбекистон, балки қўшни давлатларга ҳам таниқли санъаткорлар етишиб чиққан. Бу анъана бугун ҳам давом этмоқда.

Билим юртининг ютуқларига ҳисса қўшган ва қўшиб келаётган устозлар – Р.Қипчақов, М.Дадажонов, М.Каримов, С.Муллажонова, О.Мусабоев, М.Қосимов, А.Мажидов, Х.Ёқубов ва М.Мадалиевлар етук мутахассислардир. Бу инсонлар сабр ва меҳр билан ўз билим-кўникмаларини ёшларга улашдилар. Ҳозирги кунда Фарғона санъат коллежида сабоқ бераётган санъаткор ўқитувчиларга ҳам шу йўлдан боришларини талаб қоламан.

Ўз вақтида ушбу санъат билим юртини битириб чиққан Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров, Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдурахмон Холтожиев ва яна кўплаб элимиз суйган, ардоқлаб келаётган санъаткорлар эришган марралар, ютуқлар билим юртининг нуфузли ва обрўли масканлардан бири эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Мен шу билим юртида таҳсил олганимдан жуда-жуда фахрланаман.

ЭНГ ГЎЗАЛ ДАМЛАР...

Зокиржон ШОКИРОВ,

*Қирғизистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат
арбоби, Ўш вилояти Бобур номидаги ўзбек академик мусиқали
драма театри бош дирижёри.*

Менинг ҳаётим болалигимданоқ мусиқа санъати билан боғлиқ эди. Отам ҳам, онам ҳам санъаткор бўлиб, Ўш шаҳрининг мусиқали драма театрида меҳнат қилардилар. Отам Зиёмиддин Шокиров бу санъат қошонасида мусиқа раҳбари ва дирижёр эди. Шунинг учун бўлса керак, мусиқачи ва дирижёр бўлиш менинг ҳам келажакдаги орзуйимга айланган.

Фарғона шаҳрида мусиқа билим юрти очилганини эшитиб, отамнинг дуосини олиб, дарҳол бу илм даргоҳига йўл олдим. Бу ерга келганимда билим юртига кириш имтиҳонлари ўтиб кетган экан. Ҳеч ёдимдан чиқмайди, билим юртининг меҳрибон ва ширинсўз директори Ҳакима Машариповна Максумова келаси йилга келишим кераклигини қанчалар тушунтиришга уринмасин, мен қайтиб кета олмаслигимни таъкидлашдан чарчамасдим. Шунда билим юрти раҳбарияти ўзаро маслаҳатлашиб, ўзим танлаган чолғу, яъни рубоб мутахассислиги бўйича ўқишимга рухсат бердилар.

Дарҳақиқат, ўша даврлардаёқ бу таълим масканининг доверуғи нафақат республикада, балки қўшни давлатларда ҳам машҳур эди. Чунки бу ерда аъло даражадаги мутахассислар фаолият олиб борарди. Шулар жумласидан бўлган Раҳмиддин Қипчақов синфида таҳсил олишга муяссар бўлдим. Бундан ташқари, В.Антипов, Р.Ниёзов каби ўз касбининг фидойилари бизга сидкидилдан билим берганлар. Айниқса, устозим Раҳмиддин ака менга сабоқ бериш билан бирга, ўз фарзандидек муносабатда бўлгани зинҳор ёдимдан чиқмайди. Улар мени ва мен каби мусофир талабаларни кўп маротаба уйларига таклиф қилиб, меҳмон қилганлар. Бу буюк устозларнинг шу каби чин инсоний фазилатларини таърифласак, катта бир китоб бўлиши мумкин...

Айтиш жоизки, мусиқа билим юртида олган билимларим

менга ҳозирги кунгача асосий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Гарчанд, биз ўқиган 1961-1964 йилларда 8 хонадан иборат бир қаватли ўқув биносида ҳозирги пайтдагидек шарт-шароит бўлмаса-да, менда билим олишга бўлган иштиёқ сўнмаган. Аксинча, ўқиш билан бирга, Фарғона давлат мусикали драма театрида жўрनावоз созанда сифатида ҳам ишлаганман. Бу ерда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Деҳқон Жалилов кўл остида билим юртида олаётган билимларимни мустаҳкамлаб, дирижёрлик сирларини янада пухта эгаллашга интилдим.

Ҳаётимда эришган барча ютуқларимни мана шу санъат маскани билан боғлайман. Менга таълим берган устозларимга чин дилимдан миннатдорчилик билдираман ва уларнинг ўғитларини доимо ёдимда сақлайман, шогирдларимга ҳам етказишга интиламан.

Ҳозирги кунда ўзининг 60 йиллик таваллудини нишонлаётган Фарғона санъат коллежи жамоаси барча қулайликларга эга янги бинода ишлаётгани, ўқувчилари таълим-тарбия олаётганини кўриб кўзим қувонди ва дилим яйради. Ўйлайманки, бу санъат даргоҳининг келажаги Ўзбекистон келажаги каби янада порлоқдир. Коллежнинг бугунги байрами билан жамоани, ўқувчиларни ва барча фарғоналик санъаткорларни чин юрагимдан муборакбод этаман.

СОФ ОРЗУЛАР ОШЁНИ

*Эркинжон РЎЗИМАТОВ,
Ўзбекистон халқ ҳофизи.*

Санъат бўстониға қадам қўяётган ҳар бир ёшда мусика мактабида савод чиқариб, санъат коллежи ва ундан сўнг санъат олийгоҳларига кираман, деган болаларча завқу-шавқ ва соф ният бўлади. Мен ҳам ана шундай ният ва орзулар оғушида 1976 йили ўша пайт атамасига биноан Фарғона мусика билим юртига ўқишга қабул қилиндим. Бу даргоҳда тўрт йил ғижжак сози мутахассислиги бўйича таҳсил олдим. Мазкур мутахассислик

бўйича Ортиғали Турсунов қўлида сабоқ олдим. Устозимнинг охиратлари обод бўлсин.

Мусиқа билим юртига ўқишга кирмасимдан аввал тўғаракларда, мусиқа мактабида доира ва рубоб мутахассисликлари бўйича ўқиганман. Ёғжжак сочи бу созлардан анча фарқ қилади, шунинг учун устоз аста-секинлик билан ўргата бошлади. Доира созига қизиқишим баланд бўлгани сабаб, мусиқа билим юртида ташкил этилган ансамбль ва оркестрларда доира чалардим. Яна шуни айтиб ўтишим ҳам жоизки, ўша пайтлари ажойиб меҳрибон устоз Раҳмиддин Қипчақовдан доира чалиш сирларини ўрганардим. Бундан устозим Ортиғали Турсуновнинг жаҳллари чиққанди. Чунки доира билан ёғжжак бир-бирига зид созлар бўлиб, доира чалганда қўллар қадоқ бўлар, эгилувчанлик хусусиятини йўқотарди. Ёғжжак созини чалиш учун эса, аксинча, қўллардан тортиб бармоқларгача майин ва юмшоқ бўлиши керак. Лекин мен иккала созни ҳам имкон қадар ўрганардим.

Курсимиздаги 14 нафар ўқувчи турли созлар бўйича таҳсил олганмиз. Биз жуда аҳил ва иноқ эдик. Бизнинг курсни бошқа курсдагилар ва устозлар ҳам хурмат қилишарди.

Мусиқа билим юртида билим бераётган барча устозлар талабчан, маҳоратли, билимли ҳамда меҳрибон эдилар. Шу жумладан, Ҳакимаҳон Максумова, Раҳмиддин Қипчақов, Мухторжон Каримов, Абдувоҳид Мажидов, Ортиғали Турсунов, Саломатхон Муллажонов, Юсуфбек Ғофурбеков ва бошқа устозлар номини алоҳида хурмат-эҳтиром билан тилга оламан.

Ҳақиқий талабалик нималигини ва санъат соҳасининг нақадар улуғлигини, келажакда бу касбнинг мазмун-моҳиятини ҳис қилишни, устозларнинг талаба учун ўрни бекиёслигини ва устозларни улуғлашни шу муқаддас даргоҳда ўрганганман.

Мустақиллик шарофати билан миллий санъатимизга шу қадар эътибор берилдики, бунинг натижаси ўлароқ, мусиқа мактабларида, санъат коллежи ҳамда лицейларда, санъат олийгоҳларида «Анъанавий ижрочилик» бўлимлари очилиши миллатимиз бойлиги бўлмиш мақом ижрочилигини, халқ ва мумтоз устозлар ижодига мансуб асарларни ёш авлодга ўргатиб,

келажакда етук хонанда ва созандалар тайёрлашда устозларнинг ўрни бекиёс бўлиб келмоқда.

Шундай даргоҳда таҳсил олиб, у ердаги устозларнинг дуолари билан, берган билимлари сабаб, ҳозирги кунда Ўзбекистон давлат консерваторияси «Анъанавий ижрочилик» кафедраси катта ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ ҳофизи даражасига етиб, давлатимиз, халқимиз хизматида эканимга шукроналар айтаман. Мен бу улуғ даргоҳда ўқиганимдан фахрланаман ва устозларимга миннатдорчилигимни изҳор этаман. Фарғона санъат коллежининг 60 йиллик юбилеи муносабати билан қутлаб, ҳозирги кунда ушбу даргоҳда фаолият олиб бораётган устозларга келажакдаги ишларида омад ва зафарлар тилаб қоламан.

ДОИМО АРДОҒИМДА

Гулсанам МАМАЗОИТОВА,

*Ўзбекистон халқ артисти, «Ниҳол» Давлат мукофоти
совриндори.*

Муסיқа санъати болалигимдан ҳаётимнинг ажралмас қисми бўлиб, унингсиз келажакимни тасаввур эта олмасдим. Албатта, бунинг сабаби, энг аввало, оиламиздаги маданий-муסיқий муҳитдир. Хонандаликнинг анъанавий йўналишида таълим олиш мақсадида 1995 йилда Фарғона санъат билим юртига ўқишга кирдим. Тажрибали устозлардан сабоқ олиб, барча талабалар қатори келажакда етук санъаткор бўлиб етишишни ният қилдим. Марҳум устозлардан Ўрмонали Муродов ва Шарофиддин Исмоиловлардан ансамбль хонандалигидан дарс олган бўлсам, мутахассисликдан Тоҳиржон ака Қаҳҳоров, Хуршида опа Қаҳҳорова, Баҳриддин Шаропов каби устозлардан нафақат асл санъат сирларини, балки санъаткорга хос маданият ҳамда унинг одобидан ҳам сабоқ олдим.

1998 йилда ўтказилган Юнус Ражабий номидаги V «Мақом

ижрочилари» республика кўрик-танловида катнашиб, 2-ўринни олдим. 1999 йилда Хоразмда бўлиб ўтган 1-республика «Мумтоз мусиқа» фестивали голиби бўлдим. Ушбу даргоҳ жамики ютуқларим, унвон ва мукофотларим учун замин бўлди.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзининг 60 йиллигини нишонланаётган Фарғона санъат коллежининг барча ходимларига энг эзгу ниятларимни ва азиз устозларимга ўз миннатдорчилигимни изҳор этаман.

ПОЖЕЛАНИЯ

Анвар ЭРГАШЕВ,

*Заслуженный деятель искусств Узбекистана, лауреат
Государственной премии первой степени, композитор и
дирижёр.*

Ферганский колледж искусств, отмечающий своё 60-летие – это прекрасное событие в культурной жизни города Ферганы и повод осмыслить и гордиться тем, что у нас есть такой храм по воспитанию молодёжи.

Сформированный ферганской «Могучей кучкой» первый преподавательский состав энтузиастов-романтиков в лице: Х.М.Максумовой (директор), Л.Р.Кростелёва (завуч и преподаватель по хоровому дирижированию), Ю.Э.Эргашев (преподаватель по музыкальной литературе, теории и духовых инструментов), А.Е.Попенченко (преподаватель по фортепьяно), Л.Т.Тамбовцева (преподаватель по сольфеджио), Г.И.Непорядкин (преподаватель по рубабу), В.М.Антипов (преподаватель по народным инструментам), П.С.Нежин (преподаватель по вокалу) и других, положили начало своим самоотверженным трудом обучение молодого поколения азам музыкальной технологии, и вхождения его в мир мирового классического музыкального искусства.

С течением времени сформировался творческий облик

нашего музыкального училища, а именно, его душа, дух интеллигентности и ферганского аристократизма характерный для нашего заведения, определяющий его уважение со стороны музыкальной общественности республики.

Окреп и пополнился педагогический коллектив яркими и талантливыми педагогами.

Выпускниками нашего колледжа можно с уверенностью гордиться – это, и преподавательский состав многочисленных музыкальных школ по Ферганской области, да и по всему Узбекистану, и лучшие музыканты нашей Родины, представляющие наше искусство на международных форумах, правительственных концертах в Узбекистане, так и за рубежом. Нет такого человека в Узбекистане который бы не знал, любил и восхищался пением вот уже несколько десятилетий Великого хофиза Таваккала Кадырова, нашего выпускника. С экранов телевизора не сходят выступления наших ферганцев – народных и заслуженных артистов Республики Абдухашима Исмаилова, Абдулахата Абдурашидова, Гульсанам Мамазайтовой, Абдурахмана Холтожиева, Хайдара Касимова, Аваза Мансурова и многих, многих других.

Очень хочется выразить глубокую благодарность и любовь к моим учителям Тамаре Ивановне Орловой, Инне Георгиевне Вышловой, у которых я учился по классу фортепьяно в музыкальной школе, а затем в музыкальном училище, и всем преподавателям других дисциплин давших мне путёвку в трудовую и творческую деятельность, с которой я иду по жизни.

От всей души хочу поздравить Ферганский колледж искусств, его преподавательский состав во главе с Юсуфом Пулатовичем Гафурбековым с юбилеем и пожелать огромных успехов в деле воспитания молодого поколения на благо процветания нашей любимой Родины!

ТАБРИК

Аваз МАНСУРОВ,

*Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори, Ўзбекистон
Бастакорлар уюшмаси раиси ўринбосари, композитор.*

1973-1977 йилларда мен таҳсил олган қадрдон коллежим меҳнат жамоаси, мана, 60 йилдирки, Ўзбекистон маданияти ривожига кадрлар тайёрлаш борасидаги масъулиятли вазифаларни юксак даражада бажариш билан юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бугунги коллеж ва жамоасининг 60 йиллик тўйи – навбатдаги сарҳисобларнинг биридир.

Кўплаб мамлакатларда шу даргоҳни тамомлаб, санъат ва фан тараққиётига хизмат қилаётган бастакору-у дирижёрлар, мусиқашунос олимлар, созанда-ю хонандалар, раққоса-ю рассомлар мавжуд. Улар орасида номлари унвонларга айланган арбоблар, буюк инсонлар ҳам кўп! Ана шундай даргоҳда меҳрибон, узоқни кўзлаган устозлардан билим олиб, мартабали ижодкорга айланганимни ҳамиша ғурур билан тилга оламан.

Азизлар! Сизларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, ҳамжиҳатликда янада юксакларни кўзлаб фаолият олиб боришингизни, шогирдлар тайёрлашдек эзгу ишларда, Ватанимиз равнақи йўлида ҳормай-толмай хизмат қилиб, янада эъзозланишингизни, кадрланишингизни тилаймиз!



КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Давлат МУЛЛАЖОНОВ,

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг
маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори,
санъатшунослик фанлари номзоди.*

Ҳар бир инсон учун Яратгандан ато қилинган инъомлар орасида энг ноёби – хотира бўлса, ажаб эмас. Чунки инсон умри давомида кечган барча воқеалар ана шу хотирага муҳрланади ва ўқтин-ўқтин унга мурожаат қилинади. Мана, ҳозир менинг ҳам хотира дафтарим саҳифаларини варақлашимга кадри юксак таълим маскани – Фарғона санъат коллежининг 60 ёшга тўлиши сабаб бўлди.

Ҳаяжон ила саҳифалари варақланаётган 42 йил олдинги давр воқеалари хотирамдан ўтмоқда. Онажоним Саломат Икромовна Муллажоновна мусикий иқтидоримга баҳо бериб: «Ўғлим, мусиқа билим юртида таҳсил олсангиз, сиздан яхши мусиқачи чиқади», – дедилар. Шу тариқа мусиқа санъати билан жиддий шуғулланишга аҳд қилдим.

1974 йил, июнь... Барча керакли ҳужжатларимни жамлаб, Фарғона давлат мусиқа билим юрти (ҳозирда Фарғона санъат коллежи) қабул комиссиясига топширгани боргандим. Комиссиянинг масъул котиби ҳужжатларимни текшириб, билим юрти директори Ҳакима Машариповна Максумовага олиб кирди. Ўша ўта оғир сиёсий пайтда миллий кадр тайёрлашга катта эътибор қилиб юрган директоримиз:

– Менга рубобчи эмас, балки мусиқашунос керак... Бу ўғлимиз «Мусиқа назарияси» бўлимида ўқийди, – деди.

Унинг тавсиялари билан ҳужжатларим «Мусиқа назарияси» бўлимига қабул қилинди.

Катта ҳаёт тажрибаси соҳиби, меҳрибон устозим, билим юртини битирган барча ўқувчиларнинг шарафли онаси Ҳакима Машариповнанинг келгусида қандай мутахассис бўлиб етишишимни олдиндан кўра олганларига ҳайратланади киши.

Ҳақиқатан ҳам, вақт ҳакам экан. Тўрт йил давомида билим юртида устоз ўқитувчиларимиздан мусиқа санъати сирларини эгалладим. Айниқса, улар орасида Гулчеҳра Абдуллаева ва Александр Куприннинг хизматларини унутмайман. Улар берган билим келажагимда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилди.

Билим юртини ҳам битирдим. Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси (ҳозирда Ўзбекистон давлат консерваторияси)да ўқишни давом эттириш мақсадида пойтахтга келдим. Хужжатлар топширилди. Кириш имтиҳонлари бошланиши арафасида. Ўша пайтда консерватория ректори Мамажон Раҳмонович Раҳмоновнинг олдига олиб киришиб, мени опера ва симфоник оркестр дирижёрлиги кафедрасида ўқишимга тавсия беришди. Шунда ҳам онахон Ҳакима Машариповна «Менга дирижёр эмас, мусиқашунос керак», деб касбий йўналишимга содиқ қолишимни талаб қилдилар.

Талабалик – олтин давр ҳам ўтди. Олий маълумотли мусиқашунос бўлдим. Энди олдинда меҳнат фаолияти. Шарафли ўқитувчилик фаолиятимни бошлашда ҳам онахон Ҳакима Машариповнанинг хизмати катта бўлди. Ўша кезларда битирувчиларни «харид» қилиш учун республикадаги барча билим юртлари директорлари тақсимотда иштирок этишар, 1983 йилнинг баҳорида бўлиб ўтган тақсимотда онахон мени Фарғона давлат мусиқа билим юртига мусиқа фанлари ўқитувчиси сифатида йўлланма берилишини сўраб олди.

Шу тариқа билим юртида «Мусиқа назарияси» бўлими ўқитувчиси, 1987 йилдан эса бўлим мудир сифатида устозларим билан ёнма-ён 15 йил меҳнат қилдим. 1998 йили санъатшунослик илмий-тадқиқот институти директори, санъатшунослик фанлари доктори Оқилхон Акбарович Иброҳимовнинг қатъий талаби билан яна Тошкентга қайтиб, устоз раҳбарлигида номзодлик диссертациямни ёкладим.

Албатта, хотирадаги воқеаларни тўлиқ баён қилиш асосий мақсад эмас. Лекин 60 йил давомида Фарғона санъат коллежи эришган икки муҳим натижани қайд этишни лозим деб билдим.

Биринчиси, 60 йил давомида Фарғона санъат коллежи

республикада муסיқа санъати соҳасида мутахассислар тайёрлайдиган муассаса сифатида илғорликни қўлдан бермасдан пешкадамлик қилаётгани, яъни эл суйган санъаткорларнинг салмоқли қисмини тайёрлаб бераётганлиги. Иккинчиси, билим юрти директори Ҳакимахон ая Машариповна Максумова бошлаб берган ишларни айна пайтда коллеж директори лавозимида давом эттираётган Юсуф Пўлатович Ғофурбеков фаолияти билан боғлиқ. 60 йиллик фаолият давомида ушбу муассасага икки нафар директор раҳбарлик қилгани, назаримда, муҳим кўрсаткичдир. Бундай ҳол республикамиз ўрта махсус билим юртлари тарихида кузатилмайди. Албатта, бунда иккала раҳбарнинг жамоани шакллантиришда кадрларни тўғри танлаб, уларнинг баркамол авлодни тарбиялашдек шарафли ишга масъулият билан ёндошганларида деб биламан.

Бугунги кунда ўзининг 60 йиллигини нишонлаш арафасида турган Фарғона санъат коллежи директори Юсуф Пўлатовичга ҳамда коллеж жамоасига энг самимий тилакларимни изҳор этиб, Сиз азизларга сиҳат-саломатлик, шарафли ишларингизда зафарлар ёр бўлишини тилайман. Азиз ўқувчиларимизга эса коллежимиз устозларидан пухта билим олишларини ва албатта коллежимиз эришган ютуқларни давом эттирган ҳолда мустақил Ўзбекистон муסיқа санъати ривожига ўз ҳиссаларини қўшишларини тилайман.

Муборак 60 ёш қутлуг бўлсин!



САНЪАТ ВА БИЛИМЛАР КОШОНАСИ

Ҳайдарали ҚОСИМОВ,

*Алишер Навоий номидаги ДАКТ режиссёри, Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган маданият ходими, «Шуҳрат» медали
соҳиби, халқ таълими аълочиси.*

1973 йил. Июнь ойининг сўнгги кунлари. Фарғона туманининг Бегимжонтепа кишлоғи. Далада пахта чопиғи авжи паллада. Тушлик пайтида дала шийпонига газета ва журналлар кўтариб почтачи амаки келдилар. Туманимиздаги «Шонли меҳнат» газетасининг сўнгги саҳифасида вилоят мусиқа билим юртига абитуриентлар қабул қилиш бошланганлиги ҳақида эълон берилган экан. Ушбу хабарни ўқиб, ҳаловатим йўқолди.

Етимлик машаққатлари... Турмуш шароитимиз оғир эди. Бағримни захга бериб ётиб олдим. Бир ҳафтада касал ҳам бўлиб қолдим. Бувим раҳматли ҳайрон. Охири уларга дилимдагини айтдим. Шу билим юртига ўқишга кирмасам бўлмайди, деб туриб олдим. Менга қўшилиб чорасиз бувижоним ҳам йиғладилар. Катта амаким Йўлдошали Қосимов мактабимизнинг обрўли ўқитувчиларидан эди. Тушкун аҳволимни кўриб, 8-синфни битирганлигим ҳақида шаҳодатномани ва керакли хужжатларни олишимда ёрдам бердилар.

Имтиҳонлар бошланишига икки кун қолганида билим юртига кириб бордик. Радио орқали эфирга узатиладиган машҳур куйларни диққат билан тинглаб, рубобни чап қўлда маромига етказиб чала олардим – чапақай эдим-да. Кириш имтиҳонларида ҳайъат аъзолари ҳам ҳайрон бўлиб қолишди.

– Мусиқий иқтидори бор. Лекин ўқишга бир шарт билан қабул қиламиз. Бундан буён рубобни ўнг қўлда чалиши керак, – дейишди.

Чинакам азобли кунларим бошланди. Тинимсиз машқлар, уйқусиз тунлар... Устозимнинг қатъий назорати ва ёрдами билан 1977 йили билим даргоҳини имтиёзли диплом билан битирдим. Қадрдон курсдош дўстим Раҳматжон Тожибоев билан Тошкент

давлат консерваториясининг «Халқ чолғулари» бўлимига ҳужжат топширдик. Имтиҳонларга тайёргарлик бошланди. Мусиқа билим юртида ҳар тонг синфга кириб, машқ қиладиган одатим бор эди. Тайёргарлик жараёнида талабалар ётоқхонасининг ошхонасида рубоб-прима созида машқ қиляётган бир йигит билан суҳбаташиб қолдим. Қисқаси, мен кириш имтиҳонларига танлаган асарларимни у консерваторияни битириш арафасида диплом иши учун тайёрляётган экан. Ана шундагина мен қанчалар улуғ мусиқа даргоҳида билим олганлигимни ҳис қилдим. Ўз касбининг фидойилари бўлган моҳир устозлардан сабоқ олганлигимдан ғурурланиб кетдим. Республикамиз мусиқа билим масканлари ичида Фарғона мактаби ана шундай обрўга эга эди.

Рубоб-прима мутахассислиги бўйича республика танловлари ғолиби Яков Михайлович Юнаев синфида таҳсил олганман. «Халқ чолғулари» бўлими бошлиғи Хошимжон Ёқубов, Раҳмиддин Қипчоқов, Муҳаммаджон Қосимов, мусиқа назарияси фанидан Саломатхон Муллажонов, Намунахон Иргашева, сольфеджио фанидан Олимжон Мусабоев, хор ва вокал ижрочилигидан Саиджон Дадажонов, Йўлдош Эргашев, Ефим Гуляев, ўзбек тили ва адабиёти фанидан Иқбол Назаров ва яна кўплаб маҳоратли, шу билан бирга, талабчан устозлардан кўп ва ҳўб сабоқ олганмиз.

Ўз касбини сидкидилдан севган устоз-мураббийлар ҳақида, уларнинг ўқувчиларига бўлган улкан меҳри, инсонийлиги, шогирдлари тақдирига жавобгарлик ҳисси хусусида қанча илиқ сўзлар айтсак, шунча кам. Айниқса, ўша даврларда билим даргоҳига раҳбарлик қилган беназир устоз Ҳакима Максумованинг инсонийлик фазилатлари алоҳида таҳсинларга лойиқдир.

Ҳакима Машариповна катта санъат йўлида ўз ўрнимни топишимда ҳисобсиз яхшиликлар қилган. У бизга талабаларга эмас, ўз фарзандларига қарагандек чексиз меҳру эътибор кўрсатганлар. Заҳматкаш зиёли, камтарин бу инсонни Аллоҳ раҳматига олган бўлсин. Раҳбарга хос синчковлик, олдиндан

кўра билиш, сабр-тоқат, шогирдларининг келажак тақдирига куюнчаклик, уларни имкон қадар қўллаб-қувватлаш аянинг туғма хислатларидан эди. Бу фикримга аядан таҳсил олган барча шогирдлар қўшилади, деб ўйлайман.

Ўзидан кейин шундай табаррук билим даргоҳида хайрли ишларни давом эттириш масъулиятини Юсуфжон Ғофурбековга ишониб топширишларида ҳам ҳикмат бордек. Юсуфжон Пўлатович ишончни оқлаб, бу вазифани кўп йиллардан бери ёруғ юз билан ҳалолу пок бажариб келмоқдалар. Мураббийлик фаолиятингизда сизга бундан-да юксак омадлар ёр бўлишини чин дилдан тилаб қоламан, азиз устоз.

Тақдир тақозоси билан ўқишимни Тошкент театр ва рассомлик санъати олийгоҳида «Муסיқали театр актёрлиги» бўйича халқ артисти Раззоқ Ҳамроев синфида давом эттирдим. Сўнгра «Муסיқали театр режиссёрлиги» мутахассислиги бўйича билим олдим. 1994 йилда Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрига саҳналаштирувчи режиссёр лавозимига қабул қилиндим. Кўплаб ўзбек ва жаҳон композиторларининг машҳур опера асарларини саҳналаштирдим. Улар орасида М.Ашрафийнинг «Дилором», Т.Жалилов, С.Абдулланинг «Тоҳир ва Зухра», И.Акбаровнинг «Сўғд элининг қоплони», С.Юдаковнинг «Майсаранинг иши», М.Бафоевнинг «Севгим самоси», Ж.Бизенинг «Марварид қидирувчилар» (француз тилида), Г.Доницеттининг «Паяцы», Р.Леонкаваллонинг «Тунги кўнғирок», Д.Вердининг «Риголетто» (итальян тилида), «Хан улчум» (корейс тилида) асарларини алоҳида эътироф этиш мумкин. Болалар учун Ўзбекистон санъат арбоби, Давлат мукофоти совриндори, композитор Анвар Эргашев билан ҳамкорликда ўнлаб мюзиклларни саҳнага олиб чиқдик, юзлаб халқаро аҳамиятга молик фестивалларда ҳамда давлат тадбирларида бош режиссёр сифатида ижод қилиб келмоқдаман. Нокамтарликка йўйманг-у, самарали ижодий фаолиятим, республикамизнинг муסיқа ва театр санъати йўналишидаги хизматларим учун давлатимизнинг кўплаб мукофотлари ва унвонларига сазовор бўлдим. Мана шундай эътибор ва эъзозлар ортидан оддий бир

кишлоқ йигитининг мусиқа санъати оламига кириб келишида, пухта билим ва малака эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлган сабоқлари учун Фарғона санъат билим даргоҳи устозларига бошим ерга теккунича таъзим қиламан. Аслида, устозлар бизга қатъиятлилиқ, сабр-бардош, фидойилиқ ва садоқатдан, юрт қорига ярайдиган чинакам инсон бўлишдан сабоқ беришган экан.

Санъат қошонасида ҳозирда билим олаётган азиз фарзандлар! Республикамизнинг санъати ва маданиятини бутун жаҳонга тараннум этишда, ушбу табаррук билим маскани байроғини баланд кўтаришда Сизларга зафар ва омадлар тилайман!

Қутлуғ сана муборак бўлсин, азиз устозлар ва санъатсевар ёшлар!

ФАРҒОНА САНЪАТ КОЛЛЕЖИ – УЛКАН МАРРАЛАР САРИ

Муҳаммаддиёр ТОШМУРОДОВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Турин академияси академиги, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик дизайн институтининг «Ранг-тасвир» кафедраси профессори.

Фарғона санъат коллежи ҳозирги кунга қадар кўплаб етук мутахассисларни етиштириб чиқармоқда. Республика миқёсидаги жуда кўплаб бадий кўргазмаларида Фарғона санъат коллежини битирган ёшларнинг ижод маҳсуллари кўзни қувонтиради. Ушбу ёш ва қобилиятли рассомлар ўзларини кўплаб жанрларда синаб кўрмоқдалар. Улар ўзларининг машаққатли меҳнатлари самараси ўлароқ, кўплаб мухлисларга ҳам эга бўлиб бормоқдалар. Мазкур коллежни битириб, ўз мутахассислиги бўйича етарли малака ва тажрибага эга бўлган кадрлар қаторида Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси Н.Абдуллаев, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик

ва дизайн институти «Дизайн» факультети декани, доцент Х.Қосимов, Тошкент тўқимачилик институтидаги тасвирий санъат мутахассислиги бўйича етакчи ўқитувчи Р.Аҳмедов ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

Ҳозирги кунда Фарғона санъат коллежини тамомлаган 20 дан ортиқ ўқувчилар Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик дизайн институтида турли факультетларда ўз билимларини оширмоқдалар. Фарғона санъат коллежи деганда, катта мамнуният билан М.Чурлу, С.Алибеков, Г.Капцан ва албатта М.Фаткулин каби ўз касбининг моҳир усталарини эсга олишимиз керак. Фарғона санъат коллежи раҳбарияти ва жамоасига улкан ютуқлар тилайман.

МУНОСАБАТЛАРИМИЗ ДАВОМИЙ БЎЛАДИ

Одилжон НАЗАРОВ,

*Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист,
Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори.*

Риштон тумани мусиқа мактабининг Қўрғонча қишлоғидаги 54-ўрта мактабда очилган филиалида эндигина иш бошлаган, бизнинг қўлимизга соз тутқазиб, мусиқий саводимизни чиқарган жонкуяр устозимиз Абдуманнон Исоқовдан Фарғона санъат коллежи ҳақидаги ҳикояларни эшитиб, бу маскан ҳақидаги болалик тасаввурларимиз пайдо бўлган. Ўшанда бу улуғ даргоҳга ўқишга кириш энг катта орзуга айланганди.

Бугун орадан анча вақт ўтган бўлишига қарамай, билим юртида ўқиган дамларимни, қашқар рубоб мутахассислигидан тўрт йил таълим берган устозим Абдувоҳид Мажидов ҳамда улар қаторида сабоқ берган Раҳмиддин Қипчоқов, Қосимжон Самиев, Аҳмаджон Абдурахимов, Саломатхон Муллажонова, Дилнура Ғофурбекова, Гулчеҳра Турсунова каби устозларни чуқур хурмат билан эслайман.

Билим юртининг биринчи директори Х.М.Максумованинг талабчанлиги, ишни тўғри ташкил қилганлиги натижасида кучли педагогик жамоа шаклланган ва бу ўқувчиларнинг билим даражасида ўз аксини топган эди. Буни билим юрти битирувчилари орасидан чиққан, бугун республикамиз ва хорижда фаолият олиб бораётган кўплаб мусиқашунос олимлар, профессорлар, санъат арбоблари, халқ артистлари, халқ ҳофизлари, хизмат кўрсатган артистларнинг кўлаmidан ҳам билиш мумкин. Фарғона санъат коллежи вилоят мусиқа маданиятининг ўчоғи сифатида муҳим маданият ва маърифат марказига айланган.

Айниқса, мустақиллик йилларида коллежга раҳбарлик қилиб келаётган устозимиз Юсуфжон Ғофурбековнинг раҳбарлик салоҳияти, ишни тўғри ташкил этиш ва педагогик кадрлар сиёсатини моҳирлик билан амалга ошириш қобилияти туфайли, бугун ҳам Фарғона санъат коллежи республикамиздаги энг илғор таълим муассасаси сифатида эътироф этиб келинмоқда. Буни республика миқёсидаги ва халқаро танловларда, фестивалларда юқори натижалар қўлга киритилаётганлигида кузатиш мумкин. Республика миқёсида ўтказиладиган бир қанча танловларда ҳайъат аъзоси сифатида кузатар эканман, бугунги Фарғона санъат коллежи ўқитувчиларининг ўз касбига содиқлик билан меҳнат қилаётганларини ҳис этаман. Айниқса, ёш ўқитувчилардан Дилором Алимова, Тоҳир Қаҳҳоров, Қаҳрамон Умаров, Иброҳим Йўлдошев, Абдуғаффор Раҳимов, Акмал Обидов, Ислом Абдуҳафизов каби истедодли мутахассислар фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Консерваторияга ўқишга кираётган бугунги талабалар орасида мазкур коллеж битирувчилари ўзларининг билими, ижро маҳоратлари ва одоб-ахлоқлари билан ажралиб туришларини кўп бора кузатганман.

Сўнгги йилларда бу таълим даргоҳига бир неча бор ўз шогирдларим билан, ҳамда «Сўғдиёна» камер оркестри таркибида концертлар билан ташриф буюриб, ижодий алоқаларни йўлга қўйганмиз. Умид қиламанки, бундай ижодий мулоқот – ўзаро фикр алмашиш каби самимий муносабатларимиз давомий бўлади. Мен учун доимо кадрли бўлган Фарғона

санъат коллежига, унинг жонкуяр устозларига шонли сана муносабати билан энг эзгу тилакларимни тилаб қоламан.

ТАЛАБАЛИК – ОЛТИН ДАВРИМ

*Абдураҳмон ХОЛТОЖИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.*

Ҳақиқатан ҳам, 1972-1976 йиллардаги талабалик даврим санъат гулшани бўлган Фарғона мусиқа билим юртида ўтди. Бу муқаддас даргоҳда фидойи устозларимдан мусиқанинг нозик сирасорларини ўргандим. Булар қаторида билим юрти директори Х.Ш.Максумова, С.Дадажонов, Р.Қипчақов, Т.Худойназаров, М.Каримов, Қ.Абдуллаев, А.Мажидов, М.Мадалиев ва бошқа кўплаб устозларни айтиш мумкин.

Ҳозирги даражадаги билимга эга бўлишимга, кейинги ўқишим, ишларим ва ҳаётим давомида эришган муваффақиятларимга, албатта, мазкур билим юртида сольфеджио, гармония, хор, оркестр, ансамбль ва мутахассислик фанларидан олган билимларим асос бўлди десам, муболаға бўлмайди. Билим юртида кўплаб дўстлар орттирдим. Санъаткор муомаласи, маданияти, ўзини қандай тутиши ва шу билан бир қаторда, инсоний фазилатларни ўргандим. Мен ўзимни жудаям бахтли деб ҳисоблайман. Чунки ўша даврдан то ҳозирги кунгача шу билим юртини битирган талабалар бутун республика ва дунёнинг барча мамлакатларида нуфузли сахналарда ишлаб ижод қилмоқда. Мен Фарғона санъат коллежига шундай кадрларни тайёрлашда муваффақиятлар тилайман.

ВОСПОМИНАНИЯ

Юнус ГУЛЬЗАРОВ,

заслуженный артист Узбекистана.

Свыше сорока лет прошло с тех пор, как я покинул Фергану и Ферганское музыкальное училище, однако и город, и это учебное заведение продолжают жить в моем сердце. «Перелистывая» прошлое, должен сказать, что период с 1969 по 1973 годы – годы учебы в училище оказались самыми интересными в моей жизни. Они были наполнены яркими музыкальными событиями и радостью общения со многими замечательными людьми. Память и сегодня возвращает меня в ту удивительную творческую атмосферу, которую создавали в тот период преподаватели и студенты этого учебного заведения.

Невозможно забыть замечательные концерты, «капустники», хлопковые компании, общение с преподавателями. Люди, работавшие в училище, были одухотворенными, культурными, преданными своему делу профессионалами, которыми двигала беззаветная любовь к музыке и делу, которому они неистово служили. Мои светлые, добрые и теплые воспоминания связаны с именами директора Х.М.Максумовой, завуча Е.М.Гуляевым, руководителей духового оркестра С.С.Гавриловым, оркестра узбекских народных инструментов Р.М.Кипчаковым, оркестра русских народных инструментов В.Антиповым, хора В.В.Киселевым и легендарного педагога истории искусств А.И.Куприным.

Под их руководством я, подающий надежды студент, как и многие из моих товарищей, постигал секреты музыкального ремесла, строил планы на будущее, к которому целеустремленно готовился. Благодаря нашим педагогам, мы росли и взрослели.

С теплом вспоминаю я Хакиму Машариповну – нашего незабываемого директора. Достаточно строгая, требовательная, настойчивая в достижении поставленных целей, она создала

уникальный коллектив единомышленников, в который входили талантливые педагоги разных поколений. Главное, она умела слушать и слышать всех – от учащихся, технического персонала до педагогов.

Помню свою первую встречу с моим дорогим Ефимом Михайловичем Гуляевым, у которого я начал заниматься по специальности. Между ним и мною сразу возникли простые, теплые и очень доверительные отношения. Он был выдающейся личностью и ярким музыкантом, который оказывал огромное влияние на формирование каждого из учеников, кто серьезно относился к занятиям на кларнете. Именно он развил мою любовь к музыке, и внес весьма заметный вклад в мое становление, во многом способствуя моему духовному росту. Ефим Михайлович учил не просто играть на инструменте, он воспитывал в нас музыкантов. Без него, без его педагогического мастерства и вдохновения я мог бы и не состояться. Во всяком случае, я был бы другим музыкантом и другим человеком. Мои занятия были исключительно интенсивными. Педагог загружал меня работой так, что приходилось буквально надрываться, но тянуть... В результате мне удалось сделать немало. В классе Гуляева работала Елизавета Ротаренко – замечательный концертмейстер, с которой я сыграл концерты Моцарта, Шпора, Вебера, Первую рапсодию Дебюсси и многие другие произведения.

Будучи исключительно мягким, добрым и отзывчивым человеком, во всем, что касалось игры на кларнете, музыки, искусства, Ефим Михайлович был исключительно требователен и строг. Это я понял, когда играл в студенческом симфоническом оркестре училища, которым руководил мой педагог. Он самозабвенно работал с нашим ученическим коллективом как с разными группами, так и с солистами. Сидя в оркестре, я изнутри видел его работу над тем или иным произведением, которая порою давалась с муками, с преодолением технических, стилистических, а иногда и ансамблевых трудностей до тех пор, пока разучиваемый опус не обретал законченную, цельную форму. В нем жил сильный дух просветителя, поддерживающего

молодых музыкантов. Благодаря Гуляеву, в Фергане проводились симфонические концерты.

Помню, как мне, первокурснику, Ефим Михайлович доверил партию первого кларнета «Неоконченной симфонии» Ф.Шуберта, музыка которой дарила мне самые возвышенные переживания и глубокие чувства, особенно, когда я исполнял соло.

Частичку своей души дарил нам и Степан Сергеевич Гаврилов – руководитель духового оркестра училища, замечательный музыкант и образованный человек. Он обладал ровным характером, никогда не давал волю гневу, говорил тихо, спокойно, был неизменно выдержан и корректен. Репетиции и концерты с ним также меня обогатили, сыграв важную роль в развитии моего художественного вкуса. Духовой оркестр играл на праздничных вечерах и демонстрациях.

Одним словом, это были люди старой закалки, люди, не боявшиеся брать на себя ответственность не только за обучение музыкальным навыкам, но и за человеческие судьбы. Именно потому наше музыкальное училище воспитало большое количество музыкантов, чьи имена известны по всему Узбекистану и за его пределами.

Желаю коллективу сохранить заложенные традиции, проникнутые атмосферой интеллигентности, духовности, высочайшего профессионализма и творчества, которые складывались на протяжении многих лет. О прошлом Ферганского музыкального училища можно было бы написать не одну книгу. К сожалению, формат данного воспоминания не позволяет вместить все то, что хотелось бы рассказать. А некоторые эмоции просто невозможно передать словами, наверное, для этого и существует в нашей жизни музыка.

МУВАФФАҚИЯТЛАР БЕШИГИ

Юлдуз АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

Мен 1982-1986 йилларда Фарғона санъат билим юртида таҳсил олганман. Мазкур ўқув йиллари бир умрга ёдимда мухрланиб қолган. Бунинг сабаби, бу таълим даргоҳидаги ўқув жараёнининг тўғри йўлга қўйилганлиги, у ердаги ижобий муҳит ва энг муҳими, устозларнинг ўз меҳнатига сидқидилдан ёндошишларидир. Юрий Николаевич Кузнецовдан ўз мутахассислигим бўйича сабоқлар олдим. Устознинг саъй-ҳаракатлари туфайли 1986 йилда Қарши шаҳрида ўтказилган республика вокал ижрочилари кўрик-танловида биринчи ўрин соҳибасига айландим. Шу ва бошқа кўплаб ижодий ютуқларим асосида Фарғона мусиқа билим юртида олган билимларим ётади. Шунинг учун ёш авлодга таълим-тарбия бераётган ва улар учун мустаҳкам пойдевор яратаётган мухтарам устозларимизга доимо таъзимдаман. Коллежимизнинг ёшлари эса нафақат республикаимиз, балки жаҳон миқёсида доимо ёрқин порлаб, нур сочиб турувчи юлдузларга айланиб юрсинлар.

МОЯ СУДЬБА

Флора АШУРОВА,
преподаватель ДШМИ №4 г. Фергана.

В 1957 году состоялись первые приёмные экзамены в Ферганском музыкальном училище. Я поступила на вокальное отделение. Моим преподавателем по вокалу стал Борис Ефимович Шиндарёв. Через год он переехал в другую страну и я, будучи строптивой девушкой с непростым характером, решила взять академический отпуск. Начала петь с различными ансамблями в домах культуры, в городском парке, на предприятиях города.

Решила, что моя карьера уже состоялась. Меня пригласила на беседу директор училища Хакима Машариповна Максумова. Она сумела убедить меня в том, что только получив полное образование, можно добиться успеха и роста профессионального мастерства. Так я вновь вернулась в родное училище и успешно окончила обучение в нём.

За годы учёбы в училище неоднократно выступала в качестве солистки с симфоническим оркестром, которым в те годы руководил Е.М.Гуляев, с оркестром народных инструментов под руководством Р.М.Кипчакова. Мы исполняли для жителей Ферганской области произведения мировой музыкальной классики и произведения композиторов Узбекистана.

На 20 ление Победы я с окружным военным оркестром под руководством майора Ю.Э.Эргашева выехали в Москву на фестиваль «Победа». Мы стали единственными лауреатами от Узбекистана. Это стало незабываемым событием моей жизни.

Профессиональные навыки вокального искусства, полученные мною в стенах родного училища, дали мне путёвку на всю творческую жизнь.

Я всегда с теплотой в сердце вспоминаю своих педагогов: Б.Е.Шиндарева, М.Н.Саидову, О.А.Пугач, Л.Р.Коростылёву и безусловно первого директора училища Х.М.Максумову.

Прошли десятилетия. Родному колледжу исполнилось 60 лет!

От всего сердца хочу пожелать педагогическому коллективу колледжа искусств во главе с директором Ю.П.Гафурбековым держать высокую планку в творческой работе и быть всегда одним из лучших учебных заведений Республики Узбекистан.

ЎЧМАС ХОТИРАЛАР

Гулчеҳра АБДУЛЛАЕВА,

Фарғона санъат коллежсининг фахрий ўқитувчиси.

Фарғона санъат билим юрти номи билан ҳаётимнинг ярим умри, энг ёрқин саҳифалари боғлиқ. Бу масканда 1960 йиллар ўрталарида талаба сифатида, икки йўналиш – «Халқ чолғулари» ва «Муסיқа назарияси» бўлимларида таълим олиб, кейинчалик Тошкент давлат консерваториясини битириб қайтгач, ёш муסיқашунос кадрлар қаторида ўзимнинг педагогик фаолиятимни бошладим. Ўша йиллар бу даргоҳ шахсан мен учун, энг аввало, ўзининг кучли педагогик ва ижровий салоҳияти билан республикада обрў қозонган етакчи малакали устозлар – А.В.Полякова, С.П.Бугаева, Т.С.Саакова, В.М.Антипов, Р.М.Кипчаков, К.Р.Аҳмедова, Х.И.Якубовлар қўл остида таълим олишим, сўнг эса педагогик маҳоратимни улардан ўрнак олиб такомиллаштиришимда аҳамиятли бўлди.

1972 йилда кадрдон даргоҳга ўқитувчи бўлиб қайтганимда, санъат билим юртининг «Муסיқа назарияси» бўлимида мен билан бирга фаолият олиб борган, ғайратга тўла ҳамкасбларим, кучли малакали кадрлар: Т.С.Саакова, Г.Д.Теличко, С.И.Мулладжанова, Н.В.Лебединская, Р.А.Ғалимулина, Г.И.Африкантова, П.С.Гольдина, Э.И.Светловалар билан узок йиллар давомида бирга, ёнма-ён ишлаш бахтига муяссар бўлдим. Кейинчалик бизнинг сафимизга ёш педагоглар – О.М.Бирюкова, Д.С.Ғофурбекова, Д.М.Мулладжанов, Б.Р.Якубов, М.М.Махмудовалар қўшилиб, ушбу таркиб «Муסיқа назарияси» бўлимида узок йиллар давомида ҳамжихатликда ўз фаолиятини олиб борди.

Фарғона санъат билим юртининг профессионал довуғини кўтариш ва тарғиб қилишда биринчи директор Х.М.Максумованинг серқирра фаолиятини алоҳида қайд қилиш лозим. Уларнинг қўл остида педагогик таркиб йилдан йилга кучайиб, салоҳияти ва даражаси ошиб келди. Бу ҳақда билим

юртини турли йилларда муваффақият билан тугаллаган ва сўнгра ушбу масканга қайтган ёки республика ва жаҳон мусиқа даргоҳларида муносиб педагогик ва концерт фаолиятини олиб борган таниқли санъаткорлар етишиб чиқишининг ўзи далолат беради. Ушбу анъанани 1980 йиллар ўрталаридан ва бугунги кунга қадар Ю.П.Ғофурбеков маҳорат ва масъулият билан давом эттириб келмоқда.

Кўп йиллар мобайнида «Мусиқа назарияси» бўлими бошида турган Тамара Суреновна Саакова педагог ўқитувчиларни бир ижодий оила сифатида бирлаштириб, жамоанинг илмий-педагогик салоҳиятини оширишда ўзаро устозлар орасида маслаҳат ва тавсиялар, очиқ дарслар, муҳокама ва изланишлар каби ижодий муҳитни яратиб берди.

Санъат билим юртида олиб борган фаолият биз педагогларнинг ҳар биримизнинг шахсий ҳаётимиз билан чамбарчас боғланиб, чуқур илдизлар отди. Билим юрти ҳаёти мисолида мусикий оилалар қурилди, фарзандлар камол топиб улғайди, уларнинг кўплари эса санъатга қадам босиб, билим юртимиз таълимини олдилар.

Бу даргоҳ турмуш ўртоғим, Ортиғали Турсунов билан мени учраштириб, ҳаётимизнинг энг бахтли дамларини бирга, ҳамкасб сифатида баҳам кўришга имкон берди. Яъни, Фарғона санъат билим юрти биз учун нафақат иш маскани, балки ҳаётимизнинг муҳим қисмига айланди.

Ҳаммамиз учун азиз ва ардоқли даргоҳ бугун ўзининг 60 йиллик таваллуд тўйини нишонлаш арафасида турар экан, Фарғона санъат коллежининг педагогик жамоаси ва раҳбариятига, ҳозирда ўқиб таълим олаётган ёшларга ижодий ютуқ ва зафарлар тилаб, азалдан бу жамоада асраб-авайлаб келинган юқори касбий анъаналар давом эттирилишига тилакдошман.

ИБРАТ МАКТАБИ

Азиз ЗОКИРОВ,

Ўзбекистон давлат консерваторияси «Муסיқий шарқиунослик» кафедраси катта ўқитувчиси.

Азалдан «Устоз отангдек улуғ» деган ҳикматли сўз бор. Албатта, ҳар бир инсон қайси соҳа вакили бўлмасин, унга таълим ва тарбия берган устозларини, қолаверса, таълим даргоҳини унутмайди. Фарғона санъат коллежи ўқитувчилар жамоаси 60 йил давомида ўқувчиларга сабоқ бериш билан бирга, уларни нурли келажак сари етаклаб йўл кўрсатадилар. Дарҳақиқат, бу санъат даргоҳини тамомлаб, етишиб чиққан етук санъаткору-мураббийлар номи нафақат юртимизда, балки хориж мамлакатларида ҳам машҳурдир. Улар ўз фаолиятлари билан санъат ва илм тараққиёти учун хизмат қилиб келмоқдалар.

